

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК
МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ
МАРКАЗИ**

**“ИНАВАЦИОН ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИК ТИЗИМЛАРИНИ
ЛОЙИХАЛАШ”**

**модули бўйича
ўқув-услубий мажмуда**

Тошкент 2019

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК
МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ
МАРКАЗИ**

**“ИНАВАЦИОН ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИК ТИЗИМЛАРИНИ
ЛОЙИХАЛАШ”**

**модули бўйича
ўқув-услубий ма жм уа**

Тошкент 2019

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги 1023-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Муаллиф: дац. т.ф.н. **М. Ибрагимов**

Ўқув-услубий мажмуатИҚХММИ Кенгашининг 2019 йил 31 октябрдаги 3-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур	3
II. Модулни ўқитиша фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.	7
III. Назарий машғулот материаллари	16
IV. Амалий машғулот материаллари.....	138
V. Кейслар банки	154
VI. Мустақил таълим мавзулари.....	157
VII. Глоссарий	159
VIII. Фойдаланилган адабиётлар	165

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Ишчи дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган дастури асосида ишлаб чишилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Ишчи дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш соҳасига оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илфор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараённига кенг татбиқ этиш, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Юқоридаги вазифаларни эътиборга олган ҳолда профессор-ўқитувчилар таълим-тарбия жараёнида таълим мазмунига боғлиқ инновацион таълим технологияларини танлаш, машғулотлар ишланмаси ва технологик хариталарни лойиҳалаш, уларда белгиланган ўқув мақсадларни амалда қўллай олиши, талabalарнинг ёш, психологик ва эргономик хусусиятларига асосан талаба шахсига йўналтирилган таълимни ташкил эта олиши лозим.

“Инновацион электроэнергетик тизимларини лойиҳалаш” фани бўйича замон талабларига жавоб берадиган инновацион технологияларга асосланган машғулотлар ишланмаси ва технологик хариталарни ўргатиш дастурнинг асосий мақсадини белгилаб беради.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Инновацион электроэнергетик тизимларини лойиҳалаш” **модулининг мақсади:** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникум ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлаш ва таълим-тарбия жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш имконини берадиган қишлоқ хўжалиги ишлаб

чиқаришида электр энергетик системаларни лойихалаш, қайта тикланувчи манбаларга асосланган автоном ва локал энергетик системаларни ишлаб чиқиши бўйича замонавий билим ва кўникмаларни таркиб топтиришдан иборат.

Дастурнинг асосий вазифалари:

“Кишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

Замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

Педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

Инновацион электроэнергетик тизимларини лойихалаш фани соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Инновацион электроэнергетик тизимларини лойихалаш” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- Инновацион қўлланиладиган замонавий электр ускуналарини жихозларини ва уларни асосий энергетик кўрсатгичларини;
- Инновацион ишлаб чиқариш хоналарини атроф мухит шароити ва электр токи билан шикастланиш хавфи бўйича категорияларга бўлиниши;
- Қайта тикланувчи энергия манбалари асосида локал энергетик тизимларни шакллантириш принципларини;
- Электр энергия сифати ва энергия билан таъминлаш ишончлилигини кўрсатгичларини;
- Локал ва автоном энергия таъминоти системаларни таркибий элементларини ва уларнинг асосий кўрсатгичларини **билиш керак**.
- Турли хил эксплуатация мос келувчи электротехник курилма, ўтказгич ва ҳимоя воситаларини танлаш;
- Ҳисобий қувватини аниқлаш ва унинг асосида трансформатор ва қайта тикланувчи энергия манбаларини танлаш;
- Электр энергия сифатини баҳолаш ва энергия билан таъминлаш ишончлигини аниқлаш;
- Қуёш ва шамол энергиялари потенциалларини аниқлаш каби кўникмаларга **эга бўлиш лозим**.
- Турли хил эксплуатация шароитида қишлоқ хўжалик истеъмолчиларини узлуксиз ва сифатли энергия билан таъминловчи чоратадбирларни ишлаб чиқиш;

• Лойиҳаларда электр хавфсизлик бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва хавфсизлик яратувчи система параметрларини аниқлаш .

• Автоном ва локал энергия таъминот тизими схемаси ва структурасини асослаш ҳамда элементлар параметрларини аниқлаш бўйича малакаларга **эга бўлиш лозим**.

• Лойиҳаларда турли хил аномал режим ва аврия холатлари олдини олувчи чора-тадбирларни қўллаш;

• Қайта тикланувчи энергия манбалари энергияларидан самарали фойдаланиш бўйича техник ечимларни ишлаб чиқиш;

• Анъанавий ва қайта тикланувчи энергия манбасини ишига асосланган локал ёки автоном энергия таъминот тизими лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича компетенцияларга эга бўлиш лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Инновацион электроэнергетик тизимларини лойиҳалаш” модули назарий ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- назариймашғулотларда замонавий Комютер технологиялари ёрдамида презентация ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотлар жараёнида техник воситалардан, кейс, ассисмент технологияларини, тест сўровлари, ностандарт тестлар, ақлий хужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Инновацион электроэнергетик тизимларини лойиҳалаш” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Инновацион таълим технологиилари ва педагогик компетентлик”, “Қишлоқ хўжалиги фанларини ўқитишида илғор хорижий тажрибалар”, “Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишида мультимедия тизимлари ва масофавий таълим методлари” ва “Қишлоқ хўжалгида тизимли таҳлил” модулларининг барча соҳалари билан ўзвий боғланган ҳолда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласи ҳамда ўқув модули билан узвий алоқадорликда олиб борилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тизимлари ва уларни бошқариш жараёнларида замонавий ва илғор хорижий давлатлар тажрибаларини ўзлаштириш, жорий этиш ва амалиётга қўллаш бўйичапроектив, креатив ва технологик касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

Т/п	Модул мавзулари		Умимий соат	Масофавий тальим соатлари	Жами	Жу младан аудитория соати	На зарий	Ама ний
	Кишлок хужалигыда қайта тикланувчан энергия манбаларига (КТЭМ) асосланган инновацион электроэнергетик тизимларини лойихалаш принциплари.							
2	КТЭМларга асосланган автоном ва локал энергия таъминот тизимларини лойихалаш.							
3	Автоном ва локал энергия таҳминот тизимида кулланиладиган электротехник ускуналарини танлаш ва истеъмолчиларни хисобий кувватини аниқлаш.							
4	Қуёш ва шамол энергиялар потенциалларини аниқлаш ва худудий кадастрини тузиш.							
5	Қуёш ва шамол энергетик станциялари элементлари параметрларини аниқлаш методикалари.							
6	Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида анъанавий ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан комплекс фойдаланиш.							
Жами:			0	4	6			

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“SWOT-таҳлил” методи

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.



Намуна: Сабзавот сақлаш омборхонасини электрлаштириш ва микроиқлим яратувчи чораларни ишлаб чиқиши SWOT-таҳлили методи ёрдамида ушбу жадвалга туширинг.

S	Сабзавот сақлаш омборхонасини электрлаштириш ва микроиқлим яратувчи чораларни ишлаб чиқиши кучли томонлари	Технология талаблари тўлиқ бажарилади ва меҳнат унумдорлиги ошади.
W	Сабзавот сақлаш омборхонасини электрлаштириш ва микроиқлим яратувчи чораларни ишлаб чиқиши кучсиз томонлари	Катта капитал маблағларни талаб қиласди.
O	Сабзавот сақлаш омборхонасини электрлаштириш ва микроиқлим яратувчи чораларни ишлаб чиқиши имкониятлари (ички)	Қайта тикланувчи энергия манбааларидан фойдаланиш ва электрон-ион технологияларини қўллаш мумкин.
T	Тўсиқлар (ташқи)	Ўзбекистонда ишлаб чиқариш камлиги, нархи юқорилиги.

Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзу

Намуна:

Мобил операцион тизимлар					
Android		iOS		Windows Phone	
афза ллиги	Кам чилиги	афза ллиги	камчил иги	афза ллиги	Кам чилиги
Хулоса:					

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида кўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарған асосий сабабларни белгиланғ(индивидуал ва кичик гурұхда).
- Мобил иловани ишга тушириш учун бажариладагина ишлар кетма-кетлигини белгиланғ (жуфтликлардаги иш).

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хulosалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хulosалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш қўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- катнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хulosса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қофозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯхий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Полимарфизим объектга йўналтирилган дастурлашнинг асосий тамойилларидан биридир”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ

орқали таҳлил қилинг.

“Кластер” усули.


Методнинг мақсади:(Кластер-тутам, боғлам)-ахборот харитасини тузиш йўли- барча тузилманинг мөхиятини марказлаштириш ва аниқлаш учун қандайдир бирор асосий омил атрофида ғояларни йиғиш.

Методни амалга ошириш тартиби:Билимларни фаоллаштиришни тезлаштиради, фикрлаш жараёнига мавзу бўйича янги ўзаро боғланишли тасаввурларни эркин ва очиқ жалб қилишга ёрдам беради.

Кластерни тузиш қоидаси билан танишадилар. Ёзув тахтаси ёки катта қоғоз варагининг ўртасига асосий сўз ёки 1-2 сўздан иборат бўлган мавзу номи ёзилади

Бирикма бўйича асосий сўз билан унинг ёнида мавзу билан боғлиқ сўз ва таклифлар кичик доирачалар “йўлдошлар” ёзиг қўшилади. Уларни “асосий” сўз билан чизиқлар ёрдамида бирлаштирилади. Бу “йўлдошларда” “кичик йўлдошлар” бўлиши мумкин. Ёзув ажратилган вақт давомида ёки ғоялар тугагунича давом этиши мумкин.

Намуна. Ҳимоя воситаларни туркумланишини Кластер усулида изоҳлаш.



“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи

вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

➤ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➤ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1- матн	2- матн	3- матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурухли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Кўши мча маълумот
Activity	илованинг бирорта ойнасини (интерфейс) бошқарувчи Java кенгайтмали файл	
adb (Android Debug Bridge)	SDK орқали иловани ишга тушурувчи дастур	
	андроид учун кутубхона	
	Java дастурлаш тили учун кутубхона	
Layout Resource	илова ойналарининг кўринишини сақловчи XML файл	
Manifest File	илова учун керакли барча маълумотларни XML файл (мисол учун: илова номи, интент филтрлар, интернетга боғланиш)	
Service	илова орти хизматлар яратиш учун синф	

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

Веин Диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалалиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёҳуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

Намуна: Замонавий ва оддий сабзавот сақлаш омборхоналарни тақослашбўйича



“Блиц-ўйин” методи

Методнинг мақсади: ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастрлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетмакетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар тақосланисиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қутиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидағи фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «түғри жавоб» ва «гурух баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гурух хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб кўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гурух хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

«Дастурӣ воситаларни ўрнатиш ва созлаш» кетма-кетлигини жойлаштиринг. Ўзингизни текшириб қўринг!

Ҳаракатлар мазмуни	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гурух баҳоси	Гурух хатоси
Андроид виртуал машинасини созлаш (AVD)					
Eclipse IDE ни ўрнатиш					
Керакли SDK версиясини юклаб олиш					
Андроид SDK Manager дастурини ўрнатиш					
Java учун кутубхона ўрнатиш (JDK)					
Eclipse учун ADT (Android development tools) plugin ни ўрнатиш					

“Брифинг” методи

“Брифинг”- (инг. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишлиланган қисқа пресс-конференция.

Ўтказиш босқичлари:

1. Тақдимот қисми.
2. Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишлиланган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади. Талабалар ёки тингловчилар томонидан яратилган мобил иловаларнинг тақдимотини ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин.

“Портфолио”методи

“Портфолио” – (итал. portfolio-портфель, ингл.хужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг сараланган ўкув-методик ишлари, касбий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади. Жумладан, талаба ёки тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг қуидаги турлари мавжуд:

Фаолият тури	Иш шакли	
	Индивидуал	Грухий
Таълимий фаолият	Талабалар портфолиоси, битирувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ.	Талабалар грухи, тингловчилар грухи портфолиоси ва бошқ.
Педагогик фаолият	Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси	Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ.

III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1. Маъруза. Кишлок хужалигида қайта тикланувчан энергия манбаларига (КТЭМ) асосланган инновацион электроэнергетик тизимларини лойихалаш принциплари.

Режа:

- 1- Инновацион электрэнергетик тизимларини лойихалаш принциплари.
- 2- Күёш энергиясидан фойдаланиш имконияти.
- 3- Шамол энергетик ресурслари .

Таянч сўзлар: Қуёш ва шамол энергиялари потенциали, қуёши радиациясининг ўртacha ойлик ва йиллик йигиндиси, ўртacha шамол тезлиги.

1. Инновацион электрэнергетик тизимларини лойихалаш.

Ҳозирги даврда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни энергия билан самарали таъминлаш учун турли хил энергетик ресурсларидан фойдаланиш имкониятини кўриб чиқиш керак. Комплекс энергия таъминот тизимида (КЭТТ) қайта тикланувчан энергия манбаларидан унумли фойдаланиш учун

энергияни етказиш ва таъминлаш режимларини мувоқлаштириш керак. Бу ерда қуёш энергетик қурилмаси (ҚЭК) ва шамол энергетик қурилмаларини (ШЭК) энергетик тавсифномалари ва параметрларини аҳамияти каттадир. Шунинг билан биргаликда истеъмолчиларни турлари, ишлаш режимлари, уларнинг энергетик характеристикаларини хам билиш зарурдир. Комплекс энергия таъминотида анъанавий ва қайта тикланувчан энергия ресурсларини самарали қўллаш учун улардан бирга қўшиб фойдаланиш керак.

Тизимли (системали) ёндашув методологияси ёрдамида мураккаб объектни (КЭТТ) тадқиқ қилиш мумкин. Биринчи навбатда, тизимнинг структураси, энергия манбаларини боғланиши ва уларнинг элементларини ўзаро мослигига эътибор қилинади. Турли хил анъанавий ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан ташкил килинаётган комплекс локал энергия таъминоти тизимни структурасини тузишда, уни кўп босқичли тизим деб қабул қиласиз.

Биринчи босқичда муайян худуд учун қуёш ва шамол энергияларини потенциаллари ўрганилади. Маълумки бу табиий энергия ресурсларини ўзгариши тасодифий характерга эга. Қуёш энергиясидан фойдаланиш имконияти унинг интенсивлиги (қуввати) ва қуёш радиациясининг давомийлигига боғлиқ. Шамол энергиясининг потенциалини баҳолашда шамол оқимининг тезлиги (ўртacha қиймати) ва маълум бир муддатдаги (сутка, ой, йил) унинг ўзгаришлари аниқланади (бу ишлар кўрилаётган ҳисоботини 1чи бобида келтирилган).

Иккинчи босқичда, қишлоқ хўжалик истеъмолчиларини энергия билан таъминлашда қуёш ва шамол энергияларидан биргаликда фойдаланиш имкониятларини баҳолаш методлари ишлаб чиқилди. Комплекс энергия таъминот тизимида ҚТЭМлардан фойдаланиш қўрсатгичлари қабул қилинган. Шу билан биргаликда зарур энергия ўрнини қоплаш шартини баҳолаш методикаси хам ишлаб чиқилган. (2 боб)

Шунинг билан биргаликда қуёш ва шамол энергетик қурилмаларини энергия ишлаб чиқариш имкониятлари баҳоланди. Хусусан қуёш ва шамол

электр қурилмаларининг энергетик характеристикаларини тегишли қүёшнинг интенсивлиги ва шамолнинг тезликлари билан функционал ва аналитик боғликларни аниқланади. Генераторларнинг қувватлари ва конденсатор батареяларининг сифимлари асосланади.

Учинчи босқичда истеъмолчиларни иш режимлари иш режимлари тадқиқ қилинди. Истеъмолчилар сифатида мева ва сабзавотларни қуритишда кенг қўлланадиган дастлабки электр импульсли ишлов бериш қурилмаси ва қуёш ҳаво мева қуритгичини истеъмол режимлари кўриб чиқилган (3 боб). ҚТЭМ ва истеъмолчилар режимларини мослаштириш учун истеъмолчиларни ўзига хос хусусиятлари аниқланди.

Тўртинчи босқичда анъанавий ва қайта тикланувчан энергия манбаларидан комплекс фойдаланиш масалалари кўриб чиқилади. Бу ерда биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни талабига кўра истеъмолчиларни узлуксиз энергия билан таъминлаш муаммосини ечиш керак. Қайта тикланувчи энергия манбаларини тасодифийлиги, истеъмолчилар уланиши ва талаб қиласиган қувватларини тасодифийлиги хамда ҚТЭМ ларни бир-бирига мос бўлиш кераклиги қўйилган муаммони ечилишини мураккаблаштиради.

Юқорида келтирилган муаммони ечиш мақсадида анъанавий ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан биргаликда фойдаланиш таклиф қилинмоқда.

Тизимли ёндашув принциплари асосида анъанавий ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан биргаликда фойдаланиб локал комплекс энергия таъминотини умумлаштирувчи схема таклиф қилинмоқда.



1.1-расм. КТЭМлардан фойдаланишга асосланган локал комплекс энергия таъминоти схемаси. ЭТ, ИТ - марказлаштирилган электр ва иссиқлик таъминоти тизимлари; МАЭС – маҳаллий автоном электр станцияси; КТЭМ – қайта тикланувчи энергия манбалари; ИИҚ – иссиқлик энергия ишлаб чиқарувчи қурилма.

Комплекс энергия таъминоти тизимида электр энергия марказлаштирилган электр тармоғи (ЭТ) ёки маҳаллий автоном электр станцияларидан (МАЭТ) ёки КТЭМ лардан олиниши мумкин. Иссиқлик энергияси – марказлаштирилган иссиқлик энергия тармоғи ИТ, автоном иссиқлик қурилмаси ИИҚ ёки КТЭМ лардан олиниши мумкин.

Истеъмолчиларни электр ва иссиқлик энергия билан таъминлашда анъанавий ва қайта тикланувчи энергия манбаларини мажмуаси комплекс энергия таъминоти тизимини ташкил қиласи.

Комплекс энергия таъминот тизими (КЭТТ) қуйидаги хос хусусиятларга эга:

- тизимнинг яхлитлиги;
- тизим ташкил қилувчи элементлардан иборатлиги ва уларни иерархиклиги;
- элементлар орасида турли хил боғланишлар борлиги.

КЭТТ да энергияни ишлаб чиқариш, ўзгартириш, узатиш ва сақлаш жараёнлари бажарилади. Бажарилаётган функциясига қараб КЭТТ лар тўлиқ, тўлиқ эмас ва оддий тизимларга бўлиниши мумкин.

Қуёш ва шамол энергияларига асосланган локал комплекс энергия таъминот тизимида анъанавий ва қайта тикланувчи энергия ресурсладан унумли фойдаланишда системали ёндашув методологиясидан фойдаланилди. Системали ёндашув ёрдамида КЭТТ нинг структураси, боғланишлар ва элеметларнинг мослиги кўриб чиқилади. Лойихада биринчи навбатда локал комплекс энергия таъминоти тизимининг таянчи бўлган автоном энергия таъминот тизимини структуравий схемалари ишлаб чиқилган. Схемаларни афзалликлари ва камчиликлари тахлил қилинган. Кейинги босқичда фақат қуёш ёки шамол энергияларига асосланган локал энергия таъминоти тизимларини схемалари ишлаб чиқилди. Анъанавий энергия манбаларидан фойдаланиш варианtlари кўриб чиқилган.

Энергетик қурилмаларини турли хил режимда ишлашини ҳамда ҚТЭМ ларни алоҳида ва биргаликда ишлашини ҳисобга олиб қуёш ва шамол энергияларидан комплекс фойдаланишга асосланган локал энергия таъминоти тизимларининг варианtlари ишлаб чиқилган. Қуёш ва шамол энергияларига асосланган локал энергия таъминоти тизимини таянч элементлари бўлган қуёш фотоэлектрик ўзгартиргич ва шамол генераторининг қувватларини аниқловчи ифодалар келтирилган.

Инновацион электрэнергетик тизимларини лойихалаш принциплари куйидагилардан иборат:

1. Комплекс фойдаланишга асосланган инновацион энергия таъминот тизимини шакллантириш принципларини яратишда тизимли ёндашув методологиясидан фойдаланилди. Локал комплекс энергия таъминот тизимини (ЛКЭТТ) хос хусусиятларини эътиборга олиш керак, яъни тизимнинг яхлитлиги, тизим турли хил элементлардан иборатлиги ва элементлар орасида хар хил боғланишлар борлигини.

2. Турли хил анъанавий ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан ташкил қилинаётган комплекс локал энергия таъминот тизимини тузишда, уни кўп босқичли тизим деб қабул қиласиз.

Биринчи босқичда муайян бир худуднинг қуёш ва шамол энергияларини потенциаллари ўрганиб чиқилади. Иккинчи босқичда қишлоқ хўжалик истеъмолчиларини энергия билан таъминлашда ҚТЭМ лардан фойдаланиш имкониятлари баҳоланади ва зарур энергия ўрнини қоплаш миқдори аниқланади. Шунинг билан биргаликда қабул қилинаётган қуёш ва шамол энергетик қурилмаларининг керакли энергия ишлаб чиқариш имкониятлари аниқланади. Учинчи босқичда технологик жараёнларида қўлланилиши режалаштирилаётган энергия истеъмолчиларини иш режимлари кўриб чиқилади. Тўртинчи босқичда анъанавий ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан комплекс фойдаланиш масалалари кўриб чиқилади. Энергия манбаларини иш режимларини энергия истеъмол режимлари билан мослаштириш масалалари кўриб чиқилади.

3. Локал комплекс энергия таъминот тизимини таянчи бўлган автоном энергия таъминот тизимини структуравий схемаси тузилади. Энергияларни етказилиши ва истеъмол қилинишлари бир вақтда бўлганлиги ҳамда уларнинг ўзгаришлари тасодифий бўлганлиги учун автоном энергия таъминот тизимини (АЭТТ) оптимал таркиби асосланади.

Қуёш ва шамол энергетик қурилмалар асосида автоном энергия таъминот тизимини турли хил варианtlари кўриб чиқилади. Локал энергия таъминот тизимини структуравий схемасини тузишда ҚТЭМ лар ишлаб чиқарадиган энергиясидан максимал фойдаланиш ва истеъмолчиларни талаб қилинадиган энергия билан тўла таъминлаш вазифалари қўйилади. Демак ҚТЭМ лардан самарали фойдаланиш учун энергия оқимини бошқариш методларини ва тегишли схемаларини ишлаб чиқиш керак.

Қуёш ва шамол энергияларидан комплекс фойдаланишга асосланган локал энергия таъминот тизимини структуравий схемалари ишлаб чиқилади.

2. Қуёш қурилмаларидан фойдаланиш

Ерга келаётган қуёш радиацияси. Ўзбекистоннинг актинометрик станцияларида (АС) қуёш радиациясининг қуйидаги таркибий қисмлари ўрганилади: S – нормал нур текислигига тўғри: Д – горизонтал, текисликка сочилган ва $Q = S + D$ горизонтал текисликка йигилган. Ўлчашлар ҳар 3 соатда дискрет амалга ошади, қуёш вақти билан 6^{30} дан бошлаб ва Тошкентдаги АС интенсивликни қўшимча узлуксиз аниқлаш ишлари олиб борилади, бу эса соатларда ва суткадаги инсолация йигиндисини ўлчаш имконини беради. Бошқа АС ларда бу катталиклар S, D ва Q трапеция усули билан аниқланади, бунда натижаларнинг аниқлиги паст бўлади, хусусан ўзгарувчан булатли кунларда ёки ёғингарчилик, чанг бўронли, туман, антропоген ифлосланишлар оқибатида қуёш радиацияси ушланиб қолса натижалар тўғри бўлмайди.

Қуёш энергетик асбоблар қуёш нурини қайта ишлаш усулига кўра: концентранган ва концентранмаган қайта ишловчиларга бўлинади. Уларнинг ҳар бирини ўз афзалликлари ва камчиликлари бор. Конструктив тузилишга кўра қуйидаги асосий қуёш энергетик асбоблар турларига бўлинади. Қуёшни кузатиб бориш, унинг нурини йигадиган приёмниклар,- қуёшни кузатиб бормай нурни концентрациялайдиган приёмниклар,- қуёш нурини концентрацияламай борадиган приёмниклар.

Горизонтга нисбатан маълум бурчак остида ва жанубга ориентацияланган шароитда қуёш нури приёмникларини мустаҳкам ўрнатиш.

Эксплуатация даврига кўра гелиоэнергетик асбобни ўрнатишнинг оптимал бурчаги α ўзгариб туради, йил давомида ишлатилганда $\alpha = \varphi$ бунда φ - жойнинг географик кенглиги, йилнинг совуқ даврида эксплуатация қилинганда, $\alpha = \varphi + 15^\circ$, иссиқ даврида $\alpha = \varphi - 15^\circ$ - бурчакнинг бу қийматлари Ўзбекистон АС учун олинган.

Қуёш нури приёмнигининг бундай жойлаштирилиши анча содда, ишончли ва ишлатилиши қулай, шунинг учун хозирги кундаги қуёш нурини иссиқлик ва электр энергияга айлантиришда кенг қўлланилмоқда. Шунинг учун ушбу ишда қуёш фотоэлектр қурилмаси ишлаш характеристикаларини аниқлашда охирги вариант танланган. Ясси мустаҳкам ўрнатилган

приёмники қуёш фотоэлектр қурилмаси жануб томонга ориентациялаш ва йил давомида ишлайди, шунинг учун у горизонтга нисбатан φ бурчак остида махкамланиши керак. Қуёш радиациясининг бундай приёмникка тушаётган ойлик ўртача ва йиллик йифиндисининг йифиндиси қуидаги формула билан аниқланади:

$$\bar{Q}_\varphi = \bar{S} (K \sin \varphi + \cos \varphi) + D \frac{1 + \cos \varphi}{2} + \bar{Q} p \frac{1 - \cos \varphi}{2}, \quad (1.1)$$

бунда, S , D ва Q – горизонтал текисликка тушаётган тўғри, сочилган ва йиғилган радиация суммасининг йиллик ва ўртача ойлик қийматлари; P – қуёш батареяси атрофини ўраб турган сиртнинг диффузион акслантирувчи хусусияти ($p = 0,2$); K -горизонтал текисликка тушаётган тўғри қуёш радиациясига ёндошган каби азимут билан вертикал текисликка тушаётган тўғри қуёш радиацияси катталигига teng коэффициент; \bar{Q}_φ - катталикни хисоблаш учун қийматларга кўра аниқланган, аниқлик даражаси юқори бўлиши учун улар график шаклига келтирилган; \bar{Q} - ўртача квадратик четлашишларни баҳолаш учун

$$\Delta Q_\varphi = \Delta Q \frac{\bar{Q}_\varphi}{\bar{Q}}, \quad (1.2)$$

бунда, ΔQ - \bar{Q} қийматининг ўртача квадратик оғиши

Турли типономиналлардаги КФЭК ларнинг асосий характеристикаси. Ҳозирги кунда қуёш фотоэнергетикасини ривожлантириш учун катта имкониятлар бор. Германия, Япония, АҚШ, Россия ва бошқа мамлакатларда юзлаб МВт га эга бўлган КФЭК (кремний) дан кўплаб ишлаб чиқарилмоқда 3.6- жадвалда Россия – Голландия кўшма корхоналарида ишлаб чиқарилган монокристал кремний асосида 3 хил конструктив вариантларда ишлаб чиқариладиган КФЭК келтирилган, каркасиз (“Лира”- серияси), каркасли (MSW – серияси) ва металдан (MSWm –серияси) солиштириш мумкин бўлган қувват ва кучланишлари билан келтирилган [48].

ҚФЭК да ишлаб чиқариладиган 1 Вт қувватининг нархи қувват ортиши билан арzonлашади. Компаниянинг прай-листи анализи натижасида бу яхши кўринади. Каркасли модулларнинг қуввати 3,0 – 3,5 Вт бўлганда нарх 8 АҚШ доллар, 45 – 65 Вт бўлганда 5,4 АҚШ долларига тенг бўлади.

Шунингдек каркassиз модулларда 1,7 Вт – 8,3 АҚШ доллари, 24 Вт -5,8 доллар, мос равишда металдан ишланган модулларда қувват ортиши билан нархи 9,4 дан 6,2 доллар 1 Вт га ўзгаради. Яқин кунларда (2015 й) СЭ нархини 2,0 – 2,5 доллар 1 Вт га камайтириш ва мос равишда сифатлари (ҚФЭК) 3,5-4,0 да 1 Вт бу қуёш фотоэлектр қурилмасини Ўзбекистонга иқтисодий жиҳатдан олиб келиш имкониятини оширади.

Электр таъминотида катта етишмовчилик кузатилаётган туманларда, айниқса газлашган қишлоқ аҳоли яшаш хонадонларида қуёш фотоэлектр қурилмасини ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги кунда белгиланган нархлар билан қуёш фотоэлектр қурилмасини электр насослар ва марказий электр тармоғидан узоқда бўлган жойларда электр энергия билан таъминлашда ишлатиш мумкин. Бу жиҳатлардан қараганда MSW 20 (12,24) типдаги ҚФЭК ларни ишлатиш мумкин, уларни хизмат кўрсатиш муддати 20 йил, кафолат муддати 10 йил. Тайёрловчи фирма комплект таркибига (АБ) электр аккумулятор батареялари ва инвенторларни керакли параметрларга эга бўлган катталикларда қўйиш мумкин.

Худди шундай ишлар Ўзбекистонда ҳам олиб борилмокда. Ўз.Р. ФА физика-техника институтида ишлаб чиқарилган ва энергия таъминотининг автоном системаси (АСЭ) ишлаб чиқилган бўлиб, кам энергия талаб қиласидиган электр таъминотидан узоқда жойлашган туманларда ишлатишга мўлжалланган.

Турли қувватдаги ҚФЭК кўрсаткичлари

1.1-Жадвал

Кўрсатк ичлари: максимал қуввати Вт	Модул турлари				
	L e	W	MS	W	MS

	24(12,24)	24(2,24)	60(12,24)	20(2,24)	60(12,24)
Максимал қуввати Вт	24	24	60	20	60
Минимал қуввати Вт	21,5	21,5	55	18	55
Максимал қувват токи, А	1,42	1,42	3,53	1,18	35
Максимал қувват күчланиши В	17	17	17	17	17,2
Номинал күчланиши В	12,(24)	12,(24)	12,(24)	12,(24)	12,(24)
Қисқа туташув токи А	1,68	1,7	4,4	1,4	4,1
Салт ишлаш күчланиши В	21,3	21,3	21,3	21,4	21,4
Үлчами : Бўйи мм эни ,мм баландлиги,мм	664 333 2,5	674 345 38	0 550 38	108 400 38	492 400 38
Блокдаги КЭлар сони	36(3x12)	36(x6)	72(6x12)	36(4x9)	36(4x9)
Оғирлиг и, кг	0,60 0	3,5	7,7	2,8	8,5
1 Вт баҳоси (АҚШ долларида)	5,8	6.6	5.4	6,9	6,2
Модулн инг баҳоси АҚШ доллар	139. 2	158, 4	32.4	16,9	351, 2
Хизмат муддати, йилда	5	20	20	20	20
Кафолат муддати, йилда	1	10	10	10	10

Монокристал кремний асосида ишланган 24 кВт қувватли қүёш фотоэлектрик блоки (АМ 1 шартларида ва 7100 Вт /м² ёруғлиқда) жойнинг географик кенглигига ва йил фаслига кўра қўёшга нисбатан оптимал бурчакда фотоэлектрик блок ўрнатилади.

-текширувга хожат бўлмаган, ишқорий ва кислотали 200-300 А соат умумий ҳажми;

-турли иш режимларида АБ нинг разряд-зарядини текшириш учун контролёр;

- 1 кВт қувватли – 12/ 220 В ли инвенторга эга бўлган бошқариш блоки;
- монтаж симлари ва турли маркадаги кабеллар;
- асбоб ускуналар комплекти, улар ишлаб чиқарилган энергияни қабул қиласи ва қуидагилардан ташкил топган;
- 0.75кВт қувватли сув кўтаргич насос, иш вақти тахминан 6 соат/сутка;
- 6 соат/сутка ишлайдиган люминесцент лампалар (10 дона 20 Вт дан) :
- 4 соат/сутка ишлайдиган 60-70 Вт қувватли оқ-қора электрик телевизорлар.

Бундан ташқари, 70 Вт қувватли совутгични энергия билан таъминлаши мумкин (бутун сутка давомида) ва бошка 20 Вт қувватли 2 соат/сутка ишлайдиган машина асбобларини ҳам энергия билан таъминлади. Тошкент шаҳридаги “Фотон” заводида аморф-кремний асосида қўёш фотоэлектрик курилмаси тайёрлаш йўлга кўйилди:

а) энергияни иқтисод қилувчи ёритиш лампалари ва оқ-қора телевизор учун 100 Вт қувватли.

Б) 0.75 кВт қувватли сув кўтаргич насос учун (0,3-0,45 м³ соат) сув ости манбалардан сувни тортиб олиш учун, у ГОСТ талабларига жавоб беради.

Жиҳозлар зарур қисмлар ва электр аккумуляторлар билан таъминланади. Бу қурилмалар Қорақолпоғистондаги Тахтакўпир туманидаги Кастроубақишлоқ аҳоли яшаш пунктида синовдан ўтказилган, у ерлар газлаштирилмаган.

Навоий вилояти Нурота туманидаги қишлоқ аҳоли яшаш пункти яшаш уйларини электр таъминоти учун қуёш фотоэлектр қурилмаси танлашда энергетик жиҳатдан, таннархи ва эксплуатация кўрсаткичлари ва ишлаш характеристикаларига эътибор берилади.

Қуёш фотоэлектр қурилмасининг ишига турли хил факторлар таъсир этиши мумкин: қуёш радиацияси, ташқи ҳаво ҳарорати, ҳаво тезлиги, чангли бўрон ва ҳаво ёғинлари. Асосий метеорологик фактор сифатида қуёш радиацияси қабул қилинади. Адабиётларнинг қўпчилигига ҳисобий давр сифатида июль ва январь ойлари қабул қилинган [46-48].

Ўзбекистон республикасининг шамол ва гидроэнергетик кадастрига асосан қуёш радиациясининг интенсивлигини ва қуёш чиқиши даврининг узунлиги тўғрисида маълумот республика худудида жойлашган актинометрик станцияларидан олинади (3.8-жадвал).

Метеорологик станцияларнинг тақсимланиши

1.2-жадвал.

Худуд	Таянч АС (актинометрик станция)	Тегишли станциялар (МС) метеорологик
I	Қорақалпоғистон	Йўлбарс, Жаслиқ
II	Тахиаташ	Мўйноқ, Кўнғирот, Чимбой, Нукус
III	Тамди	Урганч, Хива, Нурота, Навои, Бухоро, Қорақўл
IV	Тошкент	Қовунчи, Туябўғиз, Кўкорол, Далварзин, Янгиер, Сирдарё, Жиззах, Фаллаорол, Богара
V	Самарқанд	Санзар, Каттақўрғон, Ғузор
VI	Термиз	Қарши, Шўрчи, Шеробод, Дехқонобод
VII	Фарғона	Едченко, Косонсой, Наманган, Андижон, Пайтуг
VIII	Қизилча	Тоғли туманлар

1.2-жадвалда келтирилган МС ларнинг ўртача назорат майдони 40 – 60 минг km^2 ни ташкил қиласи ва улар меридионал йўналиш бўйича бирлаштирилган. Қуёш радиациясининг ойлик ва йиллик йиғиндилиари бўйича

яқинроқ МС лар таянч деб қабул қилинган АС лар атрофида гурухларга түпланган.

Қуёш радиацияси кучини пасайтирувчи метеоҳодисалардан бири чангли бўрон худудлардир. Биринчидан, улар атмосфера томонидан қуёш радиациясини ўтказиш коэффициенти 0,12 (бўрон) ва 0,19 (туман) ларни ташкил қиласди, ўрта кучли бўронда -0,64 ва кучсиз тумандаги -0,69 ни ташкил қиласди [50]. Иккинчидан, фотоэлементларнинг юзалари ифлосланади ва натижада қуёш фотоэлектр қурилмасидан (КФЭК) дан олинаётган қуввати кескин камаяди. 3.8-жадвалда КФЭК нинг ишига таъсир этувчи метеорологик факторларнинг характеристикаси келтирилган [24].

1.2-жадвалда метеорологик факторларнинг куйидаги характеристикалари келтирилган: $\bar{Q}_{\alpha u}$, $\bar{Q}_{\alpha 1}$ ва $\bar{Q}_{\alpha 2}$ - бир йиллик ёки бир ойлик (июль, январь) қуёш радиациясининг тегишли умумий йифиндилари ва уларнинг ўртacha квадратик оғиши $\Delta \bar{Q}_\alpha$, кВт/м²;

$\bar{\tau}_u$, $\bar{\tau}_1$, $\bar{\tau}_2$ - ўртacha булутликда қуёш ёғдусининг бир йиллик ёки бир ойлик (июль, январь) давомийлиги, С/сут;

\bar{t}_2 , \bar{t}_{Q1} , \bar{t}_{Q2} - ташқи ҳавонинг ўртacha йиллик ёки ойлик (июль, январь) ҳароратлари, ⁰С;

\bar{t}_{min} - 0 ҳароратининг абсолют минимумларининг ўртacha миқдори, ⁰С;

Т – совуқ бўлмаган кунлар давомийлиги, кун; ν

\bar{v}_u - шамол тезлигини ўртacha йиллик миқдори, м/сек;

$\bar{n}_{u,\delta}$, \bar{n}_m - чангли бўрон ва туманли кунларнинг ўртacha миқдори, кун;

Бу худудни асосий климатик характеристикалари бўйича бир ҳил деб хисоблаш мумкин, лекин ифлослантириш факторларини тақсимланиши бўйича энг яхши шароит Қорақум саҳросига ёндош бўлган Тахиаташ ва Нукус метеостанцияларга қарашли туманларида.

III худуд – Қизилқум саҳроси ва унга туташган Тамди, Урганч, Хива, Нуроата, Навои, Бухоро ва Қўнғирот метеостанциялар атрофидаги туманлар. Шамол тезлиги бу метеорайонларида бир – бирига яқинроқ бўлади. Чангли

бўронлар тақрорланиши бўйича Хива ва Урганч МС лар атроофидаги шароит нисбатан яхшироқ ва оғирроқ шароит МС лар Тамди ва Қоракўлга қарашли туманларида ҚФЭК лардан фойдаланиш учун, туман тақрорланиш бўйича ноқулай шароит Нурота метеостанция атрофида.

IV худуд – Тошкент АС ва унга қарашли метеостанциялар томонидан назорат қилинади. Йиллик қуёш радиацияси йигиндиларини $\bar{Q}_{\alpha i}$ фарқи 5% дан ошмайди. Лекин уларнинг абсолют миқдори бошқа АС ва МС ларга нисбатан юқори эмас. Масалан МС “Янгиер” атрофида $\bar{Q}_{\alpha i} = 1863 \frac{\kappa Bm \cdot c}{m^2}$ ни ва МС “Туябўғиз” атрофида $\bar{Q}_{\alpha i} = 1973 \frac{\kappa Bm \cdot c}{m^2}$ ни ташкил қиласди.

Бунга МС “Янгиер” атрофида нисбатан кўпроқ шамол ва МС “Туябўғиз” атрофида нисбатан кўпроқ туман ва ернинг тўшамалари сабабчилар бўлиши керак.

VI худуд – бунга республиканинг жанубида жойлашган Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари киради. АС “Термиз”даги ўртacha йиллик қуёш радиациясининг умумий йигиндилари тегишли МС лардаги кўрсаткичларидан фарқи 3% ни ташкил қиласди. Фақат қиши даврида бир ойлик қуёш радиациясининг умумий йигиндиларини фарқи 10% гача етади.

Алоҳида эътибор бериш керак, бу МС лар Шўрчи, Қарши ва Дехқонобод туманларининг атрофларида энг катта йиллик инсолиция кузатилмоқда ($\bar{Q}_{\alpha i} > 2200 \frac{\kappa Bm \cdot c}{m^2}$).

Бўрон тақрорланиши бўйича ҚФЭК лардан фойдаланиш учун энг ноқулай район бу МС “Термиз” атрофидир.

Ҳозирги даврда ишлаб чиқарилаётган кремнейли қуёш фотоэлементларининг (ҚФЭ) фойдали иш коэффициенти (ФИК) 14 – 16% ни ташкил қиласди.

VII худуд – Фарғона водийси. Метеорологик факторларнинг таъсири бўйича бу райондаги аҳвол бир хилдаги деб хисоблаш мумкин. Шу билан биргаликда ҚФЭК нинг қабул қилувчи юзасига тушаётган инсолиция миқдори

энг кам, хаттохи Қорақолпоғистон актинометрик станция атрофига тегишли метеорологик районаға нисбатан ҳам камдир. Бу регионда күпроқ булатли кунлар бўлганлиги учун бир йилда ерга тушаётган қуёш радиациясининг умумий ўртача йифиндиси бошқа районларга нисбатан 25 % камаяди. Бундан умумий қуёш радиациясининг камайиши июль ойида 9 % ташкил қиласади ва декабр ойида бу камайиш 56 % ни ташкил қиласади.

1.3-жадвал.

КФЭК ишига таъсир этувчи метеорологик факторларнинг характеристикиаси

Тумандар	МС	Қүёш умумий радиацияси, кВт.с/м ²				Қүёш ёғдусининг давомийлиг и, с/сут				Ташқи ҳаво харорати, °C				Со вук бўлмага н кунлар давомий лиги	Ш амол тезлиг и, м/с	Ч уман ли кунл ар сони
		$\bar{Q}_{\alpha_0^e} \pm \Delta Q_{\alpha_0^e}$	$\bar{Q}_{\alpha_0^1} \pm \Delta Q_{\alpha_0^1}$	$\bar{Q}_{\alpha_0^2} \pm \Delta Q_{\alpha_0^2}$	$\bar{Q}_{\alpha_0^2} \pm \Delta Q_{\alpha_0^2}$	T	\bar{v}_u	$\bar{n}_{i,\delta}$	\bar{n}_m							
	Қорақа лпоқистон	195 7 ± 81	231 ± 15	15 ± 15	97± $,4$	1,3 $,4$,0 $,4$	6,7 $,0$	8,8 $,0$	30 8	15 8	,4 $,4$	4 $,4$	5 5	5 5	
	Тигров ый	206 3 ± 85	277 ± 18	15 ± 12	97± $,9$			6,1 $,9$	6,0 $,9$	20 8	21 8	,1 $,1$	5 $,1$	0 $,0$	8 8	
I	Тахиат аш	204 8 ± 80	244 ± 12	108 ± 12	,2 $,2$	2,4 $,2$,2 $,2$	1,9 $1,9$	8,1 $8,1$	5,1 $5,1$	22 8		19 8	3 $,2$	3 3	8 8
	Мўйна қ	206 4 ± 81	249 ± 12	101 ± 12				0,1 $0,1$	6,4 $6,4$	6,3 $6,3$	21 0		21 0	4 $,5$	1 $,0$	6 6
	Кўнфро д	212 6 ± 83	252 ± 13	107 ± 12				0,5 $0,5$	6,2 $6,2$	6,0 $6,0$	23 4		18 4	3 $,3$	4 $,3$	4 4
	Чимбо й	209 0 ± 82	252 ± 13	112 ± 13				0,3 $0,3$	6,1 $6,1$	6,6 $6,6$	25 5		18 5	2 $,4$	1 3	9 8
	Нукус	209 5 ± 82	252 ± 13	107 ± 12				1,5 $1,5$	7,7 $7,7$	5,4 $5,4$	24 8		18 8	3 $,9$	2 8	1 1
	Тамды	212 6 ± 66	249 ± 10	120 ± 10	,9 $,9$	2,0 $,3$,3 $,3$	3,7 $0,3$	0,3 $2,9$	2,9 $2,9$	21 8		20 8	3 $,6$	2 5	3 3

I	Ургенч	219 0±68	251 ±10	128 ±11				2,3	8,1	3,9	21	5	20	,5	3	6	3
I	Хива	215 2±67	247 ±10	128 ±11				2,4	7,6	3,7	20	7	20	,8	2	5	0
	Нурота	217 1±67	258 ±10	126 ±11				3,5	8,1	0,4	19	5	19	,9	2	8	7
	Навои	216 3±67	261 ±10	124 ±11				4,4	8,2	,7	15	0	21	,9	2	9	2
	Бухаро	212 2±66	260 ±10	119 ±11				4,2	8,0	,0	16	9	20	,3	3	1	6
	Коракўл	218 8±68	261 ±10	123 ±11				5,0	9,3	,4	16	4	21	,7	2	5	1
V	Тошке нгт	194 5±56	248 ±11	99± 11	,8	2,5	,8	3,5	7,0	0,6	18	6	21	,8	1	5	2
	Ковунчи	195 9±56	248 ±11	101 ±11				3,1	6,8	2,3	18	8	20	,6	1	4	9
	Туябўғ уз	197 3±57	248 ±11	102 ±11				4,0	7,3	1,7	20	1	21	,2	1	2	7
	Кўкора л	193 1±56	247 ±11	95± 10				2,9	6,8	1,7	20	5	20	,6	1	4	4
	Далвар зин	191 6±55	244 ±11	96± 10				3,9	7,1	0,8	20	0	22	,6	1	2	1
	Янгиер	186 3±54	239 ±11	91± 10				4,9	9,5	0,2	17	6	23	,2	3	5	7

	Сырда рë	195 8 ± 56	252 ± 12	93± 10				2,9	6,7	1,8	21	0	20	1 ,7	5	5
	Джизза х	191 9 ± 55	251 ± 12	89± 10				4,2	8,6	0,6	17	5	22	2 1	8 3	
	Галлао рал	191 9 ± 55	252 ± 12	89± 10				2,0	6,9	2,7	25	8	17	2 ,3	7 5	
	Богара	191 1 ± 55	252 ± 12	87± 9				3,0	7,4	1,0	17	3	21	2 ,3	4 9	

1.3-жадвал давоми

туман	MC	Умумий қүёш радиацияси, кВтч/м ²				Күёш ёғдусининг давомийлиг и, ч/сут				Ташки ҳаво харорат и, °C				Со вук бўлмага н кунлар давомий лиги		Ш амол тезлиги , м/с		анг бўро нли кунл ар сони	
		\bar{Q}_{α_02} $\pm \Delta Q_{\alpha_02}$	\bar{Q}_{α_01} $\pm \Delta Q_{\alpha_01}$	\bar{Q}_{α_02} $\pm \Delta Q_{\alpha_02}$	\bar{Q}_{α_01} $\pm \Delta Q_{\alpha_01}$	T , дни	\bar{v}_e , м/с	$n_{P.B}$	n_T										
	Сама рқанд	206 1 ± 59	252 ± 12	117± 13 ,0	2,8 ,1	3,2 ,5,5 ,2	17 19 8	21 ,0 ,0	2 9										
	Санз ар	200 4 ± 58	239 ± 11	124± 14 0,4		3,1 2,1 18 7		19 ,8 ,8	2 8										

	Катт акүрғон	210 5 ± 61	250 ± 12	118± 13				4,2	8,5	0,1	16	1	20	3 ,5		8
	Fузо p	204 6 ± 59	252 ± 12	114± 12				6,4	9,9	,6	14	3	24	2 ,5		6
I	Терм из	216 0 ± 36	249 ± 8	117± 15	,3	2,4	,5	6,9	0,4	,4	12	7	24	2 ,8	2	
	Кар ши	221 9 ± 37	252 ± 8	123± 16				5,4	9,9	,7	17	2	22	3 ,3	2	6
	Шүр чи	223 0 ± 37	251 ± 8	127± 17				5,9	8,3	,9	14	3	24	2 ,0		
	Шер обод	215 7 ± 36	249 ± 8	119± 16				8,1	1,9	,7	10	7	27	2 ,8		0
	Дехқ онобод	221 9 ± 37	251 ± 8	131± 17				4,9	8,3	,0	17	4	21	2 ,5		9
II	Фарғ она	183 1 ± 118	231 ± 14	86±1 4	,3	1,6	,6	3,2	6,9	2,4	17	6	22	1 ,5	0	0
	Федч енко	183 2 ± 118	231 ± 14	87±1 4				3,2	6,6	2,4	17	4	22	1 ,5		5

	Косо нсой	183 7 ± 118	231 ±14	88±1 4				2,4	5,4	1,77	15	1	23 ,7	2		8
	Нама нган	183 7 ± 118	231 ±14	87±1 4				3,5	6,9	2,5	17	4	23 ,1	2	5	7
	Анд ижан	183 5 ± 118	231 ±14	87±1 4				3,3	6,9	2,7	18	9	22 ,1	1		2
	Пайт уғ	183 5 ± 118	231 ±14	87±1 4				3,5	7,1	2,3	17	8	23 ,4	2	0	8

*жадвал тузилишида [50] адабиётдан фойдаланилди.

Юқорида берилган мереорологик факторларнинг характеристикаси асосида Ўзбекистон республикасининг территориясининг схематик картаси 1.1-расмда келтирилган. Бу картада турли хил қуёш нурланишни камайтирувчи факторлар (чангли бўрон, туман ва бошқалар) бўйича районлар ажратилган. Жадвал ва схематик карта келажакда паст потенциалга эга бўлган қуёшли фотоэлектрик қурилмалар ўрнатишга афзалроқ регионларни ажратишида ёки улардан (ҚФЭК) анъанавий энергия манбалари билан фойдаланишга янги имкониятларни ишлашга ёрдам беради.

Арсенид – гелий биримасидан тайёрланган ҚФЭ, қуёш нурини концентрацияловчи мослама ва қуёшга қараб ориентациясини ўзгартирувчи системалардан иборат бўлган қуёш фотоэлектрик қурилмаси (ҚФЭК) нинг ўртача ФИК 25 – 30% ни ташкил қиласди.

ҚФЭК ларни яратиш ва эксплуатация қилишда, улар ишлаб чиқараётган энергиясининг миқдори қуйидаги факторларнинг ўзгариши билан боғлиқдир [50].

$$\bar{W}(t) = f\left(\bar{Q}_\beta, \bar{S}, \bar{T}, A\bar{Y}M, t\right), \quad (1.2)$$


бунда, \bar{Q}_β, \bar{S} - маълум бир вақт мобайнида (соат, сутка, ой, йил), ҚФЭК нинг 1 m^2 юзасига, умумий ва тўғридан – тўғрига тушаётган қуёш радиациясининг йигиндиси; \bar{T} – ҚФЭК модулининг ўртача ҳарорати;

$A\bar{Y}M$ –атмосферанинг ўртача массаси;

t – кузатилаётган вақт давомийлиги (сутка, йил).

Барча факторлар ва ҚФЭК ишлаб чиқараётган энергия миқдори статистик ўзгаради ва улар қурилманинг жойлаштириш районига боғлиқ.

Асосий фактор сифатида инсоляция қабул қилинади, яъни маълум бир вақт давомийлигига элементнинг 1 m^2 юзасига тушаётган қуёш радиациясининг ўртача йигиндиси. Ўз навбатида инсоляция булат борлиги, атмосферанинг ҳиралиги, йил фасли, суткани даври ва қурилманинг конструктив тузилиши билан боғлиқ.



3.3-расм. Куёш фотоэлектр курилмалар ишига таъсир этувчи метеофакторлар бўйича Ўзбекистон республикаси майдонини худудларга бўлиниши.

Оддий (кремнийни), концентрацияловчи мосламасиз ва қүёшга ориентацияловчи системаси бўлмаган, ҚФЭК томонидан ишлаб чиқарилаётган ўртacha энергия миқдори қуидаги формула билан ифодаланади:

$$\bar{W} = \bar{Q}_\beta \cdot \eta_0 [1 - (T - T_i)F], \quad (3.8)$$

бу ерда, \bar{Q}_β - маълум бир вақт t оралиғида, қүёш фотоэлектрик модулининг 1 m^2 юзасига тушаётган умумий қүёш радиациясининг ўртacha миқдори; η_0 - кремний модулининг ФИК; Т – модулнинг ўртacha ҳарорати ${}^0\text{C}$; T_t ва T_p - ташқи ҳаво ва радиациянинг ўртacha ҳарорати, ${}^0\text{C}$; F – модул юзаси, m^2 .

С нинг катталиги қүёш элементиниг структураси билан боғлиқ ва $3,6 \dots 10^{-3}$ дан $1 \dots 10^{-2} {}^0\text{C}^{-1}$ гача ўзгаради [48, 50]. Радиацион ҳароратнинг катталиги T_p қүёш радиациясининг зичлиги, қүёш элементи юзасининг нурланиш қобилияти, ташқи ҳаво ҳарорати ва шамол тезлиги билан боғлиқдир.

Q_v , T_h , ва v ларнинг катталиклари стохастик ўзгарганлиги сабаб, T_p -ни хисобий усул билан аниқлаш мураккаб бўлади. Шунинг учун, доимо ўзгарадиган T_p миқдорини аниқлаш мақсадида тегишли экспериментал ўлчовлар ўтказиш керак. Бундан η -нинг миқдорига модул ҳарорати ва қүёш радиациясининг катталиклари таъсир этади.

Шамол электр қурулмаси (шэк)

Шамол энергиясидан электр энергия олишда икки асосий талабга бўйсунилади; 1-вариант йиллик энергия ишлаб чиқаришни максималлаштириш, бунда электр станциясидаги ёкилғи тежалади ёки истемолчининг юкланиш графигини қоплашга қўшимча кетадиган энергия миқдори билан таъминланади. Қишлоқ аҳоли яшаш хонадонини электр таъминоти учун шамол энергиясидан фойдаланиш имкониятлари ва унинг мақсадга мувофиқ ўрганиш ва шамол энергетик қурилмалари типини танлаш

каби масалаларни эффектив ечимини топиш учун қуидагиларни аниклаш зарур [44]:

- а) туманнинг шамол энергетик захирасини шамол оқимини интеграл ва дифференциал катталиклари орқали аниклаш;
- б) шамол энергетик қурилмаларининг энергетик ва вақтинчалик хусусиятлари қишлоқ аҳоли яшаш пунктидаги энергия истемолчилик хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда аникланади.

Шамол оқимининг характеристикаси ва уни ҳисоблашнинг асосий усуллари. Шамол – бу ҳаво массасининг ер юзасидаги ҳаракатидир. Вертикал чиқувчи ва тушувчи оқимлар энергетик ресурс сифатида қаралмайди. Ернинг қисмларини қуёш бир текис исита олмагани учун шамол юзага келади ва ернинг ўз ўқи атрофида айланиши ҳисобида ҳавонинг ҳаракатини механик жихатдан оширади. Шамол тезлигини нисбий (ёки дифференциал) қайтарувчанлиги i-эҳтимоллар назариясига кўра аникланади.

$$n_i = \frac{N_i}{N}, \quad (1.1)$$

бунда, N_i - бу чегараланиш ҳолатлари сони; N - кузатишлар сони.

Қуидагиларни ҳисобга олган ҳолда:

- а) метеозенирдаги шамол тезлигини ўзгариши (3 соатлик интервалда);
- б) шамол тезлигини ўзгаришида 10 минутлик ўртача қиймат олинади ва уни яхлит сонга келтирилади n_i ни аниклашда шамол тезлигини интервал катталигини $\Delta V = 1 \text{ м/с}$ деб олиш мақсадга мувофиқдир.

Шу усул билан шамол тезлигини эмпирик такрорланиши барча характеристикаларни ҳисоблашда асосий хусусият ҳисобланади ва шамол энергетик қурилмалари ишлашининг асосий энергетик ва вақтинчалик кўрсаткичларининг асоси ҳисобланади.

Ўртача шамол тезлиги (сутка соатлари, кузатув вактларига мос равища; йил давомида ойма-ой) қиймати қуидаги формула орқали аникланади.

$$\bar{V} = \sum_{V_i=0}^{V_{\max}} V_i \cdot n_i \cdot (V), \quad \text{м/с} \quad (1.2)$$

бунда, $n_i \cdot (V)$ -сондаги шамол тезлигининг (V_i) қайтарилиши давридаги умумий алоҳида жойда шамол энергетик ресурслар назарий жиҳатдан шамол оқимининг ўртача қуввати (W) билан аниқланади, у вақт бирлигиде 1 м^2 майдондан ўтадиган энергия миқдорини кўрсатади ва шамол оқимига перпендикуляр йўналган бўлади.

W – нинг сония қиймати, мос келадиган шамол тезлиги билан аниқланади:

$$W = \frac{1}{2} \rho V^3, \quad \text{ВТ/И}^2 \quad (1.3)$$

бунда, $\rho = 1.226 \text{ (Вт/м}^2\text{)} (\text{м/с})^{-3}$ нормал шароитдаги ҳавонинг зичлиги (атмосфера босими 1013 ГПа ва ҳарорат 15°C).

Шамол оқимининг характеристикасини ҳисоблаш натижалари.
Шамол тезлигининг статик ва тартибли ҳисоблари ва ўртача қувватини ҳисобкитоби ЭХМ да амалга оширилади.

Навоий вилояти Нурота тумани ҳудудида шамол тезлиги Нурота (МС) метеостанциядаги ўлчовларга асосланган. У Қизилқумнинг жануби, жанубий-шарқий томондан ва Нуротанинг жанубида жойлашган МС $\varphi = 41^{\circ}03'$ с.ш географик кенглиқда ва $H = 150$ метр дениз сатҳидан баланлиқда жойлашган. Келтирилган қийматлар Ўзбекистон Гидрометмарказ бошқармасининг гидрометео маълумотларидан олинган.

Шамол тезлиги ва солиштирма қуввати Нурота МС нинг 10 йиллик (1990-2000 йиллар) кузатишлар натижасида аниқланиб 1.1-жадвалда келтирилган.

Қуйидаги ҳисобий характеристикалар келтирилган: Ўртача йиллик ва ойлик шамол тезлигининг ва шамол оқимининг солиштирма қуввати ҳамда йилдан йилга ўзгарувчан экспериментал қийматлар; V ва W - ўртача кўп йиллик шамол тезлиги (м/с) ва шамол оқимининг солиштирма қуввати (Вт/м²); $\bar{V}_{\max}, \bar{V}_{\min}$ ва W_{\max}, W_{\min} - ўртача ойлик экспериментал қийматлар (\bar{V} , м/с ва

W , Bt/m^2) 10 йил оралиғида олинган; \bar{V}_{\max} - шамол тезлигининг ҳар ойдаги абсолют максимуми (m/s);

Шамол оқимининг келтирилған характеристикаларини анализ қилиш МС Нурота түманида Жарма қишлоқ ахоли яшаш пунктининг электр таъминоти шамол оқими ёрдамида таъминлаш имкониятини беришини күрсатмоқда.

Шамол ускуналарининг асосий тузилиши принциплари ва уларнинг ишлаш характеристикаларини ҳисоблаш. Шамол энергетик асбоблари шамол энергиясини электр энергиясига (шэк) ва механик энергиясига айлантириб беради (шамол ёрдамида сув күтаргич асбоблар, тегирмонлар ва бошқалар). Улар икки асосий хусусиятга кўра синфланади:

- шамол турбинаси геометриясига кўра;
- шамолга нисбатан жойлашишига кўра горизонтал ва вертикал ўқли бўлади.

Ўртача ойлик ва йиллик шамол тезлигининг (\bar{V} , m/s) ва шамол оқими солиштирма куввати (W , Bt/m^2) қийматлари ва МС Нурота зонасидаги уларнинг ўзгарувчанлиги.


1.1-жадвал.

Ой лар	\bar{V}	\bar{V} \max	\bar{V} \min	\bar{V} \max	\bar{V}	W	W \max	W \min
Нурота (МС)								
I 94	3. 94	4. 55	2. 33	1 9	1 02	1 39	1 9	2 9
II 98	3. 98	5. 29	2. 75	2 4	1 15	1 06	2 5	5 5
II 15	4. 15	5. 17	2. 95	2 6	1 13	1 72	1 9	4 9
IV 10	4. 10	5. 38	2. 92	2 3	1 14	1 90	1 2	4 2
V 30	4. 30	5. 1	3. 01	2 4	1 40	1 30	2 0	6 0
VI 36	4. 36	5. 54	3. 65	2 6	1 12	1 85	1 2	8 2

VII	4. 59	5. 29	4. 03	2	1	1	4	9
VIII	4. 76	5. 71	3. 65	2	1	2	3	8
IX	4. 45	5. 45	3. 63	1	1	1	8	7
X	3. 48	3. 89	2. 55	7	8	9	2	3
XI	3. 90	4. 48	3, 00	1	1	1	4	6
XII	3. 62	4. 09	3, 01	2	7	9	6	5
Йи л	4. 13				1			
				11				

АВЭУ-12А типдаги шамол энергетик қурилмалари мисолида горизонтал ўқли шамол энергетик қурилмаларининг конструктив хусусиятлари билан таъминлаб чиқамиз. Шамол энергетик қурилмалари $P_h = 16$ кВт номинал кувватга эга ва Россиянинг “Таске” фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган. Гондоланинг умумий конструкцияси схемаси кўрсатилган: Қанот ва гондола пўлат минорага маҳкамланади. Маҳқаланишининг сўралган қаттиқлигини таъминлаш керак, чунки қиши, баҳор кунлари шамолнинг тезлиги 1,26 м/с га етади. Минора остида эшик бўлиб, ундан минора ичига кириш мумкин, ичкарида текширувчи жихоз жойлашган бўлиб, у орқали шамол тезлигини ва қанот (ПК) айланиши белгилаб борилади. Минорага лифт ўрнатиш имконияти бўлиб, унда миноранинг энг юқори чегарасигача чиқиш ва унинг ўзи атрофида айланниб кузатиш ва ремонт ишларини олиб бориш мумкин.

1.1-расмда гондола миноранинг юқори қисмидаги махсус платформага маҳкамланган бўлиб, у зарурат бўлганда ўз ўқи атрофида айланади, шамол



йўналишига кўра қанот (вт) шамол оқимида перпендикуляр бўлиши керак. Гондоланинг олд қисмида роторнинг бош қисми жойлашган, унга втулка ёрдамида 3 та даста маҳкамланган диаметри (қанот)=12.5 м, майдони 221 м² шамол электр қурилмасининг умумий баландлиги 25 м. Қанот орқасида валга редуктор ўрнатилган, унинг ёрдамида айланма ҳаракат асосий ва полюсли асинхрон генераторнинг роторига узатилади. Асинхрон генератор V=50Гц частотали ва U= 220/380В кучланишли ўзгарувчан ток ишлаб чиқарилади. Ўзгарувчан гондола юқорисига анимометр ва айланувчи симга ва айланувчи майдонга боғланган, шамол тезлигини ва унинг йўналишини кузатадиган Ф120 маҳкамланган, жихознинг оғирлиги: Қанот 10,50 кг, гондоланинг оғирлиги 29,00 кг; пўлат минора 14,000/22,000 кг

1.1-расм. Шамол энергетик қурилмалари қувватининг шамол тезлигига типик боғлиқлиги

Шамол энергетик қурилмалари асосий ҳарактеристикасини кўриб чиқамиз. Асинхронланиш эффиқти натижасида электр генератор роторининг айланниш частотаси доимий бўлган типдаги шамол энергетик қурилмалари кучли энергосистемага уланиб автоном режимда ишлаши мумкин, уларнинг генератори ишлаб чиқиш қуввати (P) шамол тезлиги ўзгаришига қараб ўзгаради.

$$У солиширма қувватига (W) боғлиқ: P_0 = W \cdot F$$

бунда: F-қанотда ўлчанган майдон, иккинчи томондан шамол оқимининг ламинар йўналишга қабул қилинган қанотга келаётган катталикка боғлиқ.

$$C_p = \frac{V_0^2 - V_1^2}{V_0^2}, \quad (1.4)$$


бунда, V_0 -ўзгармас ҳаво оқимининг тезлиги; V_1 -қанотдаги минимал шамол тезлиги; $V_1 \geq V_0 / 2$ демак V_0 катталигига боғлиқ V_1 ва V_0 ни ўлчаб олиш мумкин.

V_1 ва V_0 катталиклар нисбатини текшириш шуни кўрсатадики энг яхши имкониятга эга шамол энергетик қурилмалари ҳаво оқими энергиясининг

фақат 60 % ни ишлата олади. Шамол энергетик қурилмаларининг энг яхши саноатларда номинал ($V_H \leq V \leq V_K$) режимда ишлашда C_p 0.4-0.5 қийматга етади. Шамол энергетик қурилмаларининг 2-тури 1) ўзгарувчан айланма частотада ишлайдиган 2) генераторларга эга, бу уни ишлатишда қийинчиликлар туғдиради, лекин шамол энергиясидан эффектив фойдаланилади, бу жихозларда C_p ва P шундай мураккаб равищда шамол тезлигига боғлиқдир.

Шамол энергетик қурилмалари шамол характеристикалари юқоридаги кўрсаткичлар (C_p , P) лар билан бир қаторда шамол энергетик қурилмалари томонидан узатилаётган ўртача қувват (\bar{P}) ишлаб чиқараётган ўртача энергия (\bar{W}) унинг номинал қувватидан фойдаланиш коэффициенти (K) билан ҳам характерланади.

Энергетик ва вақтинчалик хусусиятларни юқоридаги шамол энергетик қурилмалари кўрсаткичлари (C_p , P , \bar{V} , \bar{W} , K) ларнинг аналитик қоидалари асосида маҳсус дастурлар ёрдамида ҳисобланади.



1.2-расм. АВЭУ-12А туридаги шамол энергетик қурилмалари

Шамол энергетик қурилмалари типономиналларнинг ишчи характеристикаларини ҳисоблаш. Ҳозирги кунда ҳар хил турдаги ва вазифадаги шамол энергетик қурилмалари ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг номинал қуввати кенг диапазонда ўзгаради: 0,1 кВт дан бир неча МВт гача. Шунинг учун Навоий вилояти Нурота туманидаги қишлоқ аҳоли яшаш пунктини шамол энергияси билан таъминлаш учун МС Нурота шамол шароитлари учун параметрлари мос келадиган шамол энергетик қурилмалари танланади. Шу мақсадда кўпгина горизонтал ўқли ўртacha ва кичик қувватли

ҳамда характеристика ва параметрлари МС Нурота мос келадиган шамол
энергетик қурилмалари кўриб чиқилади. Унда:
 $V_c = 2 - 4 m/c$; $V_H = 8 - 10 m/c$; $V_k = 20 m/c....$

Бу шамол энергетик қурилмаларининг асосий параметрлари 3.2-жадвалда келтирилган. Бундан ташқари қуйидаги параметрлар ҳам келтирилган: P_H - номинал қувват (кВт); V_b – шамолниң бўрон тезлиги (бу тезликни шамол энергетик қурилмалари заарланмай кўтара олади); H – минора баландлиги (таянч); D – ротор диаметри ВТ; T – хизмат кўрсатиш муддати.

Кам қувватли шамол энергетик қурилмаларининг бўрон тезлигини $V_b = 35$ м/с ўртачаси эса 50-60 м/с бу қийматлар максимал шамол тезлиги (МС Нурота) дан анча катта ($V_{max} = 26$ м/с) алоҳида ойларда кузатилганда 10 йилда бир марта. Шундай қилиб кўриб чиқилган шамол энергетик қурилмалари МС Нурота туманида экспулатация қилиш учун мустаҳкамлик даражаси етарлидир. Шамол энергетик қурилмаларининг ишлаш муддати анча катта: $T \geq 20$ йил барча шамол энергетик қурилмалари учун “Гея-2”да $T \geq 15$ йил.

Юқорида кўрсатилганидек шамол энергетик қурилмаларининг иш вақти шамол тезлигининг қайтарувчанлиги билан (ишчи тезликлар диапазонига V_c дан V_k гача) аниқланади. Худди шу қийматлар тўхтовсиз ишлаш вақти узунлигига киради. Шамол энергетик қурилмаларининг барча ишлаш характеристикалари жиҳозлар учун юқорида кўриб чиқилган.

Олинган кенг миқёсда характеристикалари анализига кўра шамол энергетик қурилмаларини қишлоқ аҳоли яшаш пункти яшаш жойлари электр таъминоти учун ишлатиш имконияти берилган ўртача 10 йиллик шамол тезлигини кузатишлардан олинган характеристикалар:

Текширилаётган типдаги шамол энергетик қурилмаларининг асосий параметрлари

3.2-жадвал.

	ЭК	Ш _н	F _c	k	Н	Y	I	H	И
									шлаб

	ури								чиқарил ган давлат
	Г ея-2	2 .0	2 .0	5	7	.0	6	8	У краина
	A ВЭУ- 12A	1 6.0	1 .0	5	0	1	2.0	1 5	2 Ро ссия
	T W-60	6 0.0	6 .0	5	1.5	1	7.0	1 0/40	3 Г ФР

W_g - ўртача йиллик энергия ишлаб чиқариш МВт.с;

K_g - номинал қувватнинг ишлатилиши, йиллик ўртача коэффициенти K қиймати $K=W/(P_h \Delta t)$, билан аниқланади;

Δt -ойдаги ёки йилдаги ишлаш соатлар сони;

\bar{t}_g ва \bar{t}_{hg} ўртача йиллик иш вақти(түлиқ ёки номинал режимда) с/сутка;

\bar{T}_g ва \bar{T}_{max} ўртача ва максимал тўхташ вақти, соат/ой (ҳар ойдаги тўхташ вақтларининг такрорланиши билан аниқланади).

Шамол энергетик қурилмалари ишлишининг йиллик ўртача характеристикалари

1.3- жадвал

МС Нурота					
№	Шамол энергетик курилмалари тури	W_g МВт·с	K_g	\bar{t}_g Соат/сутка	\bar{t}_{hg} Соат
1	Гея-2	6.92	0.40	16.1	4.6
2	АВЭУ-12А	22.23	0.13	12.8	0.8
3	TW-60	88.87	0.15	16.2	0.4

Навоий вилояти Нурота тумани Жарма қишлоғи Сайдхужаев номли ҚАЯП кам энергия сарфланадиган уйларида кам қувватли шамол энергетик

курилмаларни ишлатиш мумкин, 2 кВт ли Гея 2 электр иссиқлик ускунаси лозим топилди. Унинг номинал қувватини ишлатиш коэффициенти қолган типдаги шамол энергетик қурилмаларини энг юқориси, ишлаб чиқариш эса 2,5, 3,0, 3,6 кВт шамол энергетик қурилмаларидан юқори ва фақат 10 кВт лик ВЭУ-60 типдаги шамол энергетик қурилмаларидан 1,5 – 2 марта кам (тезлик миқдорига ва кўриб чиқилаётган жойдаги шамол оқимининг солиштирма қувватига боғлиқ ҳолда). Шамол энергетик қурилмалари “Гея – 2“ дан сўнг ишлаб чиқариш характеристикаларига кўра АВЭУ-12А ва TW-60 шамол энергетик қурилмаларилари туради. Улар ҳам худди шундай вақтбай характеристикаларига эга (АВЭУ-12А да номинал тезлик ва номинал қувватнинг ишлатилиши коэффициенти паст бўлгани учун номинал режимда ишлаши кам). Демак, МС да шамол тезлиги қанчалик кичик бўлса шамол энергетик қурилмаларининг барча турларида ишлаш кўрсаткичлари пасаяди.

Нурота туманида ўртacha қувватга эга бўлган ($P_n = 16\text{kVt}$) шамол энергетик қурилмаларидан АВЭУ-12А шамол энергетик қурилмалари мақсадга мувофиқдир – яъни энергетик ва вақтбай иш кўрсаткичлари билан АВЭУ-12А шамол энергетик қурилмаларига номинал қувватни ишлатиш коэффициентига кўра ВЭУ-100 М яқин келади, вақтбай характеристикаларни жуда яхши деб бўлмайди – ТВ -250 шамол энергетик қурилмаларининг (P_n тенг 250 кВт) АВЭ 250 С (P_n тенг 200 кВт) дан ишлаб чиқариш паст. М -750-400/100 типдаги шамол энергетик қурилмаларининг номинал қувватидан фойдаланиш коэффициенти эса кичик. ВЭУ-60 нинг ишлаш коэффициентлари жуда ёмон, уларни берилган вилоятдаги шамол шароитларига қайси параметри шамол агрегатларини ишлатиб бўлмаслигини аниқлаш учун кўрсатилган. Шамол энергетик қурилмаларини бунёд этишда қишлоқ аҳоли яшаш пункти яқинидаги ерлар қишлоқ хўжалиги билан бандлигини ҳисобга олади, бунда у эгаллаб турган майдон ҳар бир кўриб чиқилган шамол энергетик қурилмалари номиналларида кўрсатилган. Бунда майдонни минималлаштириш техника хавфсизлигини эътиборга олган ҳолда ҳамда шамол энергетик қурилмаларини ўзаро бир-бирига таъсирини олдини олиш мақсадида чегараланилади.

Шамол энергетик қурилмалари ўзаро таъсирлашмаслиги учун улар бир-биридан 10 м масофада жойлаштириш керак. Д –ВТ шамол энергетик қурилмалари диаметри бу шартлар бажарилганда шамол энергетик қурилмаларининг компакт жойлашуви аниқланади. Майдон атрофидаги хавфсизлик кенгликка мос келиши керак, бу қийматлар 3.4-жадвалда келтирилган.

Навоий вилояти Нурота туманидаги шамол электростанцияларини бунёд этишда эгаллаган майдоннинг минимал қиймати сони ҳал қилувчи роль ўйнамайди, чунки унинг майдони қишлоқ хўжалиги учун яроқсиздир. Бу керакли микдорда сувларнинг этишмаслиги ва унинг шўрлиги ва бошқалар билан тушунтирилади, шунинг учун шамол электр станцияси потенциалини босқичма – босқич амалга ошириш имкониятлари бор. Жойидаги шароитга кўра шамол электр станция конфигурацияси турлича бўлиши мумкин, масалан водийдаги шамол йўналиши бўйлаб чўзилган бўлиши мумкин.

Ҳар қандай шароитда шамол электр станциянинг жойлашган жойи ва унинг конфигурациясини танлашда шамол оқимларидан эффектив фойдаланиш ҳал қилувчи омил вазифасини ўтайди. Бунда шамол электр станциянинг эгаллаган майдони қишлоқ хўжалигига ишлатилмайди, аммо у ердан иссиқхона қуришнинг, мол боқиш кабилар учун ишлатилиши мумкин. Яхши натижа берувчи шамол энергетик қурилмаларини танлашда кўрсаткич сифатида номинал қувватдан фойдаланиш ва вақтбай характеристикалардан фойдаланиллади. Шунинг учун 1.4 –жадвалда кўпчилик қийматлар ишланмаси келтирилган (кВт.с/ой) ҳамда мос равишда шамол энергетик қурилмалари давомийлигига доир ҳисоблаш натижалари келтирилган.

1.4-жадвал.

	МС Машкудук	Күрсат кичлар	I	I	I	V	I	V	I	V	II	V	III	V	X	I	X	X
	Whisper -1000	\bar{W}	17	1 06	1 31	1 20	1 41	1 25	1 42	1 53	1 39	1 3	9 15	1 3	9 1	1 15	1 3	9 1
		\bar{t}	5,2	1 5,0	1 6,0	1 6,1	1 6,4	1 7,5	1 8,5	1 9,0	1 6,8	1 3,7	1 4,8	1 4,8	1 4,8	1 4,8	1 4,8	1 4,8
	Whisper -3000	\bar{W}	55	3 22	3 96	3 63	3 26	4 78	3 32	4 64	4 21	4 82	2 50	3 83	2 83	3 83	2 83	2 83
		\bar{t}	5,2	1 5,0	1 6,0	1 6,1	1 6,4	1 7,5	1 8,5	1 9,0	1 6,8	1 3,7	1 4,8	1 4,8	1 4,8	1 4,8	1 4,8	1 4,8
	Гея-2	\bar{W}	42	5 86	4 00	6 53	5 88	5 03	6 88	6 36	7 39	6 68	4 31	5 89	4 89	5 89	4 89	4 89
		\bar{t}	5,2	1 5,0	1 6,0	1 6,1	1 6,4	1 7,4	1 8,5	1 9,0	1 6,8	1 3,6	1 4,8	1 4,8	1 4,8	1 4,8	1 4,8	1 4,8
	LMW- 1500	\bar{W}	35	3 01	3 78	3 43	3 73	3 77	3 30	4 59	4 04	4 89	2 34	3 98	2 98	3 98	2 98	3 98
		\bar{t}	5,2	1 5,0	1 6,0	1 6,1	1 6,4	1 7,5	1 8,5	1 9,0	1 6,8	1 3,7	1 4,8	1 4,8	1 4,8	1 4,8	1 4,8	1 4,8
	LMW- 2500	\bar{W}	65	4 20	4 16	5 76	4 23	5 15	5 86	5 24	6 47	5 96	3 57	4 10	4 10	4 10	4 10	4 10
		\bar{t}	5,2	1 5,0	1 6,0	1 6,1	1 6,4	1 7,5	1 8,5	1 9,0	1 6,8	1 3,7	1 4,8	1 4,8	1 4,8	1 4,8	1 4,8	1 4,8
	LMW- 3600	\bar{W}	49	4 09	4 11	5 67	4 28	5 95	4 68	5 13	6 55	5 59	3 49	4 49	3 62	4 62	3 62	3 62

		$\bar{\bar{t}}$	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
	LMW- 10000	$\bar{\bar{W}}$	1 097	1 99	9 227	1 123	1 298	1 180	1 354	1 457	1 307	1 84	8 080	1 95	1 8	1 080	1 95
		$\bar{\bar{t}}$	1 5,2	1 5,0	1 6,0	1 6,1	1 6,4	1 7,5	1 8,6	1 9,0	1 6,8	1 3,7	1 4,8	1 4,8	1 1	1 4,8	1 1
	ABЭY- 12A	$\bar{\bar{W}}$	1 752	1 601	1 995	1 839	2 114	1 876	2 140	2 309	2 126	1 350	1 763	1 363	1 1	1 763	1 363
		$\bar{\bar{t}}$	1 1,8	1 1,9	1 2,8	1 2,6	1 2,5	1 3,6	1 5,2	1 6,0	1 3,7	1 0,4	1 1,7	1 1,2	1 1	1 1,7	1 1,2
	TW-60	$\bar{\bar{W}}$	7 047	6 414	7 854	7 252	8 350	7 522	8 564	9 189	8 089	5 667	6 959	5 761	6 5	6 959	5 761
		$\bar{\bar{t}}$	1 5,2	1 5,0	1 6,0	1 6,1	1 6,4	1 7,5	1 8,5	1 9,0	1 6,8	1 3,7	1 4,8	1 4,8	1 1	1 4,8	1 1
0	TW-80	$\bar{\bar{W}}$	8 143	7 412	9 237	8 394	9 772	8 741	9 993	9 0819	9 878	6 487	8 180	8 741	6 6	8 741	6 6
		$\bar{\bar{t}}$	1 5,2	1 5,0	1 6,0	1 6,1	1 6,4	1 7,5	1 8,5	1 9,0	1 6,8	1 3,7	1 4,8	1 4,8	1 1	1 4,8	1 1
1	BЭY- 100M	$\bar{\bar{W}}$	1 1343	1 0222	1 2976	1 1876	1 3589	1 2299	1 4085	1 5470	1 4165	1 020	9 1496	1 717	8 717	1 717	8 717
		$\bar{\bar{t}}$	9 ,0	8 ,9	9 ,8	9 ,3	9 ,8	9 0,5	1 1,8	1 2,7	1 1,3	1 ,9	7 ,8	8 ,,8	7 ,,8	8 ,,8	7 ,,8
2	ABЭ- 250C	$\bar{\bar{W}}$	1 5648	1 4393	1 7898	1 6396	1 9190	1 7096	1 9606	2 1117	1 9368	1 2145	1 5670	1 2067	1 1	1 1	1 1
		$\bar{\bar{t}}$	1 1,8	1 1,9	1 2.8	1 2,6	1 2,5	1 3,6	1 5,2	1 6,0	1 3,7	1 0,4	1 1,7	1 1,2	1 1	1 1,2	1 1

3	TW-250	\bar{W}	4031	1	2988	1	6004	1	4626	1	8506	1	4528	1	6556	1	7846	1	6875	1	0411	1	4118	1	0094
		\bar{t}	5,2	1	5,0	1	6,0	1	6,1	1	6,4	1	7,5	1	8,5	1	9,0	1	6,8	1	3,7	1	4,8	1	4,8
4	M750- 400/100	\bar{W}	3648	2	1817	2	6872	2	4457	2	0361	3	4823	2	8498	2	0688	3	8540	2	7975	1	3678	2	7495
		\bar{t}	5,2	1	5,0	1	6,0	1	6,1	1	6,4	1	7,5	1	8,5	1	9,0	1	6,8	1	3,7	1	4,8	1	4,8

Шамол энергетик қурилмаларини яратиш учун қидирилган варианктарни солишириб капитал сарф харажатлар ҳам баҳоланади. Шамол энергетик қурилмаларининг таннархи олиб келиш учун харажат қилиш – монтаж ишлари шамол энергетик қурилмаларининг нархидан 50 % миқдорда. Бу қийматлар 1.5-жадвалда келтирилган.

Навоий вилояти Нурота тумани Жарма қишлоғи Сайдхужаев номли ҚАЯП яшаш уйлари электр таъминоти учун танланган турли типдаги шамол энергетик қурилмаларининг гасосий характеристикалари.

1.5-жадвал

Шамол энергетик қурилмала ри тури	Шамол энергетик қурилмала ри қуввати кВт	Шамол энергетик қурилмаларини нг таъминот миқдори, дона	Эгаллаг ан майдони, m^2	Шамол энергетик қурилмаларини нг нархи ,АҚШ долларида
TW-60	60	1	175	10000
ABE Y-12A	16	2	240	6000
LMW -10000	10	3	210	5000
Гея-2	2	6	360	2000

Шамол энергетик қурилмалари нархи умумий қабул қилинган нисбатда 1 кВт номинал қуввати 1 минг АҚШ доллары.

Навоий вилояти Нурота тумани қишлоқ аҳоли яшаш хонадонининг электр таъминоти шамол энергетик қурилмаларини танлашда уларнинг ўртача ойлик ишлаши билан энергия истеъмолини солишириш зарур.

Қишлоқ аҳоли яшаш пунктидаги хонадонларни ўртача 1 ойлик энергияга бўлган талаб 3.5-жадвалда берилган, кўриниб турибдики максимал энергияга бўлган талаб 2000 кВт.с ни ташкил этади. Демак яшаш уйининг энергияга бўлган талаби қуидаги шамол энергетик қурилмаларидан бири АВЭУ-12А типидаги шамол энергетик қурилмалари билан таъминлаш мумкин. Қишлоқ аҳоли яшаш хонадонидаги 8 та хўжалик ҳар бир хонадонда 6-8 кишидан иборат, ундан кўпроқ АВЭУ - 12 А типидаги шамол энергетик қурилмалари зарур. Унга сарф қилинадиган харажат катта бўлади. Шунинг учун ҳар бир уй учун алоҳида шамол энергетик қурилмаларини (кичик қувватли) танлаш мақсадга мувофиқ бўлади. ШЭҚ нинг ишлаш характеристикалари анализи қуидаги хulosаларни беради.

Танланган шамол энергетик қурилмаларининг ўртача йиллик характеристикалари йил давомида сақланиб қолади.

Узлуксиз тўхташнинг максимал узунлиги йил давомида ўзгармай қолган МС га шамол тезлиги қанча кичик бўлса шунча миқдорда шамол энергетик қурилмаларининг бошланғич тезлиги шунча катта бўлади. Шамол энергетик қурилмаларининг келтирилган $P(V)$ характеристикаларида T_{max} катталиги шамол тезлиги камайиши билан камаяди. Кузатувларга асосан T_{max} катта бўлганда ишлаб чиқиш кам бўлган.

Шамол энергиясидан қишлоқ аҳоли яшаш хонадони яшаш секторида фойдаланишининг қуидаги вариантлари мавжуд:

1. Кичик қувватли шамол энергетик қурилмалари индивидуал ҳолда қишлоқ аҳоли яшаш хонадони яшаш уйининг тўлиқ энергия таъминотини беради.
2. Шамол энергетик қурилмаларини индивидуал вазифаларда асосий таъминот учун (2 а ва 2 б вариантлари асосида) бир яшаш жойида ишлатилади.
3. Қишлоқ аҳоли яшаш хонадонининг электр таъминоти шамол электростанцияларининг тармоқли ишлаши натижасида истеъмолчиларни тўлиқ (иссиқлик ва электр билан) таъминлаш.

Бунинг учун ўртacha қувватли шамол энергетик қурилмалари ишлатилади. Нурота туманидаги қатор қишлоқлар марказий электр тармоғига уланган. Шунинг учун 1- вариант кўринишда электр таъминотини амалга ошириш мумкин. Навоий вилояти Нурота туманида турли ҳилдаги шамол энергетик қурилмаларининг ишлаш вақти (с/сутка) ва ўртacha ойлик ишлаш ҳисоби (кВтс/ой) 1.6-жадвалда келтирилган.

Нурота туманидаги турли хил ШЭҚ ларнинг ишлаш вақти

1.6-жадвал

С Нур ота	ўрсат ичла р	I	II	V	I	II	III	X	I	II
ея- 2	,(кВт с/ой)	42	86	00	53	88	03	88	36	39
	,соат	5.2	5.0	6.0	6.1	6.4	7.5	8.5	9.0	6.8
W- 60	,(кВт с/ой)	04 7	41 4	85 4	25 2	35 0	52 5	56 4	18 9	08 9
	,соат	5.2	5.0	6.0	6.1	6.4	7.5	8.5	9.0	6.8
BЭ у- 12A	,(кВт с/ой)	75 2	60 1	99 5	83 9	11 4	87 6	14 0	30 9	12 6
	,соат	1.8	1.9	2.8	2.6	2.5	3.6	5.2	6.0	3.7
										0.4
										1.7
										1.2

Назорат саволлари

- Шамол энергиясига асосланган локал энергия таъминот тизимиning структураси қандай элементлардан иборат?
- Қайта тикланувчи энергия манбалари ишини истеъмолчилар иши билан мувофиқлантириш принциплари нималардан иборат?
- Күёш радиацияси қандай параметрлар орқали баҳоланади?
- Фотоэлектрик ўзгартиргич асосида тузилган автоном электр станцияси қандай элементлардан иборат?
- Гелиоэнергетик қурилмасига асосланган локал энергия таъминот тизимиning структураси қандай элементлардан иборат?

6. шамол электр станцияси қандай элементлардан иборат

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ш.Мирзиёев. Эркин ва фаравон, демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз. Тошкент, Ўзбекистон, 2016 й.56 б.

2. Ш.Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент, Ўзбекистон, 2017 й.48 б.

3. Ш.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлитши керак.(Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтиносодий дастурнинг энг муҳим устувор йўнналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза) Тошкент, Ўзбекистон, 2017 й.104 б.

4. Ш.Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент, Ўзбекистон, 2017 й. 488 б.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сон Фармони. Ўзбекистон республикаси қонун хужжатларитўплами, 2017 й., 6-сон.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилано фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ1958-сонли қарори. Тошкент. 2013 йил 29 апрел.

7. А.А. Федоров, Л.Е. Стракова – Учебное пособие для курсового и дипломного проектирования. Москва. Энергоатомиздат 1997г.369с.

8. А. Раджабов, И.Ж. Тошев. Қишлоқ хўжалиги электр таъминоти. -Т., “Iqtisod-Moliya”, 2010 йил, 178 б.

9. Воронин С.М. Возобновляемые источники энергии и энергосбережение. / Воронин С.М., Оськин С.В., Головко А.Н. – Краснодар, КубГАУ, 2006, 267 с.

10. Вардиашвили А.Б. Ноанъавий ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишда энергия тежамкорлик. Ўқув қўлланма – Қарши, “Насаф нашр”, 2012й., 184 б.

11. Клычев.Ш.И., М.Мухамадиев и другие. Нетрадиционные и возобновляемые источники энергии.-Т.Изд-во ,Fan va texnologiya,,2010 –192 с.

12. Сибикин Ю.Д., Сибикин М.Ю. Нетрадиционные возобновляемые источники энергии. М.: РадиоСофт, 2008 – 228 с.

Хорижий адабиётлар

1. Detlef Lucius. *Planning of Electric Power Distribution. Technical Principles*. Siemens AG. Germany. 2015.
2. John Twidell and Tony Weir. *Renewable energy resources*. Taylor & Francis e-Library. Second edition, 2006.
3. Penni McLean-Conner Energy Efficiency: Principles and Practices PennWell Books USA, Oklahoma 2009. Number of pages: 194.
2. USA, Oklahoma 2009. Number of pages: 194 Renewable Energy Resources RoutledgeUnited Kingdom, 2015. Number of pages: 816.
3. [Tony Weir](#)Renewable Energy Resources Routledge United Kingdom, 2015. Number of pages: 816

Интернет сайтлари

1. www.ziyonet.uz – Зиёнет қутубхонаси
2. www.edu.uz – Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
3. www.gov.uz–Хукумат портали
4. www.nuu.uz – Ўзбекистон Миллий университети
5. www.tiqxmmi.uz – Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

2- Маъруза. КТЭМларга асосланган автоном ва локал энергия таъминот тизимларини лойихалаш.

Режа:

1. Автоном энергия таъминот тизимини (АЭТТ) структуравий схемасини тузиш
2. Локал энергия таъминот тизимини дастлабки структуравий схемасини ишлаб чиқиши
3. Қуёш энергиясидан фойдаланишга асосланган локал энергия таъминот тизимининг структуравий схемасини тузиш.
4. Шамол энергиясидан фойдаланишга асосланган локал энергия таъминот тизимини структуравий схемаси.

Таянч сўзлар: Автоном энергия таъминот тизими, локал энергия таъминот тизими, КТЭМ лар ишини истемолчилар билан мувофиқлаштириши.

1. Автоном энергия таъминот тизими (АЭТТ) структуравий схемасини тузиш


Истеъмолчиларни алоҳида энергия билан таъминловчи техник курилмалар мажмуи, автоном энергия таъминот тизими деб номланади. Унинг асосий вазифаси талабга асосан истеъмолчига энергияни етказиб бериш, аккумулятор ёрдамида захирада энергияни саклаш, қабул қилинаётган табиий энергиясини электр ёки иссиқлик энергиясига айлантиришdir.

Энергияларни етказилиши ва исеъмол қилиниши бир вақтда бўлмаганлиги ҳамда уларнинг ўзгаришлари тасоддифий функциялар билан ифодаланиши автоном электр таъминот тизими опимал таркибини асослашни талаб қиласди.


1-расмда қайта тикланувчи энергия манбалари асосида тузилган автоном энергия таъминот тизими классификацияси келтирилган.

Мураккаб техник элементларидан тузилган ва энергетик тизимини бир қисми бўлганлиги учун АЭТТ параметрларини аниқлашда тизимли ёндашув усулидан фойдаланилади. Тизимли ёндашув усулига асосланаб, тадқиқот қилинаётган автоном энергия таъминот тизимини алоҳида ишлайдиган мустақил тизим сифатида қабул қилинади. Энергия таъминот ва энергия истеъмолчилар билан алоқалар тизимни кириши ва чиқишидаги сигналлар ҳамда қўзғатувчи таъсирлар сифатида қабул қилинади.

Юқорида айтилганларни ҳисобга олган ҳолда КТЭМ ларга асосланган автоном энергия таъминот тизимини қўйидаги кўринишда қабул қилиш мумкин .



1-расм. КТЭМ лар асосида тузилган автоном энергия таъминот тизимлари классификацияси.



2-расм. Автоном энергия таъминот тизими.

1-қайта тикланувчи энергия ўзгартиргичлари; 2-захира электр станцияси; 3-коммутатор; 4-инвертор; 5-ўзгарувчан ток истеъмолчилари; 6-аккумулятор батареяси; 7-ўзгармас ток истеъмолчилари; F-қўзғатувчи таъсирлар.


2-расмда келтирилган автоном энергия таъминот тизимида энергия манбаси ва истеъмолчилар орасидаги алоқалар қўзғатувчи таъсир кўринишида тасвирланган:

F_1 – йил ва сутка мобайнида ўзгарувчан қайта тикланувчи энергия манбаларини интенсивлиги;

F_2 – қайта тикланувчи эенргия ўзгартиргичлар қуввати;

F_3 , F_4 – ўзгарувчан ва ўзгармас ток истеъмолчиларининг қуввати.


Локал энергия таъминот тизимини (ЛЭТТ) техник-иқтисодий таҳлил қилишда, биринчи навбатда таркибий тузилиш схемаларини турли хил вариантиларини кўриб чиқилади. ЛЭТТ нинг структуравий схемасида энергия ўзгартиргичлар сони кам бўлиши керак, чунки элементлар сони ошиши билан тизимнинг фойдали иш коэффициенти (ФИК) пасаяди ва умумий нархи ошади. ҚТЭМ лар орқали энергия етказилиши тасодифий характерга эга бўлганлиги учун автоном энергия таъминот албатта энергияни захиралаш ҳам ҳисобга олиниши керак. Автоном энергия таъминот тизимининг структуравий схемаларини умумий кўринишлари




3-расм. Фотоэлектр ўзгартыргич асосида тузилган автоном электр таъминот тизими (энергия захираси-аккумулятор батареяси).

1. Фотоэлектр ўзгартыргич; 2. Коммутатор; 3. Аккумулятор батареяси; 4. Инвертор; 5. Энергия истеъмолчиси.

3-расмда шамол энергиясини электр энергиясига айлантирувчи ва истеъмолчига узатувчи автоном энергия таъминот тизими структуравий схемаси берилган. Энергияни сақловчии элемент сифатида аккумулятор батареяси қабул қилинган.



4-расм. Шамол энергетик қурилма асосида тузилган автоном энергия таъминот тизими (энергия захираси-аккумулятор батареяси). 1-шамол парраги; 2-ўзгарувчан ток генератори; 3-коммутатор; 4-инвертор токни доимийга ўзгартыргич билан биргаликда; 5-аккумулятор батареяси; 6-ўзгарувчан ток юкламаси; 7-доимий ток юкламаси.



5-расм. Шамол энергетик қурилма асосида тузилган ва захираси электр станцияси бўлган автоном энергия таъминот станцияси. 1-шамол парраги; 2-ўзгарувчан ток генератори; 3-коммутатор; 4-электр станцияси (захира); 5-биоёқилғи билан ишлайдиган қурилма.

Юқорида келтирилган турли хил автоном энергия таъминот тизимларидан энг катта ишончлилик билан ишлайдиган

Энг кам ишончлилик билан ишлайдиган автоном энергия таъминот тизимини схемаси келтирилган. Чунки бу ердаги истеъмолчилар фақат қуёш энергия манбаси орқали энергия билан фақат ўзгарувчан ток системасида таъминланади. АЭТТ лари ишончлилигини аккумулятор батареялар сифимини ошириш билан қўтариш мумкин. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан комплекс фойдаланишга асосланган локал (автоном) энергия таъминот тизимларининг ишончлилиги энг юқори бўлиши мумкинлиги адабиётлар тахлилидан келиб чиқмоқда [42].

2. Локал энергия таъминот тизимини дастлабки структуравий схемасини ишлаб чиқиши

Энергия истеъмолчиларни самарали ва ишончли энергия билан таъминлашнинг асосий шартларидан бири – энергия манбасининг иш режимини истеъмолчи иш режими билан мувофиқлаштиришdir. Энергияларни етказилиши ва истеъмол қилинишлари тасоддифий характерга эга бўлганлиги учун локал энергия таъминот тизимини ишончли ишлашида мувофиқлаштириш асосий шартларидан бири бўлиб қолмоқда. Тасоддифий ўзгарадиган, лекин тез-тез такрорланадиган жараёнларни стационар холатга келтирамиз. Бунинг учун истеъмолчи ва энергия манбаларини энергетик характеристикалари мувофиқлаштирилади.


Йил ва сутка мобайнидаги энергия истеъмоллари тахлилидан турғунлик характерга яқинроқ режимларини аниқлаш мумкин. Йилнинг совукроқ даврларида энергия истеъмоли кескин ошади ва иссиқроқ даврларида талаб камаяди. Шу билан биргаликда истеъмол қилинадиган энергиясининг бир ойлик йифиндиси йилдан-йилга такрорланиши мумкин. Сутка мобайнида энергия истеъмолида эрталабки, кечки ва кундузги максимумлари қузатилиши мумкин. Лекин бир хафта ёки бир ойнинг ичida талаб қилинадиган энергия турғунлик билан такрорланиши мумкин.


ҚТЭМ ларга келаётган қуёш ва шамол энергияларини ўзгариши сутка ва йил давомида тасоддифий характерга эга. Маълум бир вақт (сутка, ой) учун ўртача энергия миқдорлари аниқланади. Етказилаётган энергиясининг суткалик йифиндисини бир соатлик интерваллардаги йифиндиларидан аниқлаш мумкин.

Юқорида келтирилгна тахлиллардан етказилаётган ва истеъмол қилинаётган энергияларини мувофиқлаштирувчи характеристикаси сифатида сутка мобайнидаги энергиялар йиғиндиси қабул қилинади.

Энергия таъминот тизимида қайта тикланувчи энергия манбалари иш режимларини истеъмолчиларнинг иш режимлари билан мувофиқлаштиришда иккита максимумга эришишга харакат қилинади. Биринчидан, ҚТЭМ энергиясидан максимал фойдаланиш ва иккинчидан, истеъмолчини талаб қилинадиган энергия билан максимал таъминлаш. Демак, ҚТЭМ лардан самарали фойдаланиш учун энергия оқимини бошқариш методларини ва тегишли схемаларни ишлаб чиқиш керак.

Бошқариш методлари: ортиқча энергиясидан кутулиш, аккумуляция қилиш ва юклама миқдорини ростлаш. Ортиқча энергиясидан кутулиш энг оддий усулларидан биридир. Бу ерда қўшимча маблағ сарфи минимал бўлади. Ортиқча электр ва иссиқлик энергияларини аккумуляция қилиш билан энергияни ишлаб чиқиш ва истеъмол қилиш режимларини графиклари текисланади. Бундай усул локал энергия таъминот системаси орқали кичик қувватли истеъмолчиларни энергия билан таъминлашда қўлланилади. Юклама миқдорини ростлаш усулинни турли хил энергетик тизимларда қўллаш мумкин, айниқса турли режимда ишлайдиган истеъмолчиларни энергия билан таъминлашда юқори самарага эришиш мумкин. Бу ерда истеъмолчиларни маълум бир сонини тармоққа улаш ёки ажратиш орқали ишлаб чиқарилган ва талаб қилинадиган энергиялар орасида мослик сақланиб туради. 6-расмда қайта тикланувчи энергия манбаси ва истеъмолчилар орасида мосликни сақловчи схемалар келтирилган.





6-расм. ҚТЭМ лар ишини истеъмолчилар иши билан мувофиқлаштириш методлари. а) ортиқча энергиясидан қутулиш; б) ортиқча энергиясини аккумуляциялаш; в) юкламани ростлаш. 1-ҚТЭМ; 2-энергия ўзgartиргич; 3 (3.1,3.2)-энергия истеъмолчилари; 4-ортиқча энергиясидан қутулиш; 5-энергия аккумулятори.

Энергия оқимини бошқариш методларини амалга ошириш учун куйидаги принциплар қўлланиши керак:

- Етказилаётган ёки истеъмол қилинаётган энергиялар тасоддифий характеристларини силлиқлаш учун энергетик тизими таркибидаги энергия сақловчи элемент (аккумулятор) бўлиши керак.

- Иссиклик энергияси аккумуляторининг сифими суткалик энергия эҳтиёжидан аниқланади, электр энергия аккумуляторининг сифими уни энергетик тизимига қўшилиш вақтида энергияга бор талабга асосланаб аниқланади.


- Юқори самарадор локал энергия таъминот тизимини яратишида куйидаги шартлар бажарилади:

- Энергияларни етказилиш ва истеъмол қилиш режимлари мувофиқлаштирилиши керак;

- Гелиоэнергетик ва шамол энергетик ускуналар параметрлари фойдали ишлаб чиқарилаётган энергия бўйича аниқланади.

3. Қуёш энергиясидан фойдаланишга асосланган локал энергия таъминот тизимининг структуравий схемасини тузиш.

Қуёш энергиясидан фойдаланиб электр ва иссиқлик энергиялари ишлаб чиқарилиши мумкин. Қуёш энергиясининг етказилиш ва истеъмол қилиш режимларини мувофиқлаштириш мақсадида аккумулятор қўлланилади. Қуёш энергиясидан фойдаланишга асосланган локал энергия таъминот тизимининг структуравий схемаси 7-расмда келтирилган.




7-расм. Гелиоэнергетик қурилмага (ГЭК) асосланган локал энергия таъминот тизимининг структуравий схемаси. 1-ГЭК; 2-энергия ўзгартиргичи; 3-энергия аккумулятори; 4-истеъмолчи; 5-анъанавий энергия манбаси.

Энергия аккумулятори қуёшли энергия таъминотида мувофиқлаштирувчи элемент сифатида қўлланилади. Юқорида келтирилган схемада анъанавий энергия манбаси таъминланаётган энергия сифатини сақлаш ва ишончлилигини ошириш учун хизмат қилади. Анъанавий манбадан олинаётган энергия бевосита истеъмолчига етказилади ёки аккумуляторда йиғилиши мумкин. Гелиоэнергетик қурилма ва қуёш коллекторларининг параметрлари талаб қилинадиган энергия миқдоридан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

4. Шамол энергиясидан фойдаланишга асосланган локал энергия таъминот тизими структуравий схемаси.

Шамол оқимининг энергияси асосан электр энергиясини ишлаб чиқишида қўлланилади. Шамол энергетик қурилмалари (ШЭК) дан таъминланадиган энергетик тизимда икки хил энергия аккумулятори бўлиши мумкин: а) бевосита ШЭК лардан олинадиган электр энергиясини йиғиш учун; б) иссиқликка ўзгартирилган энергиясини сақлаш учун.

8-расмда ШЭК асосида тузилган локал энергия таъминотининг структуравий схемаси кўрсатилган.



8-расм. ШЭК га асосланган локал энергия таъминот тизимининг структуравий схемаси. 1-қайта тикланувчи энергия манбаси; 2-ШЭК; 3-иссиқлик энергия аккумулятори; 4-истеъмолчи; 5-анъанавий энергия манбаси; 6-электр энергия аккумулятори.

ҚТЭМ лардан олинаётган иссиқлик энергияси сифатини оширишда анъанавий энергия манбаси қўлланилади. Бу ерда қўйидаги вариантлар бўлиши мумкин:

- Иссиқ сувни харорати анъанавий энергия манбаси ёрдамида иссиқлик энергия аккумуляторида ростланади;

- Иссиқлик энергия харорати иссиқлик генератори ёрдамида ростланади.

Бундай схемада ШЭҚ параметри талаб қилинадиган энергия миқдорини ишлаб чиқишига мос бўлиши керак. Локал энергия таъминот тизими орқали етказилаётган энергия миқдори кам ёки унинг сифати паст бўлганида аккумулятор қўшилади. Аккумулятор сифими камайиши билан анъанавий энергия манбаси қўшилади. Аккумулятор батареялар сифимини асослашда биринчи навбатда ШЭҚ лардан олинадиган энергия миқдори хисобга олинади. Шунинг билан биргалиқда аккумуляторларни анъанавий энергия манбалардан зарядланишини ҳам хисобга олиниши керак.

Шамол энергиясидан максимал фойдаланиш учун ШЭҚ лар орқали истеъмолчиларни электр ва иссиқлик энергиялари билан бир вақтда таъминлаш схемаларини истиқболлари каттадир.

Назорат саволлари

1. УзР шароитида кандай турдаги кайта тикланувчан энергиядан фойдаланувчи станциянинг электр энергиясини тан нархи энг паст?
2. Күёш электр станцияси - ...?
3. Гидроагрегат-бу нима?
4. Гидроэлектростанция?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ш.Мирзиёев. Эркин ва фаравон, демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз. Тошкент, Ўзбекистон, 2016 й.56 б.
2. Ш.Мирзиёев. Конун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент, Ўзбекистон, 2017 й.48 б.
3. Ш.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалик қоидаси бўлитши керак.(Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтиносодий дастурнинг энг муҳим устувор йўнналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза) Тошкент, Ўзбекистон, 2017 й.104 б.
4. Ш.Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент, Ўзбекистон, 2017 й. 488 б.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сон Фармони. Ўзбекистон республикаси қонун ҳужжатларитўплами, 2017 й., 6-сон.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилано фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ1958-сонли қарори. Тошкент. 2013 йил 29 апрел.

7. А.А. Федоров, Л.Е. Стракова – Учебное пособие для курсового и дипломного проектирования. Москва. Энергоатомиздат 1997г.369с.

8. А. Раджабов, И.Ж. Тошев. Қишлоқ хўжалиги электр таъминоти. - Т., “Iqtisod-Moliya”, 2010 йил, 178 б.

9. Воронин С.М. Возобновляемые источники энергии и энергосбережение. / Воронин С.М., Оськин С.В., Головко А.Н. – Краснодар, КубГАУ, 2006, 267 с.

10. Вардиашвили А.Б. Ноанъавий ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишда энергия тежамкорлик. Ўқув кўлланма – Қарши, “Насаф нашр”, 2012й., 184 б.

11. Клычев.Ш.И., М.Мухамадиев и другие. Нетрадиционные и возобновляемые источники энергии.-Т.Изд-во ,Fan va texnologia,,2010 –192 с.

12. Сибикин Ю.Д., Сибикин М.Ю. Нетрадиционные возобновляемые источники энергии. М.: РадиоСофт, 2008 – 228 с.

Хорижий адабиётлар

1. Detlef Lucius. *Planning of Electric Power Distribution. Technical Principles*. Siemens AG. Germany. 2015.
2. John Twidell and Tony Weir. *Renewable energy resources*. Taylor & Francis e-Library. Second edition, 2006.
3. Penni McLean-Conner Energy Efficiency: Principles and Practices PennWell Books USA, Oklahoma 2009. Number of pages: 194.
4. USA, Oklahoma 2009. Number of pages: 194 Renewable Energy Resources RoutledgeUnited Kingdom, 2015. Number of pages: 816.
5. Tony WeirRenewable Energy Resources Routledge United Kingdom, 2015. Number of pages: 816

Интернет сайтлари

1. www.ziyonet.uz – Зиёнет кутубхонаси.
2. www.edu.uz – Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
3. www.gov.uz – Хукумат портали
4. www.nuu.uz – Ўзбекистон Миллий университети
5. www.tiqxmmi.uz – Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

3-Маъруза: Автоном ва локал энергия таҳминот тизимида кулланиладиган электротехник ускуналарини танлаш ва истеъмолчиларни хисобий қувватини аниклаш

Режа:

1. Лойихаларда электр ускуналарни эксплуатация шароити буйича танлаш методикаси.
2. Химоя воситалари, сим ва кабелларини танлаш.
3. Истеъмолчиларни хисобий қувватларини аниклаш.

Таянч сўзлар: Эксплуатация шароити, химоя воситалари сим ва кабелларни танлаш, хисобий қувватларини аниқлаш.

1. Лойихаларда электр ускуналарни эксплуатация шароити буйича танлаш методикаси

Электр энергиясидан самарали фойдаланиш учун электр тармоқнинг турли қисмларига турли қувватли ва юклама характерли истеъмолчилар уланиши мумкин. Бир фазали истеъмолчилар бир фазали трансформатор орқали таъминланиши мумкин. Йирик қувватли қишлоқ хўжалиги комплекслари саноат асосли электр таъминот тизимига эга. Қишлоқ электр тармоқлари тармоқланган радиал бўлиб, уларнинг узунлигини камайтириш, кўндаланг кесим юзаларини селектив бўлиши муҳим ўрин тұтади.

Қишлоқ хўжалигидаги электр таъминот шароити пастлигини айтиб ўтиш зарур, яъни электр энергиясининг сифат кўрсаткичлари пастдир. Бир фазали истеъмолчиларнинг салмоғининг қўплиги фазалар носимметриясига олиб келади ва электр энергия сифатини янада ёмон бўлишига олиб келади. Бундан ташқари электр энергия истеъмолининг сутка давомида нотекислиги ҳам электр тармоқларни нотекис юкланишига олиб келади. Ҳозирда қишлоқ хўжалиги ускуналарини бошқариш тизимларида турли хил яримўтказгичли автоматик элементлардан фойдаланилмокда, бу эса электр тармоқларда юқори гармоникали токлар таъсирида кучланишларнинг синусоидаллигини бузилишига олиб келади, бунинг натижасида электр тармоқларда қўшимча электр энергия исрофи бўлади.

Демак, қишлоқ хұжалигидаги электр таъминоти структураси ва иш режимларидаги үзига хос томонлари электр энергия сифатини пасайишига олиб келади. Құшимча энергия исрофини юзага келтиради.

Электр ускуналарни танлаш асослари

Электр ускуналарнинг самарали эксплуатациясининг асоси бўлиб уларни тўғри танлаш ҳисобланади. Одатда электр ускуналар технологик ускуналар билан бир комплектда бўлади ёки технологик ва техник талаблардан келиб чиқиб танланади. Лойихалаштириш босқичида барча эксплуатацион шароитларни ҳисобга олиш қийин. Ҳақиқий шароит меърий лойиха шароитларидан фарқ қилиши мумкин. Бу ҳолда мавжуд ускуналарни тўғри танланганлиги текширилиб кўрилади. Бундан ташқари электр ускуналарнинг эксплуатация шароитларини ёмонлаша боришини ҳар доим ҳам ҳисобга олиш мумкин бўлмайди. Танланган электр ускуналарни эксплуатация шароитларига текшириш айниқса маъсул объектлар учун жуда муҳим рол ўйнайди. Танлашда у ёки бу ечимларни қабул қилиш чегаралаш принципига кўра ёки оптималлаштириш принципларига кўра бажарилади.

Чегаралаш принципи – электр ускунанинг кўрсаткичлари мос факторлар таъсирида ёки шароитларда бўлиши, зарур қийматларига тенг ёки (тенг ёки кичик) бўлса. Масалан асинхрон электр мотор қувват бўйича танланса, унинг ҳақиқий юкланиш қуввати $P_{\text{ном}}$ номинал қувватидан P_n кичик ёки тенг бўлиши зарур:

$$P_n \geq P_{\text{ном}} \quad (1.1)$$

Оптималлаштириш принципи – жараён технологик талабларини ўрганиб, электр ускуна энг оптимал режимларни таъминлаш шарти бўйича танланади. Бу ҳолда оптималлаштириш мезонлари техник ёки иқтисодий кўрсаткичлар бўлиши мумкин.

Электр ускуналарни танлашда қуйидаги техник кўрсаткичлар ҳисобга олинади: климатик ишланганлиги ва жойлаштириш категорияси, бегона жисмлар ва сув томчилардан ҳимояланиш даражаси, номинал кўрсаткичлар, құшимча кўрсаткичлар (U_n, I_n, P_n, n_n) (ишга тушиб кўрсаткичлари, юкланиш кўрсаткичлари, ҳимояланиш кўрсаткичлари). Электротехник ускуналар ва жиҳозлар маълум бир климатик шароитда ишлатиш учун ишлаб чиқарилади ва у ишланишига қараб жойлаштирилади (1.1-жадвал). Бунинг учун қуйидаги белгиланишлар қабул қилинган: У-ўртача иқлим шароитида; ХЛ-совуқ иқлим шароитида; ТВ-нам-тропик шароитида; ТС-қуруқ тропик шароитида; Т-нам ва қуруқ тропик шароитида; О-умумиқлим шароитида. Қишлоқ ва сув хўжалиги шароитлари учун яна (С) ва (Х)-кимёвий таъсирларга чидамли) бажаришларда ишлаб чиқарилади. Жойлашиш категорияси электр ускуналарда қуйидагича белгиланади: X=1-5.

1.1-жадвал. Электр ускуналарнинг эксплуатация шароитларига қараб бажарилиши

.р.	Бинодаги хоналар ва қурилмаларнинг тури ва вазифаси	Жойлашиш категорияси, климатик тури	Химоя қобиғининг ишланишига қараб		
			Электр машиналар	Ишга ту-шириш, химоялаш воситалари	Ёритиш восита-лари
	Хизматчилар хонаси, инкубаторийлар, иситилувчи омборлар	УХЛ4	IP44	IP23, IP40	IP20, IP21, IP31
	Ёрдамчи хоналар, иситилмайди ганомборлар, тузат иш устахонаси	У3	IP44	IP21	IP32
	Чорвачилик ва мева-сабзавот махсулотларини қайта ишлаш цехлари, мева-сабзавот омборлари	У2	IP44	IP20	IP32, IP43, IP53
	Нам озуқала р тайёрлаш цехи, сут соғищали, техникани ювиш ва насосбўлимлари, парник, иссиқхона, ёрамчииситилмайдиган хоналар	У5	IP44	IP23	IP53, IP54
	Чорвачилик ва паррандачилик ферма хоналари, минерал ўғитлар омбори, уруғларга кимёвий ишлов бериш жойи (агрессив муҳит хоналар)	У5	IP44	IP44	IP54
	Технологик қурилмаларни	У5	IP44	IP44	IP55, IP64

	дезинфекция килиш хоналари				
	Дон қайта ишлиш пунктлари, чанг хоналар	У3	IP54	IP54	IP51 IP61
	Иситилмайд иган омборхона, очиқ жойдаги навес остидаги электр ускуналар	У1, У2, УХЛ3	IP44	IP54	IP23 , IP53

X=1 – очиқ атмосфера таъсирида ишлайди;

X=2 – иқлим шароитлари күрсаткичлари очиқ атмосферадан фарқ қилмайдиган биноларда (палатка, навес, кузов, метал биноларда, түсиқлар остида ишловчи);

X=3 – вентиляциялы ёпиқ биноларда сұйний микроиклиим ҳосил қилинмайдиган шароитда;

X=4 – сунъий микроиклиим ҳосил қилинганды шароитда ишлашга мүлжалланган;

X=5 – ўта зах, кимёвий фаол газларни бўлган муҳитда ишлашга мүлжалланган.

Электротехник жиҳозлар, ускуналар стандарт талабларига кўра қишлоқ ва сув хўжалигига камидан (У) – климатик ишланишига эга бўлиши зарур. Одатда ҳарорат +45⁰С дан -45⁰С гача бўлган муҳит мос келади.

Электр ускуналар бегона жисмлар ва сув томчиларидан химояланиш даражасини стандартда шартли равишда IPX1X2 кўринишида белгиланган. Бу белгилар электр ускуналар паспортида ёки шчитидаги ёзиб қўйилади. Бу ерда X – жойлашиш иқлимини категориясини кўрсатади X=1, 2, 3, 4, 5.

X1 – электр ускунанинг ички токли қисмiga бегона жисмлар тегишидан химояланиш даражасини кўрсатади. X1 =0, 1, 2, 3,...6.

X2 – сув томчиларидан химояланиш даражаси X2 = 0,1,2,...8

Қишлоқ ва сув хўжалигидаги электр ускуналар химояланиш даражаси. IP23, IP30, IP31, IP41, IP54, IP55 дан юқори бўлиши керак (1.1-жадвал).

Кучланиш бўйича электр ускуналарни танлаш

Қишлоқ ва сув хўжалигига уч фазали $U=380/220V$ кучланишили ўзгарувчан ток ишлатилади. Демак электр истеъмолчилар кучланиши ҳам тармоқ кучланишига teng бўлади. Кучланишни мослаш учун учбурчакдан юлдузгача қайта уланиши мумкин.

Қувват ва ток бўйича танлаш. Бунда иш машинаси учун зарур қувват аниқланиллади ва ундан кам бўлмаган қувватли мотор олинади. Яна иш

машинасини юкланиш диаграммаси мухим рол ўйнайди. Агар қувват кам ўзгариб турса $\Delta P \leq 20\%$, ўртача қувватга қараб танланиши мумкин. Доимо ўзгариб турувчи юклама бўлса, таъсир этувчи қиймати бўйича яъни ўртача квадрат қувват бўйича танланади. Демак ўртача, квадрат ҳақиқий қувват аниқланилиб, ундан кам бўлмаган қувватли мотор олинади $P_h \geq P_{max}$. Бу мотор момент бўйича ортиқча юкланишга текшириб кўрилади.

Электр аппаратлар, ишга тушириш –химоя воситалари асосий контактлардаги ток катталигига қараб, $I_{he} \geq I_{uu}$ шартидан олинади:

$$I_{XBI} \geq K_i I_{uu}$$

бу ерда: K_i – химоя воситасининг ишга тушиш токини химоя тармоғининг иш токига нисбати, 1.2-жадвалдан аниқланади.

Қиздириш ускуналари зарур қувват бўйича танланади. Ҳисобий қувват иссиқлик баланс тенгламасидан аниқланади.

1.2-жадвал. Химоя воситаларининг ўрнатилган токлари

Химоя турлари	Химоя воситаларининг номинал токининг тармоқ иши токига нисбати					
	Чўғланма лампа	ДРЛ типли лампа	Люминесцент лампа	Электр мотор	Электр моторлар гуруҳи	ри
рувчи ч	1,0	1,2	1,0			
иссиқлик и автоматик ч	1,0	1,4	1,0	1,2	1,2	
омбинацияли и автоматик ч	1,4	1,4	1,0	1,5		
иссиқлик	–	–	–	1,0...1,1	–	

Электр ускуналарнинг иш режимларини оптималлаштириш

Электр ускуналарнинг иш самарадорлиги бажарилган бирлик иш микдорига боғлиқ бўлиб, турли факторлар билан аниқланади.

Айниқса истеъмолчилар қуввати мухим рол ўйнайди. Қишлоқ ва сув хўжалигига қўплаб автоматлаштирилган электр юритмаларни қўлланилиши

электр юкламаларни түғри танланишини талаб қиласы. Қишлоқ ва сув хұжалигидаги электр юритмаларнинг самарадорлик мезонлари ва уларнинг юкланиши орасидаги боғлиқлик мураккаб, ноңзикли ҳарактерга эга.

Паст юкланишларда оширилган қувватли электр мотор қабул қилингандыңда электр юритма паст энергетик күрсаткичларга эга бўлади. Юкланишнинг оширилиши электр юритмаларни энергетик күрсаткичларини оширади, лекин бунда электр мотор қизиб ишлайди, унинг ишончлилиги пасаяди. Фақат оптимал юкланишдагина электр мотор самарали ишлайди, ҳаражатлар йигиндиси минимал бўлади. Электр моторларни танлашда юкламадан фарқли қувватли моторлар олинса, хўжалик учун қўшимча ҳаражатлар ортади технологик зарар юзага келади. Электр моторларни оптимал юкланиши бўйича танлашнинг мақсади ҳар бир ҳолатни яхши ва ёмон томонларини кўрсатиб, уларни солиштириб, самарадорлик мезонларини топиб, электр моторларни самарали эксплуатацияси мезонлари бўйича энг қулай варианtlарни аниқлашдан иборатdir. Жумладан самарадорлик мезонларидан бири сифатида мотордаги исрофлар йигиндиси олиниши мумкин.

Электр моторнинг юкланишини ундаги қувват исрофлари йигиндиси бўйича оптималлаштириш мумкин. Электр моторлар назариясида аниқланилиши бўйича мотордаги қувват исрофларни йигиндиси, юкланиш коэффициенти га тенг бўлганда минимал бўлади,

бу ерда – моторни салт ишлаши ва қисқа туташув қувват исрофлари.

Юқоридаги ифода масалани электр таъминот тизимида исрофларни ҳисобга олмай аниқланган. Реал фактор, шароитларни ҳисобга олиб электр моторларни юкланиш режимларини оптималлаштиришда фақат моторни эмас, бутун «М – Э – Т – Х »системани таҳлил қилиш зарур, бу ерда

M – манбаа

\mathcal{E} – энергетик қурилма

T – технологик объект

X – электротехник хизмат.

Электр моторни барча кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда юкланиш коэффициенти қуидаги аниқланади:

$$\beta = \sqrt{\frac{CP_x + K\mathcal{E} \cdot q_x}{CP_s + K\mathcal{E} \cdot q_s}} \quad (1.2)$$

бу ерда $C = 1,1 \dots 1,2$ – Электр таъминот тизими ҳисобига қўшимча исрофларни ҳисобга олувчи коэффициент.

$K\mathcal{E}$ – реактив қувват эквиваленти, электр моторнинг реактив қуввати ҳисобига тармоқда юзага келган актив қувват йўқотилиши ($K\mathcal{E} = 0,12 + 0,18 \frac{kWm}{kVA}$)

q_x, q_s – салт ишлаш ва қисқа туташув реактив қувватлари, (нисбий катталиклар).

Электр моторда магнитланиш реактив қуввати доим унинг қисқа туташув реактив қувватидан (сочилиш қувват) катта бўлади, яъни $\beta_2 > \beta_1$ манбаа – энергия истеъмолчи – технологик объект – хизмат кўрсатиш тизими системасида қувват исрофи бўйича оптimal юкланиш двигателнинг фойдали иш коэффициенти бўйича белгиланган оптimal юкланишидан доим катта бўлиб қолади. Турли хил мезонлар бўйича оптimal юкланиш турлича бўлиб қолади ($\beta_1 = 0,7 \div 0,8; \beta_2 = 0,8 \div 0,95$) ва эксплуатация шароитларини комплекс ўрганилганда ва реал факторларни ҳисобга олинганда оптimalлаштириш натижаларига аниқликлар киритилиши мумкин. Шу билан биргаликда асинхрон моторларнинг энергетик кўрсаткичлари юкланиш режимлари ўзгарганда тургун бўлиб қолишини айтиб ўтиш лозим. Юкланишнинг оптимумдан $\pm 30\%$ га огиши мотордаги қувват исрофини 7%гача ошишига олиб келади.

Фақат юкламанинг 40% ва ундан пастга кетиши фойдали иш коэффициентининг тез пасайишига олиб келади. Электр юритмадаги қувват исрофини тубдан камайтириш, энергетик кўрсаткичларни яхшилаш учун электр моторларни эксплуатацияда тўғри танлаш билан биргаликда моторларни лойиҳалаш ва тайёрлаш жараёнидаёк реактив қувватларни мувозанатловчи элементлар билан ишлаб чиқиши зарур. Қишлоқ ва сув хўжалиги электр тармоқларидаги истеъмолчиларнинг тарқоқлиги тармоқлар узунлигининг меъёридан катталиги, қайта-қайта (4-5 марта) трансформацияланиши электр таъминот тизимининг фойдали иш коэффициенти паст бўлишига ва бутун манбаа – энергия истеъмолчи – технологик объект – хизмат кўрсатиш тизимининг энергетик кўрсаткичларининг паст бўлишига олиб келади.

Электр ускуналарни эксплуатация шароитлари бўйича танлаш

Электр ускуналарнинг фойдаланиш шароитлари. Электр ускуналарнинг фойдаланиш шароитлари унинг сутка ва йил давомида юкланиши, ишга юритиши ва ишлатиш режимлари, иш машиналарининг электр ускуналар ишончлигига бўлган талаблари билан аниқланади. Қишлоқ ва сув хўжалиги ишлаб чиқариши мавсумийлиги билан ажralиб туради. Бу эса уларнинг йил давомида фойдаланиш вақтини 500-1000 соат бўлишини аниқлайди. Бу ҳолатлар электр ускуналарнинг эксплуатация кўрсаткичларини пасайишига олиб келади. Айниқса чорвачилик фермаларида электр ускуналар тўхтаб турганда агресив муҳит таъсирида узоқ вақт бўладилар, ҳаводан намликни изоляциясига шимдириб ишончлилигини пасайтиради ёки бошқа ноxуш оқибатларга олиб келади. Буларни олдини олиш учун, агар электр ускуналар узоқ муддат ишлатилмай қоладиган бўлса, уларни консервация қилиш тавсия қилинади. Қишлоқ ва сув хўжалигига турли технологик сабабларга кўра (ишлов берилаётган материалларни бир турлимаслиги, ва бошқалар) технологик машина ва ускуналарнинг юкланиш режимлари ўзига хос бўлади. Бу эса уларнинг электр моторларини нотекис юкланишига олиб келади. 50%

электр моторлар тез ўзгарувчи ва ўзгарувчи юкланишга эга бўлиб натижада улар титраб ишлайди, изоляцияси емирилиб, ишончлилиги камаяди. Факат венитиляторлар ва насослар бундан мустасно. Умуман электр моторларнинг 25% дан ортиги 35%гача юкланиш билан ишлайди. Электр моторларнинг тўлиқ юкламаслиги уларнинг иқтисодий самарадорлигини ва уларнинг ресурсларидан фойдаланиш даражасини пасайтиради.

Қишлоқ ва сув хўжалигида замонавий технологик тизимларнинг кўлланилиши электр ускуналар ишончлилигига талабларни оширилишига олиб келади, 35 – 40% электр моторлар масъул технологик жараёнларда ишлаб турибди ва уларнинг 1 – 2 соатга тўхтаб қолиши катта иқтисодий заар кўрилишига олиб келади. Бу эса электр ускуналарнинг эксплуатацион ишончлилигини ошириш тадбирларига сарфланган ҳаражатларни ўринли эканлигини кўрсатади. Электр ускуналарнинг фойдаланиш шароитларининг муҳим қисми атроф муҳит шароитлариdir. Қишлоқ ва сув хўжалиги оғир атроф муҳит шароити билан ажralиб туради; бу юқори намлик, кимёвий актив моддалар, чанг ва технологик ифлосланишлар ва ҳоказо. Ташки муҳит омиллари климатик, биологик ва механик таъсиrlар комплексидан иборат бўлади. Юқори намлик таъсирида электр ускуналардаги изоляция қатлами тез эскиради, ўзини хусусиятларини йўқотиб, электр ускунанинг ишдан чиқишига олиб келади, намлик бўлганда металл юзларида ҳам коррозия – емирилиш жараёни бошланади. Айниқса, чорвачилик ва парандачилик фермарларида ҳаво таркибида кимёвий фаол моддалар бўлиб, улар юқорида кўрсатилган емирилиш жараёнларини тезлаштиради, электр ускунанинг хизмат муддатини камайтиради. Изоляция қобигининг намланиши унинг диэлектрик хусусиятларини пасайтиради, айниқса электр ускуна ишлатилмай турганда бу жараён тезлашади. Ҳаво таркибида аммиак бўлганда намлик юқори бўлиб, ҳарорат ўзгариб турса изоляция қаршилиги тез пасая боради.

Қишлоқ ва сув хўжалигида 3-5% моторлар чангли муҳитда ишлайди. Чанг электр жиҳоз устига ўтириб намлик ва агрессив муҳитни ушлаб туради ва уни емиради, моторларни совитиш шароитларини ёмонлаштиради, уларни ортиқча қизишига олиб келади. Чорва фермаларида куруқ омухта ем беришда чанг чиқиб, агрессив муҳит таъсирини янада мураккаблаштиради. Бу ҳолда чанг зарралари электр ускуналарнинг нам юзларига ўтириб, уларнинг юза қисмида калинлашиб боради. Бу эса турли хил салбий оқибатларга, масалан моторларни тормозланиб қолишигача олиб келади. Чорва фермаларида, дон сақлаш ва қайта ишлаш пунктларида турли микроорганизмлар, кемирувчилар, заракунандалар кўпайиши учун қулай шароит мавжуд бўлади. Улар ҳаёт фаолияти давомида электр ускуналарни емирилишига, уларни тез ишдан чиқишига олиб келади. Демак электр ускуналарни танлашда, уларда техник эксплуатация тадбирларини белгилашда атроф муҳит шароитларини албатта ҳисобга олиш зарур.

Электр таъминоти шароитлари. Саноатдаги истеъмолчилардан фарқ қилиб, қишлоқ ва сув хўжалиги истеъмолчилари турли кувватли, юкланишда, бир ва уч фазали бўлади ва ҳаво электр узатиш тармоқлари оркали

таъминланади. Электр таъминот тизимида қувват исрофи миқдорини солишириб кўрамиз

$$P_x \beta_x 8760 + P_k \beta_k \tau (S_{\text{потреб}} / S_k)^2 = \quad (1.3)$$

P_x, P_k – қисқа туташув ва салт ишлаш электр қуввати йўқолишлари, Вт

β_x, β_k – 8760 с 1 йил вақтда қуввати йўқолишларида келтирилган харажатлар.

Бу ерда:

$$\frac{S_{\text{потреб}}}{S} = \sqrt{\frac{2P_x \beta_x 8760}{P_k \beta_k \tau}} \quad (1.4)$$

Юклама ҳисобий юкланишдан ошганда иккала трансформаторни улаш, кам бўлганда эса бир трансформаторда ишлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Кучланиши 35/10кВ номинал қуввати 1-6,3 МВА, тўла қувватлар нисбати ўртacha бўлганда чегаравий юкланиш миқдори $S_{\text{потреб}} = 100 - 100\% S_k$ бўлади.

Бу ерда яна реактив қувватни узатиш учун исроф бўлаётган актив қувватни ҳисобга олиш зарур. Бунинг учун энг самарали трансформаторлар сонини аниқлаш учун реактив қувват исрофлари ҳам актив қувват кўринишга ўтказилади:

$$P_z = n(P_x + k_p Q_x) + \frac{1}{n}(P_k + k_p Q_k) \beta^2 \quad (1.5)$$

$k_p = 0,15$ $U = 6 \div 10\text{kV}$, бўлганда

$k_p = 0,08$ $U = 35 \div 110\text{kV}$, бўлганда

Q_x, Q_k – салт ишлаш ва қисқа туташиш реактив қувватлари.

Юклама ўзгарганда, бир хил қувватли қўшимча трансформаторни улаш шарти қуидагича аниқланилади: n та параллел ишлаб турган трансформаторларда юклама ортганда қўшимча трансформаторни улаш шарти, агар жами қувват S_2 қуидагича бўлса:

$$S_2 / S_k \sqrt{\frac{(n+1)(P_x + K_p Q_x)}{n(P_k + K_p Q_k)}} \quad (1.6)$$

юклама камайганда бирор трансформаторни ажратиш шарти:

$$S_2 / S_k \sqrt{\frac{(n+1)(P_x + K_p Q_x)}{n(P_k + K_p Q_k)}} \quad (1.7)$$


Реактив қувватлар қуидагича аниқланади:

$$Q_x = \frac{i_x}{100} S_k, Q_k = \frac{U_k}{100} S_k, \quad (1.8)$$

бу ерда i_x, U_k – салт ишлаш токи ва қисқа туташув кучланиши, %.

Турли қувватли трансформаторларни улаш – ажратиш шартлари график усулда аниқланилади (1.1-расм). Графикда кам, ўрта ва йирик қувватли трансформаторларни алоҳида (1,2) ва паралел ишлаганда (3) келтирилган қувватнинг юкламага боғлиқлиги кўрсатилган.

Чизиқларни кесишигандан жойлари самарали режимларни кўрсатади. I – бўлимда кам қувватли, II – йирик қувватли трансформаторни уланиш, III – икала трансформаторни параллел ишлатиш режимларини кўрсатади. Бунда барча оралиқларда қувватлар исрофи минимал бўлиб қолади.



1-расм. Куч трансформаторларнинг алоҳида (1,2) ва параллел (3) ишлаганида улардаги қувват исрофи.

Электр ускуналарни юкланиши бўйича танлаш

Кўпчилик электр ускуналар нотекис юкланиши билан ишлаб туради. Масалан қишлоқ ва сув хўжалигидаги 30% электр юритмалар ўзгарувчан юкламага, 20% эса тез ўзгарувчи юкламага эга. Қишлоқ трансформатор пунктларида юкламанинг ўртача қийматидан оғиши $\pm 50\%$ гача ташкил қиласиди. Уларда юклама сутка давомида ва йил бўйича ўзгариб туради. Бундай шароитда трансформаторлар қувватидан тўлароқ фойдаланиш учун уларни ортиқча юкланиш имкониятлари ўрганиб чиқилиб, маълум даражада ва маълум бир муддатларга ортиқча юклаб ишлатилади. Ортиқча юкланиш даражаси деб электр ускунанинг хизмат муддати қисқармаган ҳолда қисқа муддатга маълум бир даражагача ортиқча юкланиб ишлай оладиган микдорига тушунилади. Ортиқча юкланиш даражаси маълум бир муҳит шароитига (ҳароратга) ва маълум бир муддатга белгиланади.


Электр ускуналарнинг юкланиш имконияти ҳисобларида изоляциясининг қизиб емирилиш шароитлари асос бўлади. Юқори ҳарорат ва бошқа физик – кимёвий омиллар таъсирида вақт ўтган сари изоляциянинг

холати ёмонлашади. Унинг эластиклиги йўқолади, ёрилади, симдан ажралиб қолади. Электр мустаҳкамлиги сақлансада механик таъсирларга чидамсиз бўлиб қолади. Симнинг қизиб кенгайиши, тиратиш натижасида емирилади, бу жараён изоляциянинг эскириши дейилади. Эскириш тезлиги ҳароратга, умумий емирилиш даражаси юқори ҳароратни таъсир этиш вақтига боғлиқ бўлади. Тажрибалардан аниқланганки, ҳароратнинг ҳар га ортиши изоляция хизмат муддатини 2 баробарга камайтиради. Агар электр ускуналар тўлиқ юкланмай ишлаб турса, унинг изоляциясининг емирилиши секинлашади, хизмат – муддати ортади, ортиқча юкланиш имконияти ортади. Шу юкланиш резервини ҳисобга олиб электр ускунани юклаш ва хизмат муддатида қувватидан тўлиқ фойдаланиш мумкин, бунда электр ускуналарни меъёрий хизмат муддати сақланиб қолади.

Электр ускунанинг ортиқча юкланишида ҳароратининг ортиши унинг қизиш доимийсига боғлиқ бўлади ва охир оқибатда ортиқча юкланиш даражасини белгилайди. Қишлоқ ва сув хўжалигига ишлаб турган асинхрон моторларнинг қизиш доимийси унча катта бўлмайди. (20 мин) ва ортиқча юкланишга чидамлилиги паст бўлади. Сувда чўкиб ишловчи моторлар ортиқча юкланишга чидамли бўлади, уларда қизиш доимийси юқори бўлади. Бу уларни ростлашда ҳисобга олинади.

Куч трансформаторларида қизиш вақти доимийси бир неча соат бўлади ва тез – тез ортиқча (қизиб) юкланиб ишлай олади. 1.2–расмда куч трансформаторларини ортиқча юкланишини аниқловчи графиклар келтирилган.

1 – 1 соат, 2 – 2 с., 3 – 4 с., 4 – 6 с., 5 – 8 с., 6 – 24 с., ортиқча юкланишда трансформаторларни ортиқча юкланиши. Абцисса ўқида θ – коэффициент микдори қўйилган бўлиб у кутилган ортиқча **max** юкланишигача юкланиш даражасини курсатади. $\theta_{\text{н}}$ – ортиқча юкланиш коэффициенти **max** вақтдаги юкланишни кўрсатади. Зўриқиб юкланиб ишлаш имкониятини аниқлаш учун аввал керакли эгри чизикни танлаб олинади. Кейин абцисса ўқига юкланиш даражаси қўйиб эгри чизиққача перпендикуляр чикарилади. Кесишган нуқта максимум юкланишнинг кутилаётган муддатини кўрсатади.



2-расм. Турли хил зўриқиши муддатларида трансформаторларни ортиқча юкланиш эгри чизиқлари. 1-1соат; 2-2соат; 3-4соат; 4-6соат; 5-8соат; 6-24соат.

Авария режимларда электр энергия таъминотида узлуксизликни таъминлаш учун куч трансформаторини ортиқча юкланиш даражаси 1.3-жадвалда келтирилган.

6-10/0,4 кВ трансформатор подстанцияларида руҳсат этилган аварияли ортиқча юкланиш коэффициентлари

Т.р.	Юклама тури	Мавсум ўртacha ҳарорат, °C	Аварияли ортиқча юклама ўртacha коэффициенти	Ҳарорат градиенти
1	2	3	4	5
1	Коммунал-маишӣ	қишиш (-10)	1,79	0,78
2	Ишлаб чиқариш истеъ-молчилари уланган	қишиш (-10)	1,74	0,77
3	Аралаш	қишиш (-10)	1,68	0,73
4	Товуқ фермаси	қишиш (-10)	1,61	0,76
5	Сут товар фермаси	қишиш (-10)	1,63	0,68
6	Чўчқа боқишиш фермаси	қишиш (-10)	1,55	0,55
7	Иссикхона	Баҳорги (5)	1,40	1,00
8	Дон пункти	Ёзги (30)	1,36	1,00

2.Химоя воситалари, сим ва кабелларини танлаш.

Очиқ симларни қизиши бўйича рухсат этилган юкланишлари

Симлардан электр ток ўтаётганда улардан иссиқлик ажралади ва унинг микдори Жоул- Ленц қонуни формуласи билан ҳисобланади:

$$Q = I^2 \cdot r \cdot t, \quad (1)$$

бу ерда: Q – симда ҳосил бўлган иссиқлик Втс (Ж); I – симдан ўтаётган токнинг кучи (А); r – симнинг актив қаршилиги (Ом); t – токни ўтиб туриш вақти (сек)

Ток ўтаётган сим қизиб боради ва бир вақтда иссиқлик сим юзасидан ҳавога узатилади. Симдаги ҳосил бўлаётган иссиқлик унинг юзасидан ҳавога узатилаётган иссиқлик билан тенглашганда симнинг иссиқлиги ҳарорати ошиши тўхтайди. Симлардан ўтаётган ток қиймати ўзгармаса-да, ташқи муҳит таъсирида (шамол, ёмғир ва бошқалар) унинг қизиши даражаси ўзгариши мумкин.

Юқоридаги жараёнлар изоляция қилинган симлар ва кабеллар ҳавода ва кабел каналида, биноларда ёки бино чердакларида ўтказилган ҳоллар учун ҳам тааллуқлидир. Ерга ётқизилган кабеллар ёки изоляцияланган симлар шувоқ остида ётқизилган бўлса, совиш даражаси ер ёки деворнинг иссиқлик ўтказувчанилигига боғлиқ бўлади. Симнинг қизиши белгиланган ҳарорат даражасидан ошмаслиги керак. Ушбу шартнинг бажарилиши сим юзасини ҳисоблашда инобатга олинади. Ҳаво линияларида очиқ симлар учун максимал қизиши ҳарорати $+70^{\circ}\text{C}$ дан ошмаслиги керак. Белгиланган ҳароратдан ошибб кетиши симларни бир-бири билан уланган жойларида оксидланиш жараёнини жадаллашуви натижасида қаршилигини ошишига ва бунинг оқибатида оксидланган контактлар ва қисмларнинг қизиб кетиши симлар уланган жойлар узилишига олиб келади. Бинолар ичida тортилган очиқ симларнинг ҳам қизиши даражаси $+70^{\circ}\text{C}$ ошмаслиги керак. Акс ҳолда ушбу ҳолат ёнфинга олиб келиши мумкин. Ундан ташқари симларга ўтирган чангларнинг парчаланиш таъсирида ёқимсиз ҳидлар ҳосил бўлади.

Ҳаво электр тармоқлари учун симларни ҳисоблашда атроф муҳит ҳарорати ҳисобга олиниши керак. Ташқи муҳит ҳарорати одатда $+25^{\circ}\text{C}$ деб қабул қилинади. Ички электр тармоқлар учун симларни ҳисоблашда бино ичida ўртача ҳарорат $+15^{\circ}\text{C}$ этиб қабул қилинади.

Симнинг қизиган юзасидан иссиқлик ташқи муҳитга конвектив узатилади ва унинг қиймати Ньютон формуласи билан топилади:

$$Q^1 = \alpha S(t - t_o)\tau, \quad (2)$$

бу ерда: α – сим юзасининг иссиқлик бериси коэффициенти, ($\text{Вт}/\text{см}^2$); S – сим юзаси (см^2); t – сим ҳарорати, ($^{\circ}\text{C}$); t_o – сим атрофидаги ҳаво ҳарорати, ($^{\circ}\text{C}$); τ – вақт, (сек).

Симда ҳосил бўлган иссиқлик Q (Жоуль) ташқи муҳитга узатилаётган иссиқлик Q^1 билан тенглашганда, унинг ҳарорати ошиши тўхтаб, турғун бир даражада ўзгармасдан сақланади.

(2.1) ва (2.2) формуаларнинг чап томонларидағи иссиқлик миқдори тенглигини ҳисобга олиб, ўнг томонларидағи ифодаларни ҳам тенг деб қабул қилиб қўйидаги тенгламани ёзамиш:

$$I^2 \cdot r \cdot t = \alpha \cdot S(t - t_0) \cdot \tau, \quad (3)$$

Ушбу тенгламадан симдан ўтаётган ток қийматини топамиш:

$$I^2 = \frac{\alpha S(t - t_0)}{r} \quad (4) \quad \text{ёки} \quad I = \sqrt{\frac{\alpha S(t - t_0)}{r}} \quad (5)$$

(2.5) формула ёрдамида изоляцияланган очик симнинг материали, актив қаршилиги, юза майдони, ташқи муҳит температураси ҳамда сим юзасидан иссиқликни атроф муҳитга узатилишини ифодаловчи иссиқлик узатиш коэффициенти α маълум бўлса, симдан ўтадиган токнинг рухсат этилган қийматини топиш мумкин.

Амалда симнинг материали ва кўндаланг кесим юзаси (ёки диаметри) маълум бўлса, ундан оқиб ўтадиган юклама токи қиймати справочникларда (каталогларда) келтирилади. Каталогда келтирилган ток қиймати ташқи муҳит температураси $+25^\circ\text{C}$ ва симларнинг рухсат этилган қизиш температураси $+70^\circ\text{C}$ учун келтирилади.

Атроф муҳит температураси $+25^\circ\text{C}$ бошқа қийматга эга бўлганда симдан ўтадиган рухсат этилган юклама токи I^1 каталогдан қабул қилинган ток кучи I дан фарқ қиласди.

Ушбу фарқ қўйидаги нисбат орқали ифодаланади ва симни ҳарорать коэффициенти деб юритилади:

$$\frac{I^1}{I} = k_t, \quad (6)$$

бу ерда: I – материали ва диаметри маълум бўлган сим учун рухсат этилган юклама токи бўлиб, унинг қиймати атроф муҳит ҳарорати $+25^\circ\text{C}$ ва очик ҳавода ўрнатилган қизиш даражаси $+70^\circ\text{C}$ белгиланган ҳолат учун каталогдан қабул қилинади; I^1 – ташқи муҳит ҳарорати $t_0 = +25^\circ\text{C}$ тенг бўлганда рухсат этилган юклама токи; k_t – симнинг ҳарорат коэффициенти, (каталоглардан олинади ёки (6) тенглама ёрдамида ҳисобланади.)

Изоляцияланган симларнинг қизиши. Изоляция қилинган симларда иссиқлик алмашиб жараёни изоляцияланмаган симлардагига қараганда бир мунча секинроқ кечади. Чунки симдан ҳосил бўлган иссиқлик олдин изоляцияни қизитиб, ундан кейин конвекция усилида ҳавога узатилади. Бошқача айтганда, иссиқлик узатувчаник симдаги ҳарорат олдин сим изоляцияси орқали унинг иссиқлик узатиш коэффициентига боғлиқ ҳолда унинг юзасига узатилади ва ундан кейин изоляция юзасидан конвектив усулда ҳавога узатилади. Симга рухсат этилган ток қўйидаги тенглама асосида аниқланади:

$$I = \frac{\pi}{2} \sqrt{\alpha d^3 L(t - t_0)}, \quad (7)$$

Бино ичидағи электр тармоқ учун ташқи мұхит ҳарорати бинолар ичидағи ҳаво ҳароратига тенг қабул қилинади. Одатда бу ҳарорат + 25°C деб қабул қилинади. Сим толасининг ҳарорати t унинг устидаги изоляция материалыга ва қалинлигига боғлиқ бўлади.

Резина ёки хлорвинил материал билан қопланган симлар учун рухсат этилган қизиш температураси $t_k = +55^\circ\text{C}$. Иссиқликка чидамли резина материал билан изоляцияланган симлар учун эса $t_k = +65^\circ\text{C}$. Махсус изоляция материаллар билан (асбест ёки шиша) изоляцияланган симлар учун $t_k = 100 \div 120^\circ\text{C}$.

Изоляция симларнинг юклама токлари уларнинг конструктив тузилишига (изоляцияси материли ва қалинлигига) боғлиқ, чунки уларда қизиш ва совиши жараёнлари кечиши бунга бевосита боғлиқ.

Изоляцияланган симлар труба ичида ётқизилган бўлса, уларнинг совиши қийинлашади. Бинобарин, уларнинг рухсат этилган юклама токи очик ҳавода ўтказилган бир хил диаметрдаги симникidan кичик бўлади. Трубани ичидан иккита сим ўтказилса, уларнинг юклама токи тахминан 17%, учта симда 25% ва 4та сим ўтказилишида 33% га камайтирилади.

Бино ичидағи ҳарорат +25°C дан фарқ қиласа, юқорида қайд этилган ҳарорат коэффициенти k_t орқали юклама токларига керакли ўзгартириш киритилади. Масалан, ҳаво ҳарорати $t^l = +30^\circ\text{C}$ бўлганда симнинг температура коэффициенти қуйидагича ҳисобланади:

$$k_t = \frac{\sqrt{(t^l - t^0)}}{(t - t_0)} = \sqrt{\frac{55 - 25}{65 - 15}} = \sqrt{\frac{30}{40}} = 0,93.$$

k_t нинг қиймати каталогдан ҳам қабул қилиниши мумкин.

Кабелларнинг қизиши. Юклама токи ўтадиган кабелларнинг мис ёки алюминий толалари устидан қопланадиган изоляция механик ҳимоялаш қобиғи ва бошқа конструктив тузилишига қараб турлича бўлади ва уларнинг бир хил диаметрдаги толалари учун рухсат этилган юклама токлари ҳар хил бўлади. Бунинг сабаби кабел толасидан унинг ташқи қобиғигачан бўлган ҳар бир қатлам ва улар орасидаги ҳаво бўшлиғи иссиқликни кабел сиртига узатилишига турлича қаршилик кўрсатишидир. Ундан ташқари, ерга ётқизилган кабелларнинг қизиган толаларидан иссиқлик унинг қобиғлари орқали тупроқка узатилади ва узатилиш тезлиги (интенсивлиги) ер билан уни ётқизилган тупроқ оралиғидаги қатламнинг иссиқлик ўтказилишига қаршилигига боғлиқ. Иссиқлик ўтказиш иссиқлик занжири учун Ом қонуни формуласи орқали ифодаланади ва иссиқлик мувозанати тенгламаси билан ифодаланади:

$$n \cdot I^2 \cdot r = \frac{t - t_0}{R_{uz} + R_{kob} + R_{ep}} \quad (8)$$

бу ерда: n – кабел толалари сони; r – кабел толаси актив қаршилиги; t_0 – ернинг ҳарорати; t – кабел толаларини ҳарорати; R_{uz} – кабел

изоляциясининг иссиқлик қаршилиги; $R_{коб}$ – кабел қобиини иссиқлига қаршилиги; R_{ep} – кабел билан тупроқ оралигидаги қатламнинг иссиқлик узатишга қаршилиги.

1 метр узунлиқдаги кабел толаси солиширма электр ўтказувчанлиги (қаршилиги) ва иссиқлик қаршиликлари йифиндиси ўзгармас деб қабул қилиб, кабелнинг рухсат этилган токини қўйидаги формула билан ҳисоблаймиз:

$$I = C_k \sqrt{\gamma \cdot F(t - t_0) / n}, \quad (9)$$

$$\text{бу ерда: } C_k = \frac{1}{\sum R_{uc}}; \sum R_{uc} = R_{из} + R_{ep} + R_{коб}$$

Кабелларни юклама токи асосан толаларнинг кесим юзасига, ўтказувчанлигига, ҳароратлар фарқига ва толалар сонига боғлиқ бўлади.

Кабелларнинг токи рухсат этилган юкламалар учун қўйидаги шартлар асосида каталоглардан аниқланади:

а) атроф мухитнинг (ер) ҳарорати қилиб энг иссиқ ойнинг ўртача максимал ҳароратда 0,7 метр чуқурликдаги ҳарорати қабул қилинади.

б) кабел толасининг рухсат этилган максимал ҳарорати уларга оралиқ бериладиган кучланишга ҳам боғлиқ бўлиб 3 кВ гача; 6 кВ; 10 кВ ва 35кВ кучланишларда мос равища кабел толаси ҳарорати 80°C; 65°C; 60°C; 50°C бўлади.

в) ернинг 0,7 метр чуқурликдаги намлигини қумлоқ ерлар учун 9%, сариқ тупроқ ерлар учун 14% деб қабул қилинади.

Юқоридаги шартлар бўйича 3 кВдан 35 кВ гача кучланишдаги кабеллар учун рухсат этилган юклама токлари [6] адабиётдаги жадвалларда келтирилган.

Жадвалдаги белгиланган шартлар ўзгарса, у ҳолда жадвалдан олинган юклама токи қийматига тузатиш киритилади.

Масалан:

1) 0,7 метр чуқурликдаги тупроқ ҳарорати (t) жадвалда белгиланган ҳарорат $t_0 = +15^{\circ}\text{C}$ дан бошқа қийматга teng бўлса, юклама токини топиш учун ер ҳарорат коэффициенти k_t киритилади:

$$k_t = \frac{t - t_0}{t - 15^{\circ}\text{C}};$$

2) битта траншеяга бир нечта кабел ётқизилса, уларнинг оралиғига боғлиқ ҳолда, кабел толасидан ерга иссиқлик узатиш қийинлашади ва натижада кабел толаларини белгилангандан юқори даражада қизишига олиб келади. ЭУЎ талабларига асосан ерга ётқизиладиган кабеллар оралиғи 100 мм; 200 мм ва 300 мм га, рухсат этилади. Ушбу ороликларга мос равища кабеллар сонини ҳисобга оловчи коэффициент k_n қабул қилинади.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб кабеллар учун рухсат этилган юклама токини қўйидаги формула билан ҳисобланади:

$$I^1 = k_n \cdot k_t \cdot I, \quad (10)$$

Кабел электр тармоғи учун юклама токи маълум бўлса, унда ушбу тенглама ёрдамида реал шароитда кабел толасидан ўтадиган токни ҳисоблаш ва ушбу ток бўйича каталогдан кабел толаси кесим юзасини аниқлаш мумкин:

$$I = \frac{I^1}{k_n k_t}, \quad (11)$$

Очиқ ҳавода жойлашган кабелларнинг, узок рухсат этилган юклама токи ерга ётқизилган кабелларга нисбатан 65-75 % кам бўлади. Чунки ҳавонинг иссиқлик узатиш шароити тупроқнидан камроқ ва ундан ташқари ҳаво температурасини ўртача $+25^{\circ}\text{C}$ эмас $+25^{\circ}\text{C}$ этиб қабул қилинади.

Сув ва кўлларда ётқизилган кабелларнинг рухсат этилган юклама токлари қиймати муаян кабеллар жадвалида келтирилган қийматига нисбатан + 30% каттароқ бўлади. Чунки сув ости ётқизилган кабелларнинг совиш шароити ҳавода ўтказилган ёки тупроққа ётқизилгандан анча яхши бўлади.

Сув температурасини ернигида тенг қилиб, $+15^{\circ}\text{C}$ деб қабул қилинади.

Сим ва кабелларни ҳимоялаш

Симдан (кабелдан) ўтаётган токнинг қиймати рухсат этилган қийматидан ошиб кетса, изоляциялар бузилишига ва симлар толалари эришига олиб келади. Бу эса ўз навбатида ёнғин ҳосил бўлиши, портлаш юзага келиши ва шунга ўхшаш хавфли ҳолат ва моддий зарар келтириши мумкин. Шунинг учун симларда рухсат этилганидан катта микдордаги токлар пайдо бўлса уларни манбадан автоматик узиб қўйиш зарур. Паст кучланишли хўжалик электр тармоқларида унча мураккаб бўлмаган ҳимоя воситаларидан фойдаланилади.

Эрувчан сақлагичларга қўйидаги талаблар қўйилади:

а) электр тармоқда белгиланган токдан маълум даражадан ортиқча ток пайдо бўлиши билан электр манбадан ажратиш;

б) қисқа туташув токлар юзага келиши заҳоти симларни электр манбадан узиш;

Сақлагичлар икки қисмдан: корпус ва унинг ичига жойлаштирилган эрувчан симдан иборат бўлади. Сақлагичнинг номинал токи эрувчан қисми максимал токи бўйича олинади.

Сақлагичларнинг эрувчан қисми қўйидаги токларга мўлжаллаб ишланган бўлади: 6, 10, 15, 20, 25, 35, 60, 80, 100, 125, 150, 160, 180, 200, 225, 250, 260, 280, 300, 350, 400, 500, 600, 700, 850 ва 1000 А.

Сақлагичларни эрувчан қисми қандай материалдан (рух, қўрғошин ва уларнинг қотишимлари) тайёрланганлигига қараб, инерцион ва ноинерцион турларга бўлинади. Инерцион сақлагичларнинг эрувчан қисми катта солиштирма қаршиликка эга бўлган материаллардан тайёрланади ва ортиқча юклама токлари юзага келганда, уларнинг эриш вақти ноинерцион сақлагичларнига нисбатан кўпроқни ташкил қиласи. Ноинерцион сақлагичларнинг эрувчан қисми кам солиштирма қаршиликка эга бўлган материаллардан (мисдан, кумушдан ёки уларнинг аралашмасидан) тайёрланади.

1-расмда инерцион ва ноинерцион эрувчан сақлагичларни ампер-секунд ҳарактеристикалари келтирилган.


Сақлагичлар конструктив тузилиши бўйича пробкасимон, патронли, трубкасимон бўлади. Сақлагичларнинг эрувчан қисми жойлашган трубканинг ичи кварц ёки қум билан тўлдирилади (айрим ҳолларда тўлдирилмайди).

Сақлагичлар қуидаги кўрсаткичлар билан ҳарактерланади:

I_h номинал ток (бу ток таъсирида сақлагичнинг эрувчан қисми узоқ вақт давомида эримасдан $60-70^{\circ}\text{C}$ дан юқори бўлмаган даражада ишлайди).

$I_{\text{син}.min}$ минимал синов токи (бу ток ўтаётганда эрувчан қуйма 1-2 соат давомида эриб тушмасдан туради).

$I_{\text{син}.max}$ максимал синов токи (бу ток ўтаётганда 1-2 соат ичидан эрувчан қуйманинг элементи эриб тушади).



3-расм. Инерцион ва ноинерцион эрувчан сақлагичларнинг ҳарактеристикалари.

Эрувчан сақлагичларнинг синов ва номинал токлар ўзаро боғлиқлиги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвали. Синов ва номинал токларнинг ўзаро боғланиши

	Эрувчан элементининг номинал токи (A)	Синов ўтказиладиган вақт (соат)	Синов токи	
			$I_{\text{син}.min}$	$I_{\text{син}.max}$
Паст кучланишли	6-10	1	$1,5 I_h$	$2,1 I_h$
сақлаги ч	15 и 25	1	$1,4 I_h$	$1,75 I_h$
	35-350	1	$1,3 I_h$	$1,6 I_h$
	430-1000	2	$1,3 I_h$	$1,6 I_h$

Синов токининг минимал қиймати $I_{\text{син.мин}}$, бу чегаравий ток бўлиб, унинг таъсирида сақлагичнинг эрувчан элементи (қисми) эрий бошлайди ва узок вақт давом этади (1-расм, “а” нуқта)

Синов токи максималдан ошганда, эриш вақти қисқариб боради ва эриш вақтиниг қисқариши сақлагичнинг эрувчан элементи инерцион ёки ноинерцион характеристига боғлиқ.

Ноинерцион сақлагичнинг характеристикасига кўра унинг элементидан икки ярим баробар номинал ток ($2,5I_n$) оқиб ўтганда эрувчан элемент 10 секунд давомида эриб тушади. Шу хусусияти асосида улар тайёрланади.

Электр тармоқларини ҳимояловчи техник восита – эрувчан сақлагичлар тармоққа уланган юкламаларнинг турларини инобатга олган ҳолда танланади:

- ишга тушиш ва ишлаш давомида токлари ўзгармайдиган юкламалар (ёритиш лампалари, фаза роторли электр моторлар ва бошқалар) учун танланаётган сақлагичнинг ишлаш токи юклама токидан катта ёки унга тенг бўлиши керак:

$$I_c \geq I_{io}. \quad (12)$$

- қисқа туташтирилган роторли асинхрон электр моторлар уланган электр тармоқ учун сақлагич танлагандага моторни ишга (10 секунд ичида) тушириш токи ($I_{ish.tush.}$) номинал токка нисбатан $5 - 7,5$ баробор катта бўлиши инобатга олиниши керак:

$$I_n \geq \frac{I_{ish.tush.}}{\lambda}, \quad (13)$$

бу тенгламада λ асинхрон моторни ишга тушиш шароитини инобатга олувчи коэффициент бўлиб, унинг қиймати ҳар доим бирдан катта бўлади ($\lambda > 1$).

Номинал ёки ишга тушиш токлар бўйича сақлагичларнинг токларини танлаш. Бир нечта электр моторлар уланган магистрал линияни ҳимоя қилиш учун эрувчан сақлагич иккита шарт бўйича қабул қилинади:

Биринчидан, сақлагичнинг эрувчан қисми электр тармоғига уланган барча электрмоторлар ва бошқа юкламалар номинал токлари йиғиндинини қўтара олиши керак, яъни:

$$I_c \geq \sum_1^n I_n. \quad (14)$$

Иккинчидан, энг катта қувватли қисқа туташтирилган роторли асинхрон моторни ишга тушириш токини ва қолган истеъмолчиларни ишлаб турган деб қабул қилиб, уларнинг номинал токлари йиғиндинини қўтара олиши керак:

$$I_c \geq \sum_1^n I_n + \frac{I_{ish.tush.}}{\lambda}. \quad (15)$$

Шу (2.14) ёки (2.15) ифода асосида топилган токларнинг қайси бири катта бўлиб чиқса, шуни асосида сақлагич қабул қилинади.

Ўрнатилган сақлагичларга боғлиқ бўлган кабел ва симларнинг кесим юзасини аниқлаш қийматлари 2-жадвалда келтирилган.

2.- жадвал. Сақлагичларга боғлиқ бўлган кабел ва симларнинг кесим юзасини аниқлаш.

Ишга тушириш шартлари	Сақлагичларнинг номинал токлари (A)
<p>Ўзгармас ток моторлар ва фаза роторли асинхрон моторлар:</p> <p>а) узок мудатли ўзгармас юкламали б) қисқа мудатли такрорланувчи ўзгармас юкламали ($\Pi.B=25\%$)</p>	$I_c=I_{nom}$ $I_c=1,25 I_{nom}$
<p>Қисқа туташган асинхрон роторли моторлар:</p> <p>а) пасайтирилган кучланиш орқали ишга тушириш (статор чулғамларини алмаштириш, автотрансформоторлар орқали ва б.у.) б) салт ҳолатда ёки кам юкланган ҳолда, тўлиқ кучланишда ишга туширишда в) қисқа мудатли такрорланувчи ўзгармас юкламарежимида ($\Pi.B25\%$) г) энг оғир ишга тушиш шароитда (тўлиқ юклама билан ишга тушириш шароит)</p>	$I_c=I_{i.t}/3,5$ $I_c=I_{i.t},2,5$ $I_c=I_{i.t}/2$ $I_c=I_{i.t}/1,6$

Сим ва кабелларнинг кесим юзасини қизиш бўйича рухсат этилган токдан (I_{pyx}) ошмаслик шарти асосида сақлагичлар токи бўйича аниқлаш мумкин. Сақлагичлар қисқа туташув токлардан ёки ортиқча юклама токлардан ҳимоя қилинишига қараб қўйидагicha аниқланади:

Ортиқча юклама токлардан ҳимоя қилинганда:

$$I_{pyx} > 1,25 I_c \text{ ёки } I_c < 0,8 I_{pyx} \quad (16)$$

Қисқа туташув токлардан ҳимоя қилишда:

$$I_{pyx} > 0,33 I_c \text{ ёки } I_c < 3 I_{pyx} \quad (17)$$

Ички электр тармоқлар ҳимояси учун сақлагичлар ўрнига автоматик узгичлардан фойдаланиш мумкин. Автоматик узгичлар ортиқча юклама токи ва қисқа туташув токидан ҳимоялайди. Автоматик узгичларда иссиқлик узгичи ортиқча юклама токидан, электромагнит узгич эса қисқа туташув токидан ҳимоялайди.

Қисқа туташув токидан ҳимоя қилишда, иссиқлик узгичли автомат учун $I_{pyx} > I_{avt}/1,5$, электромагнит узгичли автомат учун $I_{pyx} = I_{avt}/4,5$

Бу ерда: I_{avt} –автоматларни ишлаш токлари.

Сим ва кабелларни ҳимоялашга оид масалалар

Электр ускуналарга ҳимоя воситаларини танлаш

Қишлоқ ва сув хўжалигидаги электр юритмалар эксплуатациясида турли аварияли ҳолатлар юзага келади; жумладан технологик ортиқча юкланиш, тўлиқсиз фазада қолиши ва фазалар носиметрияси, роторни сиқилиб қолиши, совитиш шароитини ёмонлашуви, изоляциясининг намланиши ва бошқалар. Бу авария ҳолатларда электр ускуналар (мотор) ишдан чиқмаслиги учун у ишончли ҳимоя қилиниши ва тармоқдан ўз вақтида ажратилиши зарур. Электр моторларнинг технологик ортиқча юкланиши деб технологик машиналарнинг қаршилик моменти ёки тезлиги ўзгариши оқибатида моторларда ортиқча ток бўлишига айтилади. Бу ҳолда моторлар қизиб ишлайди, изоляцияси ортиқча қизишдан эскиради, ўзининг изоляцияловчи хусусиятларини йўқотади, эластиклиги кетади, секин аста емирилади ва яроқсиз ҳолга келади. Тўлиқсиз фазада ишлаш режими бирор фазаси узилганда, ёки эрувчи сақлагич эриб кетганда, уланиш жойларида носозликлар бўлганда юзага келади. Бу ҳолда фазалар орасида ток ва кучланишлар қайта тақсимланади, мотор тез ишдан чиқади, ишлаб турсада, у қизиб кетади. Тўлиқсиз фазада иш режимига айниқса кам ва ўрта қувватли моторлар сезгир бўлади. Масалан $P = 20 \text{ кВт}$ ли моторлар учун ортиқча юкланиш 50% бўлганда хавфли бўлса, $P = 20 \text{ кВт}$ қувватли моторларда 25% ортиқча юкланиш хавфли режимлардан ҳисобланади. Мотор бу ҳолда қисқа туташув режимида қолади. Мотор тезда куйиб кетади, чунки чулғамлардан $(5 - 7) I_n$ токи оғади. 10-15 сек. да мотор ҳарорати руҳсат берилган қийматидан ортиб кетади. Кичик ва ўрта қувватли моторлада қизиш доимийси кичик бўлади ва роторнинг тўхтаб қолиши катта хавф туғдиради.

Ҳимоя воситаларига қўйиладиган асосий талаб шундан иборатки, улар электр моторни турли нонормал ва авария режимларида қизишига йўл қўймасликлари, тармоқни ўз вақтида ажратишлари лозим. Ҳимоя воситаси моторни ортиқча юкланишида унинг қувватидан тўлароқ фойдаланиш имкониятини бериши, яъни руҳсат берилган ҳароратга яқин ҳароратда ишга тушиши зарур. Қисқа муддатли ортиқча юкланиш режимларида эса мотор ишончли ишлаб туриши лозим. Шу билан бирга ҳимоя воситалари ўта юқори юкланишларда моторни тармоғдан ўз вақтида, тез ажратиши ва тез совиб яна қайта ишга туширилишига тайёр бўлиб туриши лозим. Улар қишлоқ ва сув хўжалиги шароитларида ишончли ишлаб туришлари, фойдаланишга қулай бўлишлари, турли режимларда универсал бўлишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Бизга ҳимоя воситаларининг қўплаб турлари маълум. Улар вазифасига кўра уч гурухга бўлинади.

1. Махсус ҳимоя воситалари, маълум бир кўрсаткич бўйича ишга тушади, бирор хил авария режимидан ҳимоя қиласди.

Бу курилмаларга ЕЛ – 8, ЕЛ-10, Е – 511, РОФ, РНФ киради, улар тўлиқсиз фазада ёки фазалар носимметриясидан ҳимоя қиласди.

Сақловчи муфталар – роторни тўхтаб қолишидан ҳимоя қиласди.

ЗОУП, РУД – изоляция қаршилиги меъёрдан пасайиб кетганда тармоғни ажратади.

2. Универсал воситалар бир неча авария режимларидан ҳимоя қилади. Бунда моторнинг бирор бир катталиги, масалан ток бўйича назорат қилиниши мумкин. бу гурух воситаларига РТТ, РТЛ, ТРН, ТРА – иссиқлик релелари, УВТЗ, ФУЗ ва бошқа қизишдан ҳимоя воситалари.

3. Учинчи гурух ҳимоя воситалари комплекс ҳимоя воситалари киради, улар барча авария режимларида электр моторларни ҳимоя қилади, бир неча кўрсаткичлар бўйича ишга тушиши мумкин. Бу гурухга УЗ – 1, ШЭП – 5802 бошқариш станцияси «КАСКАД» ва бошқалар киради. Назорат қилинаётган катталика қараб, барча ҳимоя воситалари бўлиши мумкин ток, иссиқлик, ҳарорат, фазавий, кучланиш ва комплексли бўлади.

Ҳимоя воситаларини техник кўрсаткичлар бўйича танлаш. Ҳимоя воситасини танлаш учун авария режим структурасини аниқлаш керак. Авария режимидаги энг муҳим кўрсаткични белгилаб олиб, конкрет электр куч курилмасининг катталиклари ва қийматлари бўйича ҳимоя воситасининг ишга тушиш ҳолати (уставка) аниқланилади. Изланишлар натижасида ҳар бир ҳимоя воситасининг самарали фойдаланиш оралиқлари белгиланган. Нисбатан доимий, кам ўзгарувчи юкламили электр моторларда иссиқлик релеси тавсия қилинади. Доимий юкланишли моторлар учун фаза ўзгаришларига сезгир ҳимоя воситалари ўрнатилади (насос, вентиляторлар учун) (3-жадвал).

3-жадвал. Агросаноат мажмуасида турли технологик машиналар электр юритмалари учун қуйидаги ҳимоя воситаларитавсия этилади

Т.р.	Корхона, объект номи	Иш машинасининг номланиши	Электр мотор куввати Р, кВт	Тавсия этиладиган ҳимоя воситаси
1	Чорвачилик фермаларда	Озуқа тарқатиш ва гўнг тозалаш транспортёрлари	P< 1,1 P> 1,1	РТЛ, РТТ ФУЗ-М, УВТЗ-1М
		Минорасиз сув насослари	P< 1,1 P> 1,1	РТЛ, РТТ ФУЗ-М
		Минорали сув насослари	P> 11 P< 11	РТЛ, ТРН, РТТ ФУЗ-М
		Вентилятор, электрокалорифер	P< 4 4 <P< 11 P> 11	РТЛ, ТРН, РТТ РТЛ, РТТ ФУЗ-М
		Вакуум насоси	ҳар қандай	РТЛ, РТТ, ФУЗ-М
2	Озуқа цехи, очиқ майдонлар	Транспортёр	P< 1,1 P> 1,1	РТЛ, РТТ, ФУЗ-М УВТЗ-1М

		Озуқа майдалагич, эзгич, аралаштиригич	ҳар қандай	УВТЗ-1М
3	Парник, иссиқхона	Насос	P< 1,1 P> 1,1	РТЛ, РТТ ФУЗ-М
		Тупроққа ишлоу бериш машиналари	P< 1,1 P> 1,1	РТЛ, РТТ ФУЗ-М
4	Товук фермаси, инкубатор	Транспортёр	P< 1,1 P> 1,1	РТЛ, РТТ, ФУЗ-М УВТЗ-1М
		Вентилятор	P> 1,1 P< 1,1	РТЛ, РТТ ФУЗ-М
5	Хўжалик хусусий суғориш насослари	Насос, жумладан сув остида ишловчи	P< 1,1 P> 1,1	РТЛ, РТТ ФУЗ-М

Автоматик узгичлар ва сақлагичлар.

Электр ускуналарни ҳимоя тармоқларида пробкали (бир қутбли резбали) ва трубкали сақлагичлар ишлатилади. Сақлагичлар ва автоматлар учунқуйидаги номинал катталиклар характерлидир:

- Номинал кучланиш $U_{н.пр.}$ ($U_{н.а.}$) шу аппаратда белгиланади, корпусига ёзиб қўйилади ва бу қиймат занжирнинг максимал кучланишига мос келади.
- Номинал ток $U_{н.пр.}$ ($I_{н.а.}$) сақлагич ёки автоматда кўрсатилган бўлиб шу аппаратнинг энг катта токли элементи токига teng бўлади. Сақлагичлар учун масалан номинал ток бу энг катта эриб кетувчи элементи токига мос келади.
- Эриб кетувчи қуйманинг номинал токи ($I_{н.вст.}$) бу токда шу элемент узоқ муддат эримай туради, бу ерда $I_{t_{\text{изд}} \geq t_{\text{занжир}}}$ бўлади.
- Маълум кучланишда энг катта ажратиладиган ток ($I_{н.пред.}$) бу сақлагич ёки автоматнинг ишончли ишлай оладиган энг катта токи бўлиб уни шу аппарат шикастламай узиши керак.

$I_{н.а.}$ – автоматнинг ток ўтказувчи қисмлари ҳисобланган ток катталиги бўлиб унинг қиймати шу автомат узгичининг (расцепитель) энг катта қийматига мос келади.

$I_{н.эл.м.}$ ($I_{н.тепл.}$, $I_{н.комб.}$) – автоматнинг узгич номинал токлари. Автомат узгичларининг узоқ муддат ишга тушмай ишлайдиган энг катта ток микдори.

$I_{н.эл.тепл.уст.}$ – иссиқлик узгичининг ўрнатилган номинал токи. Иссиқлик узгичи созланган ток, бу ток қийматида реле узоқ муддат ишлаб туради ва занжирни ажратмайди.

$I_{t_{\text{изд.зате}} \geq t_{\text{занжир}}} = (0,6...1)I_{t_{\text{зате}}}$ агар автомерда созлаш механизми бўлса.

$I_{t_{\text{изд.зате}} \geq t_{\text{занжир}}} = I_{t_{\text{зате}}}$ созлаш механизми бўлмаган автоматлар учун.

Іср.эл.м., Іср.теп. – электр магнит ёки иссиқлик узгичларнинг ишга тушиши токи (занжир ажратиш). Бу узгичлар ишга тушадиган энг кам ток миқдори.

$I_{\text{дак.ж}} = (7 \dots 15)I_{\text{н.т.и}}$ - электр магнитли ёки аралаш узгили автоматлар учун.

$I_{\text{дак.ж.дай}} = (1.25 \dots 1.45)I_{\text{дак.ж}}$ - иссиқлик узгичли автоматлар учун агар ўрнатилган ток ростланмаса.

$I_{\text{дак.ж.дай}} = (1.25 \dots 1.35)I_{\text{дак.ж}}$ - иссиқлик узгичли автоматлар учун агар ростланса.

Сақлагичлар энг тарқалган ҳимоя воситаси бўлиб, жуда содда кўринишга эга. Улар қисқа туташув токидан ва анча ортиқча бўлган зўриқов токидан электр ускуналарни ҳимоя қиласди.

Эрувчи элементи қўрошин ёки унинг қотишмаларидан тайёрланган бўлиб паст эриш температурасига эга. Бундан ташқари улар иссиқлик инерциясига эга, чунки қўрошин катта иссиқлик сифимиға эгадир. Натижада қисқа муддатга занжирда зўриқиши ҳосил бўлса, сақлагич эриб кетмайди ва занжирни узмайди. Лекин катта токларни узишда сақлагич эриб катта металл бўлакчалари сачрайди чунки сақлагич ток ошган сайин катта кўндаланг кесим юзага эга бўлади. Шунинг учун катта токларда сақлагич мис ёки кўмири ўрнатмаларга эга бўлади.

Сақлагичларнинг энг асосий характеристикаси ампер-секунд характеристикасидир. АСХ эрувчи ўрнатманинг эриш вақтини зажин токи билан боғлиқлик функциясидир.

К/х электр ускуналарини ишга тушириш ва ҳимоялашда АП-50, АК-63, АЗ-700, АЗ-100 ва бошқа типдаги автомат узгичлар ишлатиляпти, улар иссиқлик, электр майдон ёки аралаш узгичли бўлиши мумкин.

Автоматлар қуйидаги қийматларга эга:

- Электр куч қуриламалари тўлиқсиз фазада ишламайди, 3-ла фаза бирдан ажралади.
- Электр ускуналарнинг туриб қолиш вақти камаяди, чунки улар тез қайта уланиш имкониятига эга.
- АСХси ҳимояланувчи электр ускуналарга кўпроқ мос келади.

Сақлагичларни танлаш:

А) Ёритиш тармоқларини қ.т.токидан ҳимоя қилишда;

Сақлагичнинг номинал токи истеъмолчилар иш токидан кам бўлмаслиги керак ёки $I_{\text{н.в.}} \geq I_p$.

Яна эрувчи сақлагичнинг номинал токи занжирнинг чегара токи билан қуйидагичабоғлиқликда бўлиши керак $I_{\text{н.вст.}} \leq 0.8 I_{\text{доп.}}$.

Б) Куч электр тармоқларини ҳимоя қилишда:

$$I_{t.a.} \geq \frac{I_{i\ddot{o}\tilde{n}}}{\alpha}$$

а-коэф. Электр двигателни юргизиб юбориш шароити билан аниқланади:

($t_n=5\dots10$ с.) $\alpha=2.5$ нормал шароитлар учун

$\alpha=1.6\dots2$ оғир ишга тушиш холати учун ёки $t_n=10\dots40$ сек. тез-тез ишга туширилиб турилади.

Агар сақлагиң бир неча мотор учун ўрнатилган бўлса

$$I_{t.a.} \succ \sum_{i=1}^{n-1} I_{e\ddot{e}\tilde{n}} + \frac{I_{\phi.\delta\phi.i}}{\alpha}$$

Автоматик ажратгичларни танлаш.

Ёритиш ва куч тармоқлари учун автомат танлашда қуйидаги шартлар бажарилиши керак:

$I_{n.tepl.rascl.} \geq I_p$. – иссиқлик ажратувчи номинал токи ҳисобланган токдан кам бўлмасин.

$I_{n.em.rascl.} \geq I_p$. – электр магнит ажратгич номинал токи ҳисобланган токдан кам бўлмасин.

Автомат бевақт тармоқни узиб қўймаслиги учун уни яна қуйидаги шартларга кўра текшириб кўрилади:

$I_{cr.em.p.} \geq K_m I_{max}$.

$I_{cr.tepl.p.} \geq K_p I_p$.

Бу ерда $I_{max}=I_{pus}$ – агар 1 электр мотор уланган бўлса

$$I_{max} = (\sum_{i=1}^{n-1} I_p + I_{n.t.a.}) \text{ агар электр моторлар бир нечта бўлса.}$$

$\hat{E}_i = 1,25\dots1,5$ } max токни аниқлашда бўлиши мумкин бўлган
 $\hat{E}_d = 1,25$

хатоликларни ҳисобга олиш коэффициенти.

Электр тармоқ симларини зўриқиши токидан ҳимоя қилиш учун автоматнинг иссиқлик сақлагиҷи токи тармоқ сими ёки кабелини чегараланган токи миқдоридан кам бўлмоғи керак:

$I_{n.tepl.p.} \leq I_{dop.}$

Агар куч тармоқларини фақат эриб кетувчи сақлагиҷлар билан ҳимоя қилинаётган бўлса ёки фақат автоматлар бўлса (ЭМ сақлагиҷли) тармоқ қизимаслиги учун қуйидаги шароитлар бажарилмоғи керак:

$I_{n.vst.} \leq 3 I_{dop.}$

$I_{n.em.p.} \leq 4.5 I_{dop.}$

Автоматлар ёки эрувчи сақлагиҷлар қ.т.да ўз вақтида тоармоқни узиши учун ва электр ускуналарни ишончли ҳимоя қилиш учун электр тармоқнинг манбаадан (ёки ҳимоя воситасидан)энг узоқда жойлашган истеъмолчиси учун занжир қаршилигини қўшиб қ.т. токи ҳисобланиши керак ва шу истеъмолчи ва тармоқ учун шартлар текшириб кўрилиши керак.

Қ /хда электр тармоқлар қ.т.т.дан кўпинча эриб кетувчи сақлагичлар билан ҳимоя қилинади. Лекин амалда сақлагичлар электр моторларни ишончли сақлай олмайдилар, қ.т. токидан ҳам. Чунки сақлагичлар қатор камчиликларга эгадирлар:

1. Сақлагичлар ишончли ишлайдилар чунки уларнинг характеристикалари ўзгариб туради.

2. Бундан ташқари уларнинг эскириши натижасида эксплуатация давомида кўрсаткичлари ўзгаради.

Қ /х кўпинча эрувчи элементи нотўғри танланади ёки симлар ўраб қўйилади, бу эса электр ускуналарни аварияга олиб келади.

Электр моторни зўриқиш токидан ҳимоя қилиш учун иссиқлик сақлагичли магнит пускателлар ишлатилади. Реленинг қиздириш элементи ток занжирининг куч тармоғига истеъмолчи билан кетма кет уланади. Тармоқни узувчи ажralувчи контактлари бошқариш схемасига уланади. Бунда иссиқлик релеси электр моторни ҳарқандай зўриқишидан жумладан тўлиқсиз фазада ишлашидан ва ишга тушмай қолишидан ҳимоя қилиши керак. Лекин бу ҳимоя ишончли бўлиши учун ҳимоя воситаси қиздириш элементи тўғри ростланган бўлиши керак.

Иссиқлик релеси қуйидагича ростланади:

1. Температурали ростловчисиз реле ўрнатилиш токи аниқланади:

$$N_1 = \frac{I_i - I_y}{CI_0}$$

Бу ерда: I_h – электр моторни номинал токи;

I_0 – иссиқлик релесининг қиздириш элементининг номинал токи.

$C=0.05$ – шкала коэффициенти.

2. Атроф мухит температурасини ҳисобга олиш коэффициенти ҳисобланади:

$$N_2 = \frac{\tau - 30}{10}$$

τ-атроф мухит иссиқлик даражаси, $^{\circ}\text{C}$. бу коэффициент атроф мухит нормасидан 10^0 $^{\circ}\text{C}$ дан кўпроқ фарқланса ҳисобга олинади ва реле қайта ростланади (ёзда, қишда).

3. Релели ростлагичи холати аниқланади:

$$N=N_1+N_2$$

Лекин агар электр мотор ва ҳимоя юргизиб юбориш воситалари турли иқлимли шароитда ўрнатилган бўлса, релени ростлаш қийинлашади.

Бе релеларни энг асосий камчилигидан шуки алар электр ускунани тўлиқсиз фазада ҳимоя қилмайди, ҳар қанча тўғри ростланган бўлса ҳам. Бундан ташқари иссиқлик релелари маълум бир инерцияга эга бўладилар. Энг кам инерцияга ТРН-10 релелари эга чунки уларнинг қиздирувчи чўлғами биметалл (қўшметалл) пластинқага бевосита ўралади. Кучлироқ релеларда (ТРН-25, ТРН-40) қиздириш элементли қўш металл пластинка билан ёнма-ён ўрнатилган улар орасидаги ҳаво бўшлиғи температурали инерциясини оширади.

ТРН-2 қутбели иссиқлик мувозанатловчили
ТРП-бир қутбели, иссиқлик мувозанатловчисиз уларни ишлаши атроф
мухит температурасига боғлиқ бўлади.

Реле характеристикалари уларни танлашда ва бошқа ҳимоя воситалари
 билан солиштиришда фойдаланилади.

Хар бир реле учун 2 та характеристикаси бор:

1. Совуқ холатдаги реле учун.

2. Иссиқ холати учун ёки қиздириш элементидан узоқ муддат номинал
ток оқиб ўтган ва биметалл пластинка ишчи холатига қизиган холати учун.

Характеристикалардан кўриниб турибдики реле қизиган холатда яхши
ишлайди, ўз вақтида ишга тушиб тармоғни ажратади.

Автоматларнинг иссиқлик расцепители (сақлагиҷи) зўриқишдан ҳимоя
қилиб худди иссиқлик релесидай ишлайди.

Қ.т. токидан автоматни электр магнит сақлагиҷи ҳимоя қиласи.

ВТЗ-ўрнатилган температуравий ҳимоя (электр моторлар учун).

Хар қандай авария режими электр мотор статорини қизишига олиб
келади. Нонормал режимлар ҳам (фаза узулиши, ортиқча юкланиши ва
бошқалар). Машинани қизишига олиб келади ва агар ҳимоя воситаси ишга
тушмаса статор чўлғамлари изоляцияси эскиради хатто куйиб кетади. Бу
холат бўлмаслиги учун демак машина статор чўлғамлари температураси
назорат қилиниши керак, бунда ҳимоя ишончли ишлайди ва машинани
ҳар қайнадай қизишида сақлайди. Иссиқлик релеси эса машинани фақат ток
микдори ортганда ажратади. Амалда машина бошқа (механик) носозлик ва
ифлосланишидан совитиш шароити ёмонланиши натижасида қизиши
мумкин. Статор чўлғамларини қизишини териорезисторлар ёрдамида назорат
қилиш мумкин. Термоэлементлар статор чўлғамига ўрнатилади шунинг учун
бундай ҳимоя ўрнатилган дейилади.

ВТЗ ўрнатилиши мумкин фақат заводда ёки капитал ремонтда.
Ўрнатилган ҳимоя воситаси электр ускуналарни хавфсизлик даражасини
камайтиради (чорва-фермаларида) восита нисбатан мураккаб ва маълум
маблағ талаб қиласи.

ФУЗ – фаза ўзгаришига сезгир ҳимоя (ФСХ).

Нормал режимда фазалар (A,B,C) орасида силжиш 1200 ни ташкил
қиласи, агар бирор фаза узилса 1800 гача ўзгарамади. Демак фазалар фарқи
назорат қилинса бундай авария режимидан электр моторни ҳимоя
қилишимиз мумкин (фаза узилиши). Бундай ҳимоя воситаси сифатида
Олинган натижалардан фойдаланиб шамол электр станция қувватини танлаш ва комплекс энергия таъминоти тизими структурасини тўғри асослаш мумкин.

Назорат саволлари

13. Қуёш ҳавзаларида қуёш энергиясини ютиш учун одатда қандай туз аралашмасидан фойдаланилади?
14. Қандай соҳада қуёш фотоэлектрик станция камроқ ишлатилади?.
15. Ер усти шароитларида кремнийли фотоэлектрик элементини типик Ф.И.К. нимага teng?
16. Шамол нима ҳисобига пайдо бўлади?
17. Конвектив қуёш қуритгичлари радиацион қуёш қуритгичларидан нимаси билан фарқ қиласи?
18. Қайси факторларга асосан гелиокурилма ўзини қоплайди?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ш.Мирзиёев. Эркин ва фаравон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, Ўзбекистон, 2016 й.56 б.
2. Ш.Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент, Ўзбекистон, 2017 й.48 б.
3. Ш.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлитши керак.(Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтиосодий дастурнинг энг муҳим устувор йўнналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидағи маъруза) Тошкент, Ўзбекистон, 2017 й.104 б.
4. Ш.Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент, Ўзбекистон, 2017 й. 488 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ти ПФ-4947 сон Фармони. Ўзбекистон республикаси қонун хужжатларитўплами, 2017 й., 6-сон.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013-2017 йиллар даврида сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилано фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ1958-сонли қарори. Тошкент. 2013 йил 29 апрел.
7. А.А. Федоров, Л.Е. Стракова – Учебное пособие для курсового и дипломного проектирования. Москва. Энергоатомиздат 1997г.369с.
8. А. Раджабов, И.Ж. Тошев. Қишлоқ хўжалиги электр таъминоти. -Т., “Iqtisod-Moliya”, 2010 йил, 178 б.
9. Воронин С.М. Возобновляемые источники энергии и энергосбережение. / Воронин С.М., Оськин С.В., Головко А.Н. – Краснодар, КубГАУ, 2006, 267 с.
10. Вардиашвили А.Б. Ноанъавий ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишда энергия тежамкорлик. Ўқув қўлланма – Қарши, “Насаф нашр”, 2012й., 184 б.
11. Клычев.Ш.И., М.Мухамадиев и другие. Нетрадиционные и возобновляемые источники энергии.-Т.Изд-во ,Fan va texnologiya,,2010 –192 с.
12. Сибикин Ю.Д., Сибикин М.Ю. Нетрадиционные возобновляемые источники энергии. М.: РадиоСофт, 2008 – 228 с.

Хорижий адабиётлар

6. Detlef Lucius. *Planning of Electric Power Distribution. Technical Principles.* Siemens AG. Germany. 2015.
7. John Twidell and Tony Weir. *Renewable energy resources.* Taylor & Francis e-Library. Second edition, 2006.
8. Penni McLean-Conner Energy Efficiency: Principles and Practices PennWell Books USA, Oklahoma 2009. Number of pages: 194.
9. USA, Oklahoma 2009. Number of pages: 194 Renewable Energy Resources RoutledgeUnited Kingdom, 2015. Number of pages: 816.
10. [Tony Weir](#)Renewable Energy Resources Routledge United Kingdom, 2015. Number of pages: 816

Интернет сайтлари

1. www.ziyonet.uz – Зиёнет кутубхонаси.
2. www.edu.uz – Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
3. www.gov.uz–Хукумат портали
4. www.nuu.uz – Ўзбекистон Миллий университети
5. www.tiqxmmi.uz – Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

5-Маъруза: Қуёш ва шамол энергетик станциялари элементлари параметрларини аниқлаш методикалари.

Режа:

- 1- Қуёш электр станциялари параметрларини аниқлаш.
- 2- Шамол энергиясига асосланган локал энергия таъминот тизимини таянч элементлари параметрларини аниқлаш.

Таянч сўзлар: Энергия истеъмол графиги, фотоэлектр ўзгартиргич юзаси, шамол парраги кесиб ўтадиган юзаси, аккумлятор сигими.

1. Қуёш электр станциялари параметрларини аниқлаш.

Қуёш электр станцияси томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергия миқдорини қўйидаги ифода ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$W = \int_0^t P_{\kappa} \eta_{\kappa} t dt \quad (1)$$

Амалда қўллаш учун интегралдан параметрлар кўпайтмасининг дискрет йифиндисига ўтиш керак:

$$W = \sum (P_{kj} \eta_{kj} t_j) \quad (2)$$


бу ерда, $P_{\eta j}$ - ј даврда қуёш нурланишининг интенсивлиги, кВт/м²;
 η_{ij} - қуёш нурланишининг ј интенсивлигига фотоэлектр ўзгартиригичнинг ФИК;

t_j - ј интенсивлиги билан қуёш нурланишининг давомийлиги, соат;

W – фотоэлектр ўзгартиригичнинг бирламчи юзасидан олинаётган электр энергияси, кВт.с/м².

Қуёш электр станцияларидан самарали фойдаланиш масаласини қуидагича таърифлаш мумкин: электр юкланиш графиги ва энергия манбасининг қуввати тасодифий характерга эга бўлганлигини ҳисобга олган ҳолда, истеъмолчиларни электр энергия билан таъминланиш ишончлилиги қўйилган талаб даражасидан кам бўлмаслиги керак.

Абстракт электротехнологик жараённи суткалик электр истеъмол графиги 1-расмда келтирилган.



1-расм. Абстракт электротехнологик жараённи суткалик электр истеъмол графиги

Технологик жараёни томонидан сутка мобайнида талаб қилинадиган электр энергия билан таъминлаш учун энергия манбасининг қуввати каттароқ бўлиши керак ёки кичикроқ қувватли энергия манбасини қўллаб максимал юкланиш даврларида қўшимча аккумуляторлардан ҳам фойдаланиш керак.

Энергия манбасининг қуввати доимий бўлган ҳолда, керакли энергия билан таъминлаш шартини қуидагича ифодалаш мумкин:

$$\sum(P_G - P_{uc,j})t_{1j}\eta_A = \sum(P_{uc,i} - P_G)t_{2i} \quad (3)$$

бу ерда, P_G – генерация қилинаётган қувват микдори, кВт;

$P_{uc,j}$ - ј даврида генерация қилинаётган қувватидан кам бўлган истеъмолчининг қуввати, кВт;

$P_{uc,i}$ - i даврида генерация қилинаётган қувватидан катта бўлган истеъмолчининг қуввати, кВт;

t_{1j} - ј даврининг давомийлиги, соат;

t_{2i} - i даврининг давомийлиги, соат;

η_A - аккумуляторнинг ФИК.

(3) тенгламанинг чоп томонида қуёш электр станция томонидан ишлаб чиқариладиган ортиқча энергия микдори кўрсатилган ва унинг бу қисмини аккумуляция қилиш мумкин.

(3) тенгламани график усули билан ҳам ечиш мумкин (2-расм).



2-расм. (3) тенгламани график усули билан ечиш
1-тенгламанинг чап томони; 2-тенгламанинг ўнг томони.

2-расмдан фойдаланиб Тошкент вилояти учун ёзги даврда келтирилган ўртacha қуёш энергияси етказилишида ва аккумуляторнинг фойдали иш коэффициенти $\eta = 0,7$ деб қабул қилинганда, энергия манбасининг қуввати 0,31 кВт дан кам бўлмаслиги кераклиги аниқланди.

Қуёш фотоэлектрик станциясининг минимал қувватини қўйидаги тенгизлиқдан аниқлаш мумкин:

$$\sum(P_{\phi j} - P_{1j})t_{1j}\eta_A \geq \sum(P_{2i} - P_{\phi i})t_{2i} \quad (4)$$

бу ерда, $P_{\phi j}$ - j даврида фотоэлектр ўзгартиргич батареясининг (истеъмолчи қувватидан юқори) қуввати, кВт;

P_{1i} - i даврида фотоэлектр ўзгартиргич батареясининг (истеъмолчи қувватидан кичик бўлган) қуввати, кВт;

Фотоэлектр ўзгартиргич қувватини қўйидаги қўринишда қабул қиласиз:

$$P_\phi = P_{kj}F_\phi\eta_\phi \quad (5)$$

Натижада (3) ифодасини янги қўринишни келтирамиз:

$$\sum(P_{kj}F_\phi\eta_\phi - P_{1j})t_{1j}\eta_A = \sum(P_{2i} - P_{ki}F_\phi\eta_\phi)t_{2i} \quad (6)$$

бу ерда, P_{kj} - j даврдаги қуёш нурланишининг солиштирма қуввати, кВт/м²;

F_ϕ - фотоэлектр ўзгартиргич батареясининг юзаси, м²;

η_ϕ - фотоэлектр ўзгартиргич батареясининг ФИК.

(6) тенгламани ечиш билан фотоэлектр ўзгартиргич батареясининг юзасини аниқлаш мумкин.

Аккумулятор батарея сифимини қўйидаги аналитик боғланишдан аниқлаш мумкин:

$$C_A = \sum \frac{(P_{2i} - P_{ki} F_\phi \eta_\phi - P_{1j}) t_{2i}}{U_n} \quad (7)$$

бу ерда, C_A – аккумулятор батарея сифими, А·с;
 U_n - истеъмолчининг номинал кучланиши, В.

Қуёш энергиясини электр энергиясига айлантирувчи ва ўзгарувчан токни истеъмолчига узатувчи автоном электр таъминот схемаси 2-расмда берилган.

2. Шамол энергиясига асосланган локал энергия таъминот тизимини таянч элементлари параметрларини аниқлаш

Шамол электр энергиясига асосланган автоном электр станциясини яратиш учун қўйидаги параметрлар аниқ бўлиши керак:

- ШЭҚ лар (шамол электр қурилмалар) учун оптимал деб қабул қилинган шамолнинг ишчи тезлиги;
- ШЭҚ нинг қуввати;
- Аккумуляторнинг сифими ёки қуввати.

Демак мақсад функция қўйидаги кўринишда қабул қилиниши мумкин:

$$S = f(\vartheta_u, P_u, P_A) \rightarrow \min \quad (8)$$

бу ерда, ϑ_u - шамолнинг ишчи тезлиги;

P_u – ШЭҚ нинг қуввати;

P_A – аккумулятор қуввати.

Шамол энергиясига асосланган автоном электр таъминот тизимини ўзига хос хусусияти – келаётган энергия оқими ростланмайдиганлигидадир.

Демак шамол электр станциялари истеъмолчилар талаб қиласиган энергия миқдорини ишлаб чиқиш имкониятига доимо эга бўлавермайди. Бу ерда қўйидаги вазиятлар хосил бўлиши мумкин:

- Шамол билан етказиб келинаётган энергия миқдори талаб қилингандан юқори бўлмоқда;
- Етказиб келинаётган энергия миқдори талаб қилинаётганга тенг бўлмоқда;
- Етказиб келинаётган энергия миқдори истеъмолчилар эҳтиёжини қониқтирмайди.

Энергия етказилиши ва истеъмол қилиниш графикларини мувофиқлаштириш мақсадида аккумуляция қабул қилинади.


ШЭҚ лар томонидан ишлаб чиқарилаётган энергия миқдори истеъмолчи талабига тўла жавоб бериши учун қўйидаги шарт бажарилиши керак:

$$W_{u\text{эк}} = W_{u\text{ст.}} + W_A \quad (9)$$

бу ерда, $W_{u\text{эк}}$ - шамол электр қурилмаси томонидан ишлаб чиқарилаётган энергия миқдори, кВт.с;

$W_{u\text{ст.}}$ - истеъмол қилинаётган энергия миқдори, кВт.с;

W_A - аккумуляторда сақланаётган энергия миқдори, кВт.с.



3-расм. Энергетик диаграмма.

(9) ифода асосида қурилган энергетик диаграммасидан қувватлар балансини көлтириш мүмкін:

$$P_{шэк} = P_{ист} + P_A \quad (10)$$

Аккумулятор қувватини қуйидаги ифода орқали аниқлаш мүмкін:

$$P_A = P_{ист} \cdot t_A / t_{шэк} \eta_A \quad (11)$$

Демак (10) ифодасини бошқача кўринишда көлтириш мүмкін:

$$P_{шэк} = P_{ист} \left(1 + \eta_A \frac{t_A}{t_{шэк}} \right) \quad (12)$$

бу ерда, $t_A, t_{шэк}$ - аккумуляторни ва ШЭҚ ни ишлаш вақтлари, соат.

ШЭҚ нинг қуввати шамолнинг ишчи тезлиги билан функционал боғлиқ:

$$P_{шэк} = 0,65 g_u^3 \cdot F_{ш.э} \cdot \eta_{шэк} \quad (13)$$

Бу тенгламадан (12) ифодасини ҳисобга олган ҳолда шамол ғилдираги юзасини аниқлаш мүмкін:

$$F_{ш.э} = P_{ист} \frac{1 + \frac{t_A}{t_{шэк} \eta_A}}{0,65 g_u^3 \cdot \eta_{шэк}} \quad (14)$$

Аккумулятор билан биргаликда автоном электр таъминот системасининг нархи қуйидаги ифода билан аниқланади:

$$H = H_{шэк} + H_A \quad (15)$$

Шамол электр қурилманинг нархи (инвертор билан биргаликда) шамол ғилдирагининг юзасига пропорционал ва аккумуляторларнинг нархи пропорционал деб қабул қилинганда ШЭҚ нинг нархини қуйидаги ифодадан аниқлаймиз:

$$H = K_{шэк} \cdot F_{ш.э} + K_A \frac{W_A}{U_h} \quad (16)$$

бу ерда, $K_{шэк}$ - ШЭҚ нинг солиштирма нархи, сўм/м²;

K_A - аккумуляторнинг солиштирма нархи, сўм/A.соат;

W_A - аккумуляторнинг тўла заряд олиши учун керак бўлган энергия миқдори, Вт.соат;


U_n - истеъмолчининг номинал кучланиши, В.

Юқорида келтирилганларни ҳисобга олган ҳолда ШЭҚ ни нархини шамол ишчи тезлигини функцияси деб қабул қиласиз:

$$H = P_{ucm} \left(K_{u\varphi k} \frac{1 + \frac{t_A}{t_{u\varphi k} \eta_A}}{0,65 \vartheta_u^3 \cdot \eta_{u\varphi k}} + 24 K_A \frac{t_A}{U_n \eta_A} \right) \rightarrow \min \quad (17)$$

(17) функция ШЭҚ асосида тузилган автоном электр таъминот тизимини ифодалайди ва унинг қиймати шамол электр қурилма параметрлари ва электр истеъмолчиларнинг қуввати билан боғлиқдир.

Шамол энергиясини электр энергиясига айлантирувчи ва истеъмолчига узатувчи автоном энергия таъминот тизимини структуравий схемаси 4-расмда берилган. Энергияни сақловчи элемент сифатида аккумулятор батареяси қабул қилинган.



4-расм. Шамол энергетик қурилма асосида тузилган автоном энергия таъминот тизими (энергия захираси-аккумулятор батареяси). 1-шамол парраги; 2-ўзгарувчан ток генератори; 3-коммутатор; 4-инвертор токни доимийга ўзгартиргич билан биргаликда; 5-аккумулятор батареяси; 6-ўзгарувчан ток юкламаси; 7-доимий ток юкламаси.

Назорат саволлари.

1. Энергия истеъмол графигидан лайихалашда қандай фойдаланилади.
2. Қуёш электр станция қуввати қандай аниқланади.
3. Шамол электр станция қувватини аниқланг.
4. Аккумулятор батарея сифими қандай аниқланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ш.Мирзиёев. Эркин ва фаравон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, Ўзбекистон, 2016 й.56 б.

2. Ш.Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент, Ўзбекистон, 2017 й.48 б.

3. Ш.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлитши керак.(Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтиосодий дастурнинг энг муҳим устувор йўнналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза) Тошкент, Ўзбекистон, 2017 й.104 б.

4. Ш.Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент, Ўзбекистон, 2017 й. 488 б.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сон Фармони. Ўзбекистон республикаси қонун хужжатларитўплами, 2017 й., 6-сон.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013-2017 йиллар даврида сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилано фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ1958-сонли қарори. Тошкент. 2013 йил 29 апрел.

7. А.А. Федоров, Л.Е. Стракова – Учебное пособие для курсового и дипломного проектирования. Москва. Энергоатомиздат 1997г.369с.

8. А. Раджабов, И.Ж. Тошев. Қишлоқ хўжалиги электр таъминоти. - Т., “Iqtisod-Moliya”, 2010 йил, 178 б.

9. Воронин С.М. Возобновляемые источники энергии и энергосбережение. / Воронин С.М., Оськин С.В., Головко А.Н. – Краснодар, КубГАУ, 2006, 267 с.

10. Вардиашвили А.Б. Ноанъавий ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишда энергия тежамкорлик. Ўқув қўлланма – Қарши, “Насаф нашр”, 2012й., 184 б.

11. Клычев.Ш.И., М.Мухамадиев и другие. Нетрадиционные и возобновляемые источники энергии.-Т.Изд-во ,Fan va texnologiya,,2010 –192 с.

12. Сибикин Ю.Д., Сибикин М.Ю. Нетрадиционные возобновляемые источники энергии. М.: РадиоСофт, 2008 – 228 с.

Хорижий адабиётлар

1. Detlef Lucius. *Planning of Electric Power Distribution. Technical Principles.* Siemens AG. Germany. 2015.

2. John Twidell and Tony Weir. *Renewable energy resources*. Taylor & Francis e-Library. Second edition, 2006.
3. Penni McLean-Conner Energy Efficiency: Principles and Practices PennWell Books USA, Oklahoma 2009. Number of pages: 194.
4. USA, Oklahoma 2009. Number of pages: 194 Renewable Energy Resources RoutledgeUnited Kingdom, 2015. Number of pages: 816.
5. [Tony Weir](#)Renewable Energy Resources Routledge United Kingdom, 2015. Number of pages: 816

Интернет сайтлари

1. www.ziyonet.uz – Зиёнет кутубхонаси
2. www.edu.uz – Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
3. www.gov.uz–Хукумат портали
4. www.nuu.uz – Ўзбекистон Миллий университети
5. www.tiqxmmi.uz – Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

6 – Маъruz: Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида анъанавий ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан комплекс фойдаланиш.

Режа:


- 1- Күёш энергиясидан фойдаланишга асосланган комплекс энергия таъминот тизимида мувофиқлаштириш схемаси
- 2- Шамол энергиясидан фойдаланишга асосланган комплекс энергия таъминоти тизимида муовиқлаштириш схемаси.
- 3- Күёш ва шамол энергияларига асосланган комплекс энергия таъминот тизимида мувофиқлаштириш схемалари
- 4- Истеъмолчиларни энергия таъминотида ҚТЭ дан фойдаланиш кўрсаткичлари
- 5- ҚТЭ дан фойдаланиб анъанавий энергия ўрни қопланилаётган энергияни улуши (микдори).

Таянч сўзлар: комплекс энергия таъминоти, мувофиқлаштириши схемаси, ҚТЭМ лардан фойдаланиши кўрсаткичлари, анъанавий энергияси қопланаётган улуши.

1.Күёш энергиясидан фойдаланишга асосланган комплекс энергия таъминот тизимида мувофиқлаштириш схемаси

Күёш энергияси фақат иссиқлик таъминоти учун фойдаланилиши кўзда тутилган қуёш энергиясини киритилиши ва истеъмолини мувофиқлаштириш учун энергия тўпловчи элемент кўзда тутилади. Бунда иссиқлик аккумуляторлар киритилаётган ва истеъмол қилинаётган иссиқлик энергиясидаги нотекисликни бартараф этади.

Қуёш энергиясидан фойдаланишга асосланган иссиқлик таъминоти тизими таркибиға бак-аккумлятори гелиоқурилма ва ананавий энергия манбаидан ташкил топган (1-расм). Иссиқлик аккумлятор қуёш иссиқлик таъминот тизимида мувофиқлаштирувчи элемент ҳисобланади.



1-расм. Қуёш иссиқлик таъминоти тизими структураси схемаси: 1—Қайта тикланувчи энергия манбаи, 2—Энергия ўзгартиргич, 3—Энергияни тўплаш элементи (аккумлятор), 4—Энергия истеъмолчиси, 5—Ананавий энергия манбаи

Келтирилган тизимда ананавий энергия мабаи энергияиаъминоти ишончлилиги ва сифатига қуйилган талабни таъминлашга хизмат қиласди. Анъанавий манбадан энергия киритилади:

- аккумулятор бакига (расмда штрих чизиқларда кўрсатилган) аккумляторда (3) тўпланган иссиқлик энергияни керакли хароратга етказилгандан кейин бевосита истеъмолчига у ёки бу схемани танлаш ананавий энергия манбаига боғлаб кўриб чиқилади.
- Ананавий энергия манбаи сифатида органик ёқилғида ишлайдиган теплогенератор қўлланилганда иккинчи схемани қабул қилиш мумкин.

Таклиф қилинаётган энергия таъминоти тизимида гелиоқурилма параметрлари, қуёш коллектори майдони сутка давомида энергия тўплаш шарти бўйича аниқланади. Қуёш коллектори манбаи аккумуляция қилинадиган иссиқлик энергиясининг суткалик миқдори бўйича аниқланади.

2. Шамол энергиясидан фойдаланишга асосланган комплекс энергия таъминоти тизимида муовофиқлаштириш схемаси.


Электр энергиясини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган энергия таъминоти тизимида энергияни ишлаб чиқиша истеъмоли режимларини муовофиқлаштириш аккумляторларини қуллаш кўзда тутилади.

Умумий энергия таъминоти тизимида ҚТЭМ ларига асосланган энергия таъминотида аккумлятор бевосита ишлаб чиқарилаётган электр энергияни сақлашга хизмат қиласди.

Тизимга киритилаётган шамол энергиясини истеъмол режими билан муовофиқлаштириш 2-расмда шамол энергиясини асосланган электр ва иссиқлик таъминоти тизими келтирилган.

Анъанавий энергия манбаи сифатида истеъмолчини (4) электр ёки иссиқлик энергияси билан таъминловчи манбаълардан фойдаланиш мумкин.

Ананавий энергия манбани танлаш энергия билан таъминлаш шартига боғлик.



2-расм. Шамол энергиясига асосланган энергия таъминоти тизими структура схемаси

1–КТЭМ, 2–шамол электр қурилмаси, 3–иссиқлик энергияси аккумулятори, 4–истеъмолчи, 5–ананавий энергия манбаи, 6–электр энергияси аккумулятори.

Иссиқлик таъминоти вариантида схемадан аккумулятор чиқариб ташланади. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан олинаётган паст патенциалли иссиқлик энергияси керакли хароратгача қиздирилади. Уни қуйидагича амалга ошириш мумкин:

–ананавий манба сифатида марказий энергия тармоқдан ёки автоном манбадан олинаётган электрт энергияси фойдаланилса иссиқлик агенти керакли хароратгача аккумулятор–бакда қиздирилади;

–иссиқлик агентини керакли даражага кўтариш органик ёқилғида ишлайдиган генераторда амалга оширилади.

Ушбу схема иссиқлик агентни иссиқлик энергиясини тўплагич (аккумуляторда) сутка давомида қиздиришни кўзда тутади ва ушбу тизимда шамол қурилмани параметрлари зарур бўлган иссиқлик энергияси миқдори билан мувофиқлаштирилиши лозим. Шамол электр қурилмадан энергия билан таъминланилганида истемадан ишлаб чиқарилаётган энергияни текислашда электр энергияси аккумуляторлари қўлланилади ва у холда ананавий энергия манбани бошқариш тизими энергияни аккумуляциялаш қурилма билан боғланиш керак.

Энергияни аккумуляциялаш қурилма электр энергиясини сифати ёмонлашганда ёки электр таъминоти режимини ушлаб туришга етарли бўлмаган холда ишга тушади. Аккумулятор разрядланиши билан анъанавий энергия манбани (магистрал электр тармоқ ёки худудий электр тармоқ) уланишига сигнал берилади.

Аккумулятор батареяси истеъмолчига заряд токи катталиги билан аниқланадиган катта қувват беради. Аккумуляторнинг зарядланиш қуввати шамол энергетик қурилмасидан олинадиган қувват билан мувофиқлаштирилган бўлиши керак. Ушбу қувватларни бошқарув қурилмаси ёрдамида мувофиқлаштириш аккумулятор батареясининг сифимини аниқлаш имконини беради.

Аккумуляциялаш тизимини ишлаб чиқишда, тармоқни пикдан ташқари ишлаш режимида ортиқча қувватлар мавжуд бўлганда аккумуляторни анъанавий энергия манбаидан зарядлашни кўзда тутиш мумкин.

ШЭҚ электр ва иссиқлик таъминоти мақсадларда фойдаланишга мўлжалланган шамол энергиясидан фойдаланиш схемаси самарали хисобланади. Бу холда шамол энергиясидан максимал фойдаланилади ва ШЭҚ лар самаралироқ ишлайди.

ШЭҚ дан базавий электр юкламаларнинг бир қисмини энергия таъминотида фойдаланиш юқори самара бериши мумкин. Пик юкламани энргеия таъминотида анъанавий энергия манбаидан фойдаланилади ва бундай топшириқ аккумулятор датчигидан юборилган сигнал бўйича амалга оширилади.

Таклиф этилаётган энергия таъминот тизими учун ШЭҚ параметрларини танлаш юқоридаги ишлаш шароитини хисобга олган холда амалга оширилиши керак. ШЭҚ танлаш учун зарурий қувват юкламани ва аккумулятор батареясини зарядлашга етарли бўлиши керак.

Шамол оқими тезлиги кичик холларда ШЭҚ ларни иссиқлик таъминоти тизимида фойдаланиш самаралироқ ва бунда қуёш қурилмалари билан биргаликда ишлаш мумкин бўлади.


3. Қуёш ва шамол энергияларига асосланган комплекс энергия таъминот тизимида мувофиқлаштириш схемалари

Энергия таъминот тизимида қуёш ва шамол энергияларидан биргаликда фойдаланилганда қайта тикланувчи энергия манбаларининг турли хил иш режимлари кўриб чиқилади. Кўрилаётган вариантда иккита қайта тикланувчи энергия манбаси орқали битта умумий энергия истеъмолчиси энергия билан таъминланмоқда (3-расм).

Комбинацияланган энергия таъминотида энергия манбалари алоҳида ёки биргаликда ишлаши мумкин. Алоҳида қўшилиш схемаси бўйича ГЭҚ ва ШЭҚ лардан биргаликда фойдаланилса ҳар бир энергия қурилмаси ўзининг ортиқча иссиқлик энергиясини шахсий бак – аккумуляторида йифади.

Бундай схема билан қуёш ва шамол энергетик қурилмаларини ишлашида ортиқча энергия исрофлари кескин ошади ва гелио- ва шамол энергетик қурилмаларидан фойдаланиш самараси камаяди.

Натижада, комбинацияланган энергетик қурилма яратишга сарфланган маблағлар ўзини қоплолмай қолиши мумкин. ГЭҚ ва ШЭҚ лар параллел ишлашида ишлаб чиқарилаётган иссиқлик энергиялар умумий бак-аккумуляторда йифилади. Бундай вазиятда энергия манбаларини бир-бирининг ишига таъсири кузатилиши мумкин.



3 – расм. Қүёш ва шамол энергиясидан биргалиқда фойдаланишга асосланған энергия таъминот тизими: а) ҚТЭ ни алоҳида ишлаши; б) ҚТЭ ни параллел ишлаши; 1–ҚТЭ манбай; 2–ҚТЭ ни ўзgartгич; 3–иссиқлик энергияси аккумулятори; 1 ва 2–иссиқлик ва электр энергияси истеъмолчилари; 5–анъанавий манба; 6–электр энергияси аккумулятори.

Қүёш ва шамол энергияларини бир вақтда киритилиши хам ҚТЭ аккумуляторни қисқа вақт етарли энергия түплаш имкониятини беради. Бунда шунингдек қүёш ва шамол энергияларидан тұла фойдаланилмаслик ва комбинациялашған қүёш шамол энергетик қурилмалардан фойдаланиш самарадорлигини пасайиш холати юзага келади.

Юқоридагилардан шамол ва қүёш энергияларидан фойдаланишнинг самарадорлиги ишлаб чиқарылаёттан энергияни аккумуляциялаш режимига боғлиқ деган холосага келиш мүмкін. Ортиқча иссиқлик энергияни сақлаш учун аккумуляторнинг сиғимини (хажмини) аниклаш керак ва бу асосланған бўлиши керак. Уни бир суткалик истеъмол бўйича асослаш қүёш ва шамол энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини пасайишига олиб келиши мүмкін.

Схемалар тахлили энергия манбалари параллел ишлаш схемаси бўйича уланган холат қўпроқ самаралилигини кўринди ва уларни алоҳида ишлаш схемаси бўйича ишлашига қараганда энергетик ускуналари харажати юқори бўлиши аниқланган.

ҚТЭ манбаларига асосланған иссиқлик таъминоти схемаси иссиқлик энергияси аккумулятори муҳим рол ўйнайди ва энергия манбай ва истеъмолчиси орасидаги мувофиқлаштирувчи элемент хисобланади.

Аккумулятор хажмини берилған истеъмол энергия қиймати бўйича аниклаш мүмкін ва бунда хар хил тўлғазилиш даврига хисобланиши мүмкін.

Қүёш ва шамол энергиялари комбинациясига асосланган тизимда электр энергияси ШЭК да ишлаб чиқилиб истеъмолчиларга етказилади ва аккумуляцияланади. Ушбу хил ШЭК талаб қилинган энергияни бир қисмини таъминлайди, қолган қисми эса анъанавий энергия манбалар хисобидан тўлғазилади (штрих пунктир чизик). Аккумулятор сифими ШЭК ни сифатли электр энергиясини ишлаб чиқиши ва разрядка режимида анъанавий энергия манбани ишга туширилиш шарти бўйича танланади.

Шундай қилиб истеъмол қилаётган энергия режими билан фарқ қилувчи қишлоқ хўжалиги истеъмолчиларни самарали энергия таъминоти учун қуёш ва шамол энергиясидан олдинда мувофиқлаштирилган схема бўйича фойдаланиш мумкин. Бундай холда ШЭК анъанавий энергия манбалари билан биргаликда умумий энергия тизимида электр энергия ишлаб чиқиши мумкин.

Қуёш ва шамол энергияларидан фойдаланиш, энергия истеъмолчиларни самарали энергия билан таъминлайдиган параметрларга эга қуёш ва шамол қурилмаларини танлашни кўзда тутади. Бунинг учун ҚТЭ тизими элементларини ишлаш модели умумий характеристикаларини аниқлаш ва ишлаш шартларини баҳолаш имконини берувчи кўрсаткичларини ишлаб чиқиш керак.

4. Комплекс энергия таъминоти тизимида ҚТЭ манбаларидан фойдаланиш кўрсаткичлари

Энергия таъминотида бир томондан истеъмолчиларни ҚТЭ дан энергия таъминоти шартини ва ҚТЭ манбай хисобидан қопланадиган истеъмол энергия улушини баҳолаш керак, иккинчи томондан иқтисод қилинган ёқилғи миқдорини ва комплекс энергия таъминоти тизими самарадорлигини баҳолаш керак. Бунинг учун истеъмолчиларни энергия истеъмоли ва ҚТЭ дан фойдаланиш, шунингдек ўрни тўлғазилаётган анъанавий энергияни улуши кўрсаткичларини ишлаб чиқиш керак.

Истеъмолчиларни энергия таъминотида ҚТЭ дан фойдаланиш кўрсаткичлари

Қараб чиқилаётган варианtlарнинг самарадорлигини аниқлаш учун суткалик кўрсаткичи бўйича ҚТЭМ дан энергия таъминоти шартини билиш керак. Энергия таъминоти варианти аниқ параметрларга эга бўлган энергетик қурилмани кўзда тутади.

Сутка давомида энергия таъминоти шароитини баҳолаш учун ҚТЭ дан энергия таъминоти коеффициенти деган кўрсаткичдан фойдаланамиз:

$$K_{ob.i} = \frac{Q_{pol.cym.i}}{Q_{n.cym.i}(Q_{ak.cym.i})} \leq 1 \quad (1)$$

Бу ерда $Q_{pol.cym.i}$ — ҚЭУ ёки ШЭУ қурилмаларда сутка давомида ишлаб чиқилган энергия.

ҚЭУ ва ШЭУ лардан ишлаб чиқилган фойдали энергия берилган зарурый энергияга мос келади. Фойдали энергия қуйидагича аниқланади:

$$Q_{pol} = \begin{cases} Q_e = Q_{a,y\partial} A, & \text{если } Q_n > Q_e \\ Q_u ; & \text{если } Q_n \leq Q_e \end{cases} \quad (2)$$

Ишлаб чиқарилиши кутилган энергияни зарурийдан кўп бўлиши керагидан ортиқча энергия хосил бўлишига ва уни атроф мухитга чиқарип ташлашга олиб келади.

Энергия таъминоти шартлари гелио ва шамол энергетик қурилмалар параметрларига: гелиоэнергетик қурилманинг – қуёш коллекторининг (ГЭК нинг ҚҚ) шамол энергетик қурилманинг шамол парраги (ШЭК нинг ШП).

Бу ҳолда ишлаб чиқилиши мумкин бўлган қувват ҚҚ ёки ШП юзаси майдони билан чизиқли боғланишда бўлади. Лекин аосийси ГЭК ва ШЭК ишлаб чиқилган энергия билан заруриятининг қанчалик мослигига боғлиқ ва керагидан ортиқча энергия ишлаб чиқарилмаяптими, бу ўз-ўзидан ташқи мухитга бефойда исрофига олиб келади. Шунинг учун хам ГЭК ёки ШЭК ни фойдалилиги ёки фойдаланишилигини таклиф қилинаётган ҚҚ ёки ШП юзаси майдони билан баҳоланади.

Қуёш коллекторлари (ҚҚ) ёки шамол коллекторлар (ШК) нинг ўрнатилган майдонидан фойдаланишиш шароитини баҳолаш учун ГЭК ёки ШЭК фойдаланиш коеффициенти қўлланилади

$$K_{u,i} = \frac{Q_{n,i}}{Q_{pol,i}} \leq 1 \quad (3)$$

Фойдали қўлланилаётган энергия юқоридаги шарт бўйича. Ишлаб чиқилаётган энергия талаб қилинаётгандан кичик бўлганда ҚҚ ёки ШП ларнинг ўрнатилган юза майдонлари ва улар ёрдамида ишлаб чиқилган энергия тўлиқ фойдаланилади ва коэффициент $K_h=1$. Акс ҳолда энергетик қурилмадан тўла фойдаланилмаслик ва энергияни атроф мухитга исрофи юзага келади.

Таклиф этилаётган мезон ҳисоб даврининг хар хил ойларида суткалик энергия таъминоти шартини баҳолаш имконини беради, шунингдек ҚҚ ёки ШП ни у ёки бу қувватдан фойдаланишиш шартини баҳолаш имконини беради. Мантиқан қараганда энергия таъминоти коэффициентини ошиши ҚҚ ёки ШП ни ўрнатилган қувватдан фойдаланишиш коэффициентини пасайиши билан кечади.

Таклиф этилаётган кўрсаткичларнинг қийматлари маълум бўлганда бир ойнинг бир суткасида ишлаб чиқилган фойдали энергияни аниқлаш мумкин.

$$Q_{pol,i} = Q_{n,i} K_{ob,i} = Q_{e,i} K_{u,i} \quad (4)$$

Унда

$$K_{ob,i} = \frac{Q_{e,i}}{Q_{u,i}} K_{u,i} = K_{u,i} \frac{Q_{e,y\partial,i}}{Q_{n,i}} A_{ck,(ek)i}$$

$$\text{Ёки } K_{u,i} = \frac{Q_{n,i}}{Q_{a,i}} K_{ob,i} = K_{ob,i} \frac{Q_{n,i}}{Q_{a,y\partial,i} A_{ck,(ek)i}} \quad (5)$$

Технологик жараёнларнинг ишлаши ва қайта тикланувчи энергияни етказиб берилиши режимлари бир бири билан боғлиқ эмаслиги

сабабли йил мобайнида ишлаб чиқилган энергия бир хилда ўзгармас эмас ва бирон бир уни ўзгариш қонуниятни ёки энергия таъминоти ва истеъмолини аниқлаш қийин.

Ҳисобий даврда энергия таъминоти шартини баҳолашда таъминланганлик коэффициентини ўртача қийматидан (K_{ob}) фойдаланиш мумкин. Лекин ушбу кўрсаткич ой ёки йил давомида тасоддифий характерга эга бўлгани учун объектив кўрсаткич бўлмайди.

Шундай қилиб ҚТЭ дан фойдаланишга асосланган энергия таъминоти истеъмолчиларни энергия таъминоти шартига боғлиқ. Лекин ишлаб чиқилган ва истеъмол қилинаётган энергиянинг суткалик кўрсаткичи бўйича билан аниқланган энергия таъминоти коэффициенти узоқ муддатли энергия таъминлаш шартларини тўла акс эттирамайди.

Хисоб даври учун интеграл кўрсаткич киритилиши лозим деб хисоблаймиз. Ушбу кўрсаткич хисоб даврида (мавсум, йил, ой) энергияга бўлган эхтиёжини ҚТЭ хисобига тўлдирилган улушкини ифодалashi керак. Бунда қайта тикланувчи энергияни тасоддифий характерга эга эканлигини, бинобарин истеъмолчини энергия таъминоти ва анъанавий энергия ресурсларини ўрнини тўлғазиши эхтимолини хам тасоддифий характерга эга эканлигини хисобга олиш керак.

5. ҚТЭ дан фойдаланиб анъанавий энергия ўрни қопланилаётган энергияни улуси (миқдори)

Хисоб даврида ГЭҚ ёки ШЭҚ хисобига қопланаётган энергия улушкини алмашлаш коэффициенти деган коэффициент (f) билан ифодалаймиз.

ҚТЭ га алмаштирилаётган энергияни улушкини, сутка мобайнида ҚТЭ дан энергия таъминоти шарти ва уни хисоб даврида ўзгаришини тасоддифий характерга эга эканлигини хисобга оловчи коэффициент “ f ” билан баҳоланади.

Киритилаётган энергияни тасоддифий режимга эга эканлигини хисобга олиниши алмашиб коэффициентини объективлиги ва ишончлилигини оширади. Ишлаб чиқилиши кутилаётган энергияни эхтимоллик шаклида киритилаётган энергия бўйича аниқлаймиз. Алмашланилаётган энергияни баҳолаш учун бир ойда ГЭҚ ва ШЭҚ ни ишлаб чиқсан кунлик энергия ишлаб чиқиши интеграл таъминланганликни хисоблаш керак.

Суткалик ишлаб чиқаришни интеграл таъминлаш бўйича $p(Q_{fl})$ ГЭҚ ёки ШЭҚ дан коэффициентланган энергия ишлаб чиқиш неча кун кутилади. Мисол учун 1 – ой учун:

$$n_i = N_i p_i(Q_B), \quad (6)$$

бу ерда N_i — ойдаги кунлар сони.

Бир ойда ўрни қопланадиган энергияни умумий кафолатланган энергия таъминланганлик катталиги кўрсаткичи K_{ob} : бўлиши кутилганда кунлар сонига боғлиқ.

$$f_i = K_{ob,i} \frac{n_i}{N_i} \quad (7)$$

ёки

$$f_i = K_{ob,i} P_i(Q_B). \quad (8)$$

Бир ой давомида кутилаётган суткалик ишлаб чиқилган энергия Q_u бўлиши учун ишлаб чиқилаётган энергияни интеграл таъминланганлигини КТЭ ни энергетик характеристикаси бўйича ифодалаш мумкин. ГК да қуёш энергиясини юзага келиш эҳтимоллигидан, ШК да шамол энергиясини юзага келиши эҳтимоллигидан фойдаланамиз.

Бир ойдаги алмашлаш коэффициенти (f) бўйича узоқ муддатлар учун ўрнини қопланиши мумкин бўлган энергия улушкини топиш мумкин.

$$f = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n f_i = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n K_{ob,i} p_i(Q_s). \quad (9)$$

Шундай қилиб йил ёки мавсум давомида КТЭ дан фойдаланиб алмашланиладиган энергия улушкини топиш учун истеъмолчини энергия таъминоти шартини ва хисоб даврида энергия ишлаб чиқиш режими эҳтимоллигини баҳолаш керак.

Хисоб даври учун энергия таъминоти шартини қўрилаётган ой учун энергия таъминлаш коэффициентини ўртача қиймати бўйича баҳолаш мумкин.

Хисоб олиб борилаётган давр учун энергия таъминлаш коэффициенти ўртача қиймати. қўйидагича топилади.

$$K_{ob} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n K_{ob,i} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n K_{u,i} \frac{Q_{s,yd,cym,i}}{Q_{n,cym,i}} A_{ck(sk),i} \quad (10)$$

Йил ёки мавсум учун энергия билан таъминлаш коэффициентининг ўртача қиймати хисоб даврида берилган майдонли ГЭК ёки ШЭК лар томонидан қопланаётган суткалик зарурӣ энергия улушкини кўрсатади.

ГЭК ёки ШЭК лар анъанавий энергия манбалари ўртача энергия таъминот тизимга зарур энергияни етказиб беради ва унинг улушкини алмашлаш коэффициенти билан баҳолаш мумкин (f).

$$f = K_{ob} \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n p_i(Q_s) \quad (11)$$

КТЭ манбаидан энергия билан алмашлаш шартини объектив баҳолаш учун қайта тикланувчи энергияни киритилиш режими ва фойдали энергия ишлаб чиқиши тадқиқ этиш керак. Бунинг учун ГЭК ва ШЭК лар ишлаб чиқсан фойдали энергияни эҳтимоллик шаклида баҳолаш имконини берадиган КТЭМ ни энергетик характеристикасини асослаш керак.

Хисоб даври учун ГЭК нинг ҚҚ ёки ШЭК нинг ШП ни ўрнатилган майдонини фойдаланиш шартини баҳолаш мумкин. Бунинг учун ҳар бир ойга олинган K_{ui} нинг суткалик катталиги бўйича унинг ўртача қийматини хисоблаш мумкин:

$$K_u = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n K_{u,i} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n K_{pob,i} \frac{Q_{s,yd,cym,i}}{A_{ck(sk),i} Q_{n,cym,i}} \quad (12)$$

Таклиф қилинаётган алмашлаш коэффициентини хисоблаш усулини ГЭК ва ШЭК лар алоҳида бир бири билан боғланмаган ҳолда ишлагандага қўллашни тавсия этамиз. Бундай ҳолда ГЭК ёки ШЭК анъанавий энергия манбаи билан биргаликда талаб қилинган энергия билан таъминлайди.

ГЭК ва ШЭК лар биргалика ишлаганда уларни гелиошамолэнергетик курилма (ГШЭК) комплекси таркибида ишлаш шартини хисобга олиш керак. Энергия ишлаб чиқиш бир вақтнинг ўзида ҳам ГЭК дан ва ШЭК дан амалга оширилиши мумкин ёки алоҳида улардан биттасида ёки уларни иккаласида ҳам энергия ишлаб чиқилиши мумкин. Қуёш ва шамол энергияларидан бир вақтда фойдаланилганда алмашлаш энергия улуши ГЭК нинг ва ШЭК нинг алмашлаш коэффициентларини оддий арифметик йиғиндисидан фарқ қиласи. Алмашлаш коэффициенти катталиги киритилаётган қуёш ва шамол энергияларни режимларини мувофиқлаштириш шартига боғлиқ.

Мувофиқлаштириш шартига боғлиқ ҳолда ҳар бир қурилма талаб қлаётган энергияни маълум бир улушкини таъминлайди. ГШЭК нинг суткалик энергия таъминот коэффициенти қуидагича аниқланади:

$$K_{ob}^{G\mathcal{E}Y} + K_{ob}^{B\mathcal{E}Y} \leq 1. \quad (13)$$

ҚТЭ ни киритилиш шартига боғли ҳолда ГЭК ёки ШЭК суткалик энергияга эҳтиёжни қондириши мумкин. Қуёш ва шамол энергияси биргалиқда киритилиши қачон ёки алоҳида киритилиши қачон кутилаётганини аниқлаш керак.

Ҳисоб даври учун алмашлаш коэффициенти гелиошамолэнергетик курилмани энергия ишлаб чиқиш режимини ҳисобга олган ҳолда топилади. Бунинг учун аввало ГЭК ва ШЭК лардан алоҳида-алоҳида фойдаланиш режимидаги ишлаш вақтини хисоблаймиз. масалан бирон бир ойнинг бирон бир N суткаси давомида ёки ҳисоб даврида ГЭК ни ёки ШЭК ни умумий ишлаш давомийлиги (вақти) қуидагича ҳисобланади.

$$N_{G\mathcal{E}Y} = Np(Q_b^{G\mathcal{E}Y}) \text{ или } N_{B\mathcal{E}Y} = Np(Q_b^{B\mathcal{E}Y}). \quad (14)$$

ГЭК ва ШЭК ларни биргалиқда ишлаш кунлар сони уларни бир вақтни ўзида энергия ишлаб чиқаришига боғлиқ. Берилган катталиклар тасоддифий характеристерга эгалиги сабабли ГЭК ва ШЭК ларни биргалиқда ишлаш вақти уларни бир вақтда биргалиқда ишлаш эҳтимоллигини билиш керак.

Шундай қилиб қуёш ва шамол энергияларидан биргалиқда фойдаланилганда алмашлаш коэффициентини баҳолашда ГЭК ва ШЭК ларни бир вақтда энергия ишлаб чиқиш эҳтимоллигини билиш керак. Бунда энергия ишлаб чиқишга ҚТЭ ни кириш шарти таъсир кўрсатади ва ҚТЭ ни энергетик характеристикасини эҳтимоллик шаклида баҳоланиши талаб қилинади.

Энергетик қурилманинг кутилаётган энергия ишлаб чиқарилиши бўйича истеъмолчиларни энергия таъминоти ва ҚҚ ва ШП нинг ўрнатилган юза майдонидан фойдаланиш шарти баҳоланади. Энергия таъминоти кўрсаткичи энергия манбаи ва истеъмолчини мувофиқлиги натижасини баҳолайди.

ҚТЭ нинг энергетик характеристикаси бўйича ГЭК нинг ҚҚ ни ёки ШЭК ШП нинг солиштирма юза майдонидан кутилаётган энергия ишлаб аниқланади. Оптимал юза майдонини танлаш учун фойдали ишлаб чиқилаётган энергияни ҚҚ ва ШП юза майдонига боғлиқлигини яъни истеъмолчиларни энергия таъминоти шартини энергетик қурилмаларни асосий кўрсаткичларига боғлиқлигини тадқиқ қилиш керак.

Шундай қилиб ҚТЭ дан фойдаланишнинг муҳим кўрсаткичи ҳисоб даврида интеграл катталик деб қаралувчи алмашлаш коэффициенти

хисобланади. Ўрни қопланаётган (алмаштирилаётган) энергия киритилаётган ҚТЭ ни тасоддифий характерга эканлигининобатга олади. Бунинг учун энергия манбайнинг энергетик характеристикаларини тадқиқ қилиш ва уларни эҳтимоллик шаклида келтириш керак.

Назорат саволлари

5. Қайта тикланадиган энергия манбаларига қайси манъбалар киради?
6. Фотоэлектрик элементни ишлаш муддати қанча?
7. Ноанъанавий ва қайта тикланувчан энергия манбаларининг истиқбол эканлиги қандай кўрсатишга қараб аниқланади?
8. Жаҳонда биринчи ГЭС қаерда в қачон ишга туширилган?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ш.Мирзиёев. Эркин ва фаравон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, Ўзбекистон, 2016 й.56 б.
2. Ш.Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент, Ўзбекистон, 2017 й.48 б.
3. Ш.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўйитши керак.(Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтиосодий дастурнинг энг муҳим устувор йўнналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза) Тошкент, Ўзбекистон, 2017 й.104 б.
4. Ш.Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент, Ўзбекистон, 2017 й. 488 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сон Фармони. Ўзбекистон республикаси қонун хужжатларитўплами, 2017 й., 6-сон.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада

яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилано фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ1958-сонли қарори. Тошкент. 2013 йил 29 апрел.

7. А.А. Федоров, Л.Е. Стракова – Учебное пособие для курсового и дипломного проектирования. Москва. Энергоатомиздат 1997г.369с.

8. А. Раджабов, И.Ж. Тошев. Қишлоқ хўжалиги электр таъминоти. - Т., “Iqtisod-Moliya”, 2010 йил, 178 б.

9. Воронин С.М. Возобновляемые источники энергии и энергосбережение. / Воронин С.М., Оськин С.В., Головко А.Н. – Краснодар, КубГАУ, 2006, 267 с.

10. Вардиашвили А.Б. Ноанъавий ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишда энергия тежамкорлик. Ўқув қўлланма – Қарши, “Насаф нашр”, 2012й., 184 б.

11. Клычев.Ш.И., М.Мухамадиев и другие. Нетрадиционные и возобновляемые источники энергии.-Т.Изд-во ,Fan va texnologia,,2010 – 192 с.

12. Сибикин Ю.Д., Сибикин М.Ю. Нетрадиционные возобновляемые источники энергии. М.: РадиоСофт, 2008 – 228 с.

Хорижий адабиётлар

1. Detlef Lucius. *Planning of Electric Power Distribution. Technical Principles.* Siemens AG. Germany. 2015.

2. John Twidell and Tony Weir. *Renewable energy resources.* Taylor & Francis e-Library. Second edition, 2006.

3. Penni McLean-Conner Energy Efficiency: Principles and Practices PennWell Books USA, Oklahoma 2009. Number of pages: 194.

4. USA, Oklahoma 2009. Number of pages: 194 Renewable Energy Resources RoutledgeUnited Kingdom, 2015. Number of pages: 816.

5. Tony WeirRenewable Energy Resources Routledge United Kingdom, 2015. Number of pages: 816

Интернет сайтлари

1. www.ziyonet.uz – Зиёнет кутубхонаси
2. www.edu.uz – Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
3. www.gov.uz–Ҳукумат портали

4. www.nuu.uz – Ўзбекистон Миллий университети
 5. www.tiqxmmi.uz – Тошкент ирригация ва қишлоқ хўяжалигини механизациялаш муҳандислари институти

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-Амалий машғулот. ҚТЭМ ларга асосланган электроэнергетик тизимларида электротехник ускуналар ва жихозларини танлаш

1.1. Сим ва кабелларни ҳимоялашга оид масалалар

Электр таъминот линияларида бошкариш аппаратлари ва ҳимоя воситалари сифатида автоматлар, рубильниклар ва сақлагичлар (предохранителлар) қўлланилади.

Электр двигателларини ижро механизмлари ва задвижкалари (вентиллар) электр юритмаларини электр таъминот занжирларида автоматлар ва магнитли пускателлар ўрнатилиди. Айрим ҳолларда автоматлар ўрнига предохранителли рубильниклар ишлатилиди. Стационар ёритиш тизимлари занжирларида эса выключателлар ва предохранителлар қўлланилади.

Автоматларни танлашда қўйидаги шартларга риоя килиниши керак:

Автоматик выключателнинг номинал кучланиши электр тармоғи кучланишига teng ёки ундан катта бўлиши керак, $U_{авт} \geq U_T$.

Автоматнинг номинал токи ҳимоя қилинаётган электр приёмникнинг токидан катта бўлиши зарур, $I_{н.авт} > I_{Э.П.}$.

Автоматларнинг иссиқлик ва электромагнитли расцепителларининг номинал токи электр приёмникнинг номинал токига teng ёки ундан катта бўлиши керак, $I_{н.расц.} \geq I_{Э.П.}$.

Автоматик выключателни ўчирадиган ток уч фазали қисқа тутатиш токига teng ёки ундан катта бўлиши зарур, $I_{ап.авт.жч.} \geq I_{зф.к.т.}$.

Электр двигателларини таъминот линияларида электромагнитли расцепителнинг отсечка токи электродвигителни пуск (ишга тушириш вақтидаги) токининг 1,5...1,6 қийматидан кам бўлмаслиги керак: $I_{отс.расц.} \geq (1,5...1,6) \cdot I_{пуск.}$

Қисқа тутатишдан ҳимоя воситаси сифатида предохранителларни танлашда қўйидагиларга риоя қилиш керак:

- предохранителни номинал кучланиши тармоқ кучланишига teng ёки ундан катта бўлиши зарур, $U_{н.пр.} \geq U_T$;

- предохранителнинг номинал токи электр приёмнигининг номинал токига teng ёки ундан катта бўлиши шарт, $I_{н.пр.} \geq I_{н.Э.П.}$;

- предохранителнинг чегаравий (предел)коммутационқобилияти уч фазали қисқа қисқа тутатиш токидан кам бўлмаслиги керак, $I_{н.р.ком.} \geq I_{зф.к.т.}$.

- предохранителнинг плавкали вставка токи: $I_{пл.вст.} = I_{пуск} / \alpha$, бу ерда

α - электро приёмникларнинг иш шароитларини эътиборга оладиган коэффицент ($\alpha=2,5$ (1,6...2)).

- бир неча электроприёмникларни ҳимоя қилиш учун танланадиган предохранител (сақлагич)нинг плавкали вставка токи қуидагича бўлади:

$$I_{nL} = \left(\sum_1^{n-1} I_H + I_{\text{пуск.нб}} \right) / \alpha,$$

Бу ерда $\sum_1^{n-1} I_H$ - пусковой токи энг юқори бўлган электроприёмниксиз қолган бир вақтда ишлайдиган электр приёмникларнинг номинал токлари йиғиндиси, А; $I_{\text{пуск.нб}}$ –энг юқори пусковой ток .

- агар электр приёмниклар сони 1та гурухда 5 тадан кўп бўлса, у ҳолда

$$I_{nn} = \sum_1^{n-1} I_H + \frac{I_{\text{пуск.нб}}}{\alpha}.$$

1-масала. AC-50 маркали симдан ҳаво линиясида икки хил атроф мухит шароитида фойдаланишда рухсат этилган максимал юклама токини аниқланг:

- а) ҳавонинг ўртacha ҳарорати $+40^{\circ}\text{C}$ га teng бўлганда.
- б) ҳавонинг ўртacha ҳарорати -30°C га teng бўлганда.

Ечиш: Рухсат этилган максимал юклама ток(I^1) ни қуидаги формула билан топилади:

$$I^1 = I \sqrt{t - t^1 / t - t_o}, \quad (1.1)$$

бу ерда: I^1 берилган AC-50 маркали сим учун атроф-мухит ҳарорати 25°C бўлгандаги шароит учун каталогдан қабул қилинадиган рухсат этилган ток

қиймати; $\sqrt{\frac{t - t^1}{t - t_o}} = K_t$ – ҳарорат коэффициенти.

Ҳарорат коэффициентларни топамиз:

а) $+40^{\circ}\text{C}$ учун: $K_{t+40} = \sqrt{t - t^1 / t - t_o} = \sqrt{70 - 40 / 70 - 25} = 0,8$

б) -30°C учун: $K_{t-30} = \sqrt{70 + 30 / 70 - 25} = 1,49$

Каталогдан AC-50 сим учун рухсат этилган токни қабул қиласиз: $I=210\text{A}$.

Рухсатетилган токни ҳисоблаймиз:

а) $+40^{\circ}\text{C}$ учун: $I^1 = I \cdot K_{t+40} = 210 \cdot 0,8 = 168\text{A}$.

б) -30°C учун: $I^1 = I \cdot K_{t-30} = 210 \cdot 1,5 = 315\text{A}$.

Холоса. AC-50 маркали сим учун ташқи мухит ҳарорати $+40^{\circ}\text{C}$ бўлганда 168A бўлса, -30°C бўлганда 315A бўлар экан.

2-масала: Ўртacha ҳаво ҳарорати $+35^{\circ}\text{C}$ бўлган худудда жойлашган, юклама токи 220A ҳаво электр линияси учун алюмин симнинг қўндаланг кесим юзасини топинг.

Ечиш:

а) линиянинг ҳарораткоэффициентини аниқлаймиз:

$$K_{t+30} = \sqrt{70 - 35 / 70 - 25} = 0,88;$$

б) атроф мухит ҳарорати $+30^{\circ}\text{C}$ бўлганда сим орқали ўтадиган токни топамиз:

$$I = I^1 / K_{t+30} = 220 / 0,88 = 250\text{A}.$$

Каталогдан шу токка түғри келадиган кесим юзасини қабул қиласиз. Бу А-70 бўлиб унинг рухсат этилган токи 265А.

3-масала: 10кВ кучланишли иккита кабел линияси битта траншеяда жойлашган, оралиги 100мм ва ернинг ҳарорати 20°C бўлса, улар орқали узатиладиган қуввати 3000 кВ ва қувват коэффициенти Cosφ = 0,8 кабеллар толалари юзаси аниқланг. Умумий қувват 3000 кВт иккала кабел орқали бир хил тақсимланган.

Ечиш: Битта кабел орқали ўтадиган токни топамиз:

$$I^1 = P / 2 \cdot \sqrt{3} \cdot U \cdot \cos\phi = 3000 / 2 \cdot \sqrt{3} \cdot 10 \cdot 0,8 = 108,4 \text{ A}$$

Иккита кабел ёнма-ён битта траншеяда жойлашган ва ернинг ҳарорати 20 °C бўлганини ҳисобга олган ҳолда кабелдан ўтадиган токнинг реал қийматини топамиз.

Битта траншеяда иккита кабел 20 °C ҳароратли тупроқка ётқизилганлигини ҳисобга олганимизда унинг юклама токи қўйидагича топилади:

$$I \geq I^1 / K_t \cdot K_i = 108,4 / 0,90 \cdot 0,88 = 136,8 \text{ A},$$

$$K_{t20} = \sqrt{60-20 / 60-15} = 0,88; K= 0,95 \text{ каталогдан}.$$

Каталогда ушбу токкайқин ток 140А учун мос кабел кўндаланг кесимни танлаймиз. Алюминийтолали 30x50мм² кабел, мистолали 3x35мм² кабел 150А ток учун москелади.

4-масала. Қуввати 6000 кВт, қувват коэффициенти cosφ = 0,85 трансформаторнинг 6кВ ли тақсимлаш шкафига 3x95 мм² мис толали учта бир биридан 200мм масофада ҳарорати +10 °C бўлган тупроқка ётқизилган кабел киритилган. 6000кВт қувват узатилаётган ушбу кабелларнинг қизиш ҳароратини аниқланг.

Ечиш. Ҳар бир кабел орқали ўтадиган токни топамиз:

$$I^1 = P / 3 \cdot \sqrt{3} \cdot U_n \cdot \cos\phi = 6000 / 3 \cdot 1,73 \cdot 6 \cdot 0,85 = 227 \text{ A}.$$

Кабел ётқизилган муҳит ҳарорати ва кабеллар сонини ҳисобга олган ҳолда кабелга рухсат этилган токни топамиз. Мис толали 3x95 мм² кабел учун рухсат этилган токни каталогдан қабул қиласиз. I=295A юқорида ҳисобланган K_{tю} ва K_п ларни ҳисобга олган ҳолда кабеллар толасидан ўтаётган юклама ток I¹ ни топамиз:

$$I^1 = K_n \cdot k_t \cdot I = 0,87 \cdot 1,05 \cdot 295 = 269 \text{ A}.$$

Битта траншеяда ётқизилган 3 та кабелнинг юклама токи ўзгаришини ҳисобга оловчи коэффициент K_п ни каталогдан қабул қиласиз:

$$K_n = 0,87;$$

Худди шунингдек, кабел ётқизилган тупроқ ҳарорати +15 °C дан бошка, яъни +10 °C бўлгани учун юклама токига таъсирини ифодаловчи ҳарорат коэффициенти k_t ни топамиз:

$$k_t = \sqrt{\frac{t - t_0^1}{t - t_0}} = \sqrt{\frac{65 - 10}{65 - 15}} = 1,05.$$

t=65 кабел толасининг рухсат этилган ҳарорати.

Кабелнинг қизиш ҳароратини қўйидаги формула билан ҳисоблаймиз:


$$I^1 = I \cdot \sqrt{tx - 10/65 - 15} \quad t_x = 60^\circ\text{C}.$$

Бу ҳарорат рухсат этилган ҳароратдан ($+65^\circ\text{C}$) кам.

Демак, ерга ётқизилган кабеллар 6000 кВт қувватли $3 \times 95 \text{ mm}^2$ мис толали симнинг қизиш ҳароратибизниңониқтираолади.

1.2. Ички электр тармоғлари хисоби (2 соат)

1-масала. Ташқи ва ички электр тармоғи схемаси 1.1-расмда келтирилган таъмирлаш устахонасида ўрнатилган қўрсаткичлари 5.3-жадвалда келтирилган электр моторлар ва ёритиш лампаларни химоялаш воситаларини ўрнатилиш жойларини аниқланг ва уларни ишга тушиш токларини аниқланг.




1.1-расм. Ҳисоблаш схемаси.

1.1-жадвал

Истеъмолчила	Асинхрон моторлар				Электр Д	Ёрит иши лампалари
	Д	Д	Д	Д		
1	2	3	4			
Куввати Р кВт	2 0	2 .8	1 4	1 4	1 4	8
Тур	Ф .р.	К .т.	К .т.	К .т	К	-
Ишга тушиш токинингноминал токидан неча маротаба катталиги $K_i = I_{ишт}/I_n$	1 .6	6 .0	5 .0	5 .0	5	1.0
Фойдалиишкоэффициенцияни	0 .88	0 .84	0 .88	0 .88	0	-
Кувваткоэффициентис осф	0 .9	0 .85	0 .88	0 .88	0	1.0

Юкланишкоэффициен ти $K_{\text{ю}}$.9	0	1	.95	0	.0	1	1.0
--	----	---	---	-----	---	----	---	-----

Ечиш. 1.2-расмдаги истеъмолчиларни таъминловчи ички электр тармоқ ва магистрал линияларни эрувчан сақлагичлар билан ҳимоялашни қабул қиласиз ва уларни ўрнатилиш жойларини белгилаймиз (1.2-расм):



1.2-расм. Жойлаштирилган электр моторлар ва электр ёриткичларни ҳимоя воситалари (эрувчан сақлагичлар) кўрсатилган электр тармоқлари схемаси.

Истеъмолчиларни номинал, ишчи ва ишга тушириш токлари бўйича эрувчан сақлагичлар токларини топамиз.

1) Ёритиш линиясини номинал токи: $I_{\text{н.л}} = P_{\text{л}} / \sqrt{3} U_{\text{н.}} = 8 / \sqrt{3} \cdot 0,38 = 12,2 \text{ A}$
 $I_{\text{н.л}} = 12,2 \text{ A}$ ниқабулқиласиз $I_{\text{о.с.}} = 15 \text{ A}$.

Тақсимлаш шити 2учун 3 ва 4 моторларнинг номинал ишчикотлари:

$$I_{3,4} = P / \sqrt{3} U_{\text{н.}} \cdot \cos \varphi \cdot \eta = 14,0 / 1,73 \cdot 0,38 \cdot 0,88 \cdot 0,88 = 27,4 \text{ A.}$$

$$\text{Ишчи } 3 = I_{\text{н.}} \cdot K_{\text{юкл.3}} = 27,4 \cdot 0,95 = 26,3 \text{ A.}$$

$$\text{Ишчи } 4 = I_{\text{н.}} \cdot K_{\text{юка 4}} = 27,4 \cdot 1 = 27,4 \text{ A.}$$

$$I_{\text{о.с.}} > I_{\text{н.}} \cdot K_{\text{i}} / 2,5 = 27,4 \cdot 5 / 2,5 = 60 \text{ A.}$$

Тақсимлаш шити 1 учун. Биринчи электрмоторни номинал ишчи токи:

$$I_{\text{н1}} = P_1 / 3 \cdot \cos \varphi \cdot \eta = 20 / 1,73 \cdot 0,38 \cdot 0,9 \cdot 88 = 38,4 \text{ A.}$$

$$\text{Ишчи ток} = I_{\text{н1}} \cdot K_{\text{юкл1}} = 38,4 \cdot 0,9 = 34,6 \text{ A.}$$

Фаза роторли электромоторлар учун:

$$I_{\text{о.с.}} > I_{\text{иши}} = 34,6 \text{ A}$$

Эрувчан сақлагич токини қабул қиласиз $I_{\text{о.с.}} = 35 \text{ A}$.

Иккинчи мотор номинал ишчи токи:

$$I_{\text{н2}} = P_2 / 3 U \cos \varphi \cdot \eta = 2,8 / 1,73 \cdot 0,38 \cdot 0,84 \cdot 0,85 = 5,96 \text{ A.}$$

$$\text{Ишчи ток 2} = I_{\text{н2}} \cdot K_{\text{юкл 2}} = 5,96 \cdot 1 = 5,96 \text{ A.}$$

$$I_{\text{о.с.}} > I_{\text{н2}} \cdot K / 2,5 = 5,96 \cdot 6 / 2,5 = 14,3 \text{ A.}$$

Эрувчан сақлагич токини қабул қиласиз: $I = 15 \text{ A}$.

РШ – 1 ва РШ – 2 орасидаги электр тармоқни ҳимояловчи эрувчан сақлагичнинг номинал токини топамиз:

$$I_{\text{э.с.}(max)} = \Sigma 27,4 + \frac{27,4 \cdot 5}{2,5} = 82,2 \text{ A}$$

Қабулқиламиз: $I_{\text{э.с.}} = 100 \text{ A}$.

ТП ваРШ – 1 оралиғидаги магистрал электр тармоқни ҳимояқилувчи әрүвчан сақлагиң токини топамиз:


$$I_{\text{э.с.маг}} = m(\Sigma I_p + \frac{I_{\text{нн}}}{2,5}) = 0,85(27,4 + 34,6 + 14,3 + \frac{27,4 \cdot 5}{2,5}) = 111,4 \text{ A}$$

Қабулқиламиз: $I_{\text{э.с.маг}} = 150 \text{ A}$.

Буердам – истеъмолчиларни бир вақтда ишлаш коэффициенти $-0,85$.

2,5 қисқа туташтирилған роторлы электр моторларни ишга тушириш шароити инобатта оладиган коэффициент. Масалани шартида күрсатылмаганлиги учун биз нормал режимни қабул қиласиз, яғни $\alpha = 2,5$.

2-масала: 1.3-расмда келтирилған истеъмолчиларни ҳимоя қилиш учун автоматлар ва әрүвчан сақлагиңларни танланг. Тармоқнинг номинал кучланиши 0,380 В. Электр моторлар ва ёритиш тармоқлар күрсаткичлари 1.2-жадвалда келтирилған.



1.3-расм. Истеъмолчиларнинг электр тармоғи схемаси

1.2-жадвал

Электр моторлар ва ёритиш ускуналари күрсаткичлари

Истеъмолчиларнингкүр саткичлари	Эл.моторлар			Ёритиштармоклари
	M1	M2	M3	
Куввати P, кВт	7 5	55	13	9
Фойдаланиш коэффициенти η	,92	0	0,9	0,8 8
Кувват коэффициенти $\cos \varphi$,92	0	0,92	0,8 9
Ишга тушириш токининг каралиғи K _i	6	7	6	—

Юкланиш коэффициенти K _ю	,8	0	0,8	0,8	1
--	----	---	-----	-----	---

Магистрал тармоқта истеъмолчиларни бир вактда уланиш коэффициенти $m=0,9$.

Ечиш: 1). Эл.моторларни номинал токларини қуидаги ифода орқали аниқлаймиз:

$$I_n = P / \sqrt{3} \cdot U_n \cdot \cos\varphi \cdot \eta$$

$$I_{nm1} = 75 / \sqrt{3} \cdot 0,38 \cdot 0,92 \cdot 0,92 = 135A$$

$$I_{nm2} = 55 / \sqrt{3} \cdot 0,38 \cdot 0,92 \cdot 0,92 = 99,0A$$

$$I_{nm3} = 13 / \sqrt{3} \cdot 0,38 \cdot 0,88 \cdot 0,89 = 25,2A$$

Электр моторларни ишчи токларини ҳисоблаймиз. $I_{иш} = I_n \cdot K_{ю}$

$$I_{m1иш} = 135 \cdot 0,8 = 108A; I_{m2(иш)} = 99 \cdot 0,8 = 79A; I_{m3(иш)} = 25,2 \cdot 0,8 = 20,2A;$$

Электр моторларни ишга тушириш токларини ҳисоблаймиз.

$$I_{1(и.т)} = I_n \cdot K_i = 135 \cdot 6 = 810A; I_{m2(и.т)} = 99 \cdot 7 = 693A; I_{m3(и.т)} = 25,2 \cdot 6 = 151A;$$

Ёритиш электр тармоғи номинал токини топамиз.

$$I_n = P / \sqrt{3} \cdot U_n = 9 / 1,73 \cdot 0,38 = 13,7A$$

Трансформатор подстанция ва юқори кучланиш шити (ТП – ЮКШ) оралиғидаги магистрал линияни ишчи токини топамиз.

$$I_{маг.иш.} = m \sum I_{M(иш)} = 0,9 (108 + 79 + 20,2 + 13,7) = 199A$$

Магистраллиниянимаксимал токи.

$$I_{max} = m \sum I_{M(иш)} + I_{\frac{ht.m.1}{\alpha}} = 0,9 (79 + 20,2 + 13,7) + \frac{810}{2,5} = 523A.$$

Электр моторларни химояқилиш учун қуидаги шартлар бўйича автоматик узгичлар танлаймиз:

$$1) I_{n,авт} > I_{иш}; \quad 2) I_{n,расц} > I_{иш}; \quad 3) I_{расц.иш} \geq 1,25 I_{max}$$

Биринчи электр мотор ҳимояси учун А 3134 типли автоматик узгични қабул қиласиз ва уни кўрсаткичлари юқоридаги шартларни бажаришини текширамиз.

Биринчи шарт бўйича номинал ток $I_{n,авт} = 200A > I_{иш} = 108A$ – шарт бажарилган. Иккинчи шарт бўйича $I_{n,расц} = 120A > I_{иш} = 108A$ шарт бажарилган.

$$\text{Учинчи шарт бўйича } I_{расц.иш} = I_{n,расц} \cdot K_i = 120 \cdot 6 = 720A$$

$$1,25 \cdot I_{иш} = 1,25 \cdot 810 = 1010A > I_{расц.иш} = 720A$$

Учинчи шарти бажарилмади. Шунинг учун автоматни расципителини номинал токини $I_{n,расц} = 170A$ қабулқиласиз.

$$\text{Унда расципителни ишлаш токи } I_{расц.иш} = 170 \cdot 7 = 1190A > 1010A.$$

Иккинчи моторни ҳимояси учун А 3114/1 автоматик узгич қабул қиласиз. Уни номинал токи 100А ва расцепителниш токи 100А

$$1,25 I_{\max} = 1,25 \cdot 693 = 866\text{A.}$$

$$I_{\text{расц.иш}} = I_{\text{расц.номи}} \cdot K_{\text{ср}} = 100 \cdot 10 = 1000\text{A}$$

$$I_{\text{расц.и.т.}} = 1000\text{A} > 1,25 I_{\max} = 866\text{A}$$

Шарт бажарилди.

Учинчи моторни ҳимояқилиш учун АП-50 автоматик узгич қабул қиласиз, уни ишлаш токи $I_{\text{н.расц}} = I_{\text{иш}} = 40\text{A}$

$$I_{\text{н авт}} = 50\text{A} > I_{M3\text{ н}} = 20,2\text{A}$$

$$1,25 I_{\text{и.т}} = 1,25 \cdot 151 = 189\text{A}$$

$$I_{\text{расц.иш}} = I_{\text{н.расц.}} \cdot K_i = 40 \cdot 7 = 320\text{A}$$

$$320\text{A} > 189\text{A}$$

Демак қабул қилинган автомат шартларни қаноатлантиради.

Ёритиш электр тармоғини ҳимояси учун қуидаги шартлар бўйича эрувчан сақлагич қабул қиласиз.

$$I_{\text{o.c}} \geq I_{\text{иш токи}} = 13,7\text{A.}$$

Эрувчан сақлагични номинал токини $I_{\text{o.c}} = 15\text{A}$ қабул қиласиз.

Магистрал линияни ҳимояси учун А 3144 типли автоматик узгич қабул қиласиз, уни номинал токи 600А. Автомат расцепителининг номинал ишлаш токи 250А.

$$I_{\text{расц.иш}} = I_{\text{н.расц.}} \cdot K_i = 250 \cdot 6 = 1500\text{A}$$

$$1,25 \cdot I_{\max} = 1,25 \cdot 911,5 = 1156\text{A.}$$


$$17500\text{A} > 1156\text{A.}$$

Қабул қилинган автоматик узгич талабга жавоб беради.

2- амалий машғулот:Лойиҳаланаётган қишлоқ хўжалик объектлари ва аҳоли турар жойларидаги юкламаларни ҳисоблаш

1 - масала

Сув хўжалик обьекти ва қишлоқ жойларидаги электр истемолчилар кучланиши 10/0,4 кВ.ли трансформатор подстанциясининг 0,4 кВ.ли электр тармоғига 1 - расмда кўрсатилган тартибда уланган. Истемолчиларнинг кундузги ва тунги юкламалари хар бир обьект остида $P_{\text{кун}}/P_{\text{тун}}$ кўринишида берилган. Электроассос қурилмасининг юкламаси электр двигател қувватига тенг деб олинган. Ҳисоблаш учун маълумотлар 1- жадвалда берилган. Электр тармоғининг лойиҳа ҳисобини бажаринг.



1 - расм. Истеъмолчилярнинг 0,4 кВ кучланиш тармоғига уланиш схемаси

4 6/8 - Объектнинг номери, кундузги/тунги юкламаси, кВ•А

ЕЧИЛИШИ:

Тадқиқот натижалариға кўра йирик Суғориш насос станциясининг ўрнатилган қуввати $P_y = 56$ кВА.

Ҳисоб пайтида ўртача қувватдаги пайвандлаш устохонасининг юкламасини қўйидагича деб белгилаймиз: пайвандлаш цехидаги максимал ишловчи ускуналарнинг юкламаси $P_y = 47$ кВА деб, пайвандлаш цехининг кундузги юкламаси $S_{кун} = 20$ кВА, $S_{тун} = 10$ кВА оламиз. У ҳолда мутаносиблик коэффициенти бўйича:

$56 / 47 = 1,2$ ни топамиз ва шунга кўра $S_{кун} = 20 \cdot 1,2 = 24$ кВА, $S_{тун} = 10 \cdot 1,2 = 12$ кВА. Агар истеъмолчининг юкламаси тўла қувватда берилган бўлса уни қувват коэффициенти ёрдамида актив тга ёки токка айтанириш мумкин.

Энергия назорати маълумотларига кўри аҳоли яшаш пунктлари, қишлоқлар ва турар жойлар учун энг кам энергия истемол қиливчи 1 хонали ўй учун (500 кВт•с/уй) қабул қилинган. Ушбу маълумот ўтган йил ҳисоби бўйича бир йилда истемол қилинган энергия миқдорига tengdir.

Ёки ўртача олинган ҳисоб – китобларга кўра газлаштирилган, бир хонадан иборат хонадонлар учун йиллик электр энергия истемоли 500 - 700 кВт•с/уй қабул қилинган. Яъни кундузги ўртача юклама 500 кВт•с/уй, кечкурунги-тунги юклама эса 700 кВт•с/уй ёки $P_{кун} = 500$ Вт•с = 0,5 кВт•с; $P_{кеч(тун)} = 700$ Вт•с = 0,7 кВт•с ни ташкил этади. Икки ва ундан ортиқ хонадан иборат газлаштирилган хонадонлар учун $P_{кун} = 1000$ Вт•с; $P_{тун} = 1500$ Вт•с; 4 - 5 хонали тўла жиҳозланган ҳовли учун $P_{кун} = 2000$ Вт•с; $P_{тун} = 2500$ Вт•с;

Худди шундай электр плитаси билан $P_{кун} = 2500$ Вт•с, $P_{тун} = 4000$ Вт•с қабул қилинган. Лойиҳаланаётган объектларнинг юкламаси эса келгуси йил

учун олиниши керак. Бунинг учун 7 йиллик келажак ўсишни инобатга олиб электр энергининг миқдорини номограммадан фойдаланиб топиш талаб этилади.

1 – жадвал. Электр истемолчи объектнинг тартиб рақами ва юкламаси

Тартиб рақами	Объект		Юкламаси	
	Номи	сони	S _{кун,} кВА	S _{тун,} кВА
1	Пайвандлаш цехи	1	22,0	22,0
2	Ошхона 50 ўринли	1	22,0	22,0
3	Болалар боғчаси	1	6,0	8,0
4	Магазин	1	6,0	8,0
5	Сув тозалаш иншооти	1	4,0	1,0
6	7 хонали уй	1	1,0	4,9
7	10 хонали уй	1	1,3	6,5
8	10 хонали уй	1	1,3	6,5
9	5 хонали уй	1	0,8	3,8
10	7 хонали уй	1	1,0	4,9
11	2 хонали уй	1	0,3	1,7
12	5 хонали уй	1	0,8	3,8
13	5 хонали уй	1	0,8	3,8
Н	Техник сув насос қурилмаси	2	4	1
ИСН	Ичимлик сув насос қурилмаси	2	10	10
ДН	Дренаж насолари	5	1,0	4,9
ОН	Оқава сув насослари	3	7,0	1,0

Бу қиймат 1000 В•А/уй деб қабул қилинади. Ҳисобланадиган бўлим (ток тарқалиш нуқтаси)га бир нечта уй уланган бўлса, у ҳолда уйларнинг юкламаси ($P_1, P_2, P_3 \dots P_n$) × сони(n) × ёппасига ишлаш коэффициенти (K_e), яъни:

$$P = \sum P \times n \times K_e$$

куринишида ҳисобланади.

Кўча ёритгичларининг юкламаси иловадаги 3 - жадвалга қўра олинади. 1-11 - бўлимлардаги кўчанинг кенглиги 20 метрдан ортиқ бўлиб узунлиги 1,3


км. Электр ёритгичларнинг юкламаси 2,6 кВт; 1-18 бўлимда ишлаб чиқариш корхонасининг ҳовлиси жойлашган ва унда 7 та ёритиш курилмаси ўрнатилган. Ёритгичлар 150 Вт.ли лампа билан жиҳозланган.

$$\text{Умумий қувват: } 0,15 \times 7 = 1,1 \text{ кВт} \quad \text{га тенг.}$$

Кўча ёритгичларнинг умумий қуввати:

$$2,6 + 1,1 = 3,7 \text{ кВт.}$$

Чунки кечқурунги юклама $S_{\text{тун}} = P_{\text{к.е.}}$, кўча ёритгичлари бир вақтда ишлаганлиги сабабли $\kappa_{\text{е}} = 1$ деб қабул қилинган.



2 – расм. Қишлоқ хонадони учун йиллик электр энергияси сарфини аниқлаш номограммаси.

Аҳоли тура жойлари ва ишлаб чиқариш обьектларининг юкламаси ҳам обьект **сони** × **юкламаси** × **ёппасига ишлаш коэффициенти** кўринишида ҳисобланади. Линияларнинг юкламасини ҳисоблашни линиянинг охридан бошига қараб ҳисоблаш қулайдир. Масалан 5-6 бўлимлар.

Ушбу бўлимга уйларнинг учта гурухи (6, 7 ва 8) уланган. Номограммадан юкламани топишда ҳоҳлаган бир ўққа 7 нуқтага уланган иккита уйнинг кечқурунги юкламаси (1,7кВА)ни қўйиб ва бошка ўққаб нуқтадаги юклама (4,9кВА)ни қўямиз. Перпендикуляр чиззиқларнинг кесишиш нуқтасидан пастга тушурилган жойдан йифинди юклама 5,9 кВАни топамиз. Унга 6 ва 8 бўлимдаги юклама 3,8 ни қўшамиз. Шундай қилиб 5 ва 6

нуқталар оралиғидаги йиғинди юклама 8,2 кВА лиги ҳисобланади. (Иловадаги 12 - жадвал).

Кундузги юкламалар ҳам шу усулда ҳисобланади.

1 кВА.дан паст бўлган юламаларни ҳисоблашда номограмманинг масштаби 10 мартага кичрайтирилади, яъни 0,3 ва 1,0 кВА.ли юкламалар 3 ва 10 кВА қабилида олинади.

Йиғинди юклама:

$$11,7 : 10 = 1,7 \text{ кВА.}$$

4-5 бўлимдаги юклама 5-6 бўлимлардаги юкламаларни жамлаш:

$$(S_{\text{тун}} = 8,2 \text{ кВ•A}, S_{\text{кун}} = 1,65 \text{ кВ•A})$$

ва 5 нуқтага уланган юклама:

$$(S_{\text{тун}} = 3,8 \text{ кВ•A}, S_{\text{кун}} = 0,8 \text{ кВ•A} \text{ ва x.k.}).$$

5-6 бўлимдаги юкламани ёппасига ишлаш коэффициенти ёрдамида ҳисоблаб жамлаш йўли билан топилади. Бу ҳолат учун 7+2+5 уйлан 1,0 кВАли юкламага эга. Булимдаги юклама 14 кВА.га тенг.

14 та истемолчи учун ёппасига ишлаш коэффициенти 0,6 га тенг шу сабабли ҳисоблашда:

$$14 \times 0,6 = 8,4 \text{ кВА. лигини аниқлаймиз.}$$

$$4-5 \text{ бўлимдаги кечки юклама } 19 \cdot 0,55 = 10,5 \text{ кВ•A} \text{ ва x.k.}$$

Иstemolchilarning кириш қисмидаги юкламаси ўзаро 4 мартада ортиқ фарқ қилса улар алоҳида гурухларга ажратилиб ҳисобланади. Бу ерда ҳам ёппасига ишлаш коэффициентининг истемолчилар сонига мос келувчи киймати олинади.

Масалан 1-12 бўлим учун кечки юклама алоҳида жамланади, чунки энг кам юклама 7,0 кВА ва энг катта юклама 22,0 бўлиб тафовут 3 мартани ташкил этади.

1-12 бўлимдаги кечки йиғинди юклама қуидагича топилади:

$$(22 + 22 + 8 + 8 + 10 + 12 + 7) \cdot 7 = 62,3 \text{ кВ•A.}$$

Ушбу бўлимдаги энг кам кундузги юклама 4,0 кВ•A ва энг катта юклама 22 кВ•A фарқ 4 мартадан ортиқлиги сабабли юкламалар алоҳида гурухларга ажратилади.

Биринчиси: $(22 + 22 + 10 + 24) \cdot 0,75 = 58,5 \text{ кВ•A,}$

Иккинчиси: $(6 + 6 + 4) \cdot 0,8 = 12,8 \text{ кВ•A.}$

1-12 бўлимлар орасидаги юкламани номограмма ёрдамида жамлаб йиғинди юклама 66 кВА.га тенглигини топамиз.

Трансформатор подстанциясидаги қувватни топиш учун узатилувчи линиялардаги юкламалар ёппасига ишлаш коэффициентига кўпайтирилиб жамланади, сўнгра кўча ёритгичларининг юкламаси ҳам қўшилиб жамлангач йиғинди юклама топилади.

Хисоб схемаларини тузишда (1-расм) трансформаторнинг чиқиш қисми ва тарқатиш шинасидаги бўлимни 0-1 бўлим деб белгилаш мақсадга мувофиқдир. Бу белгилаш компьютер дастурларни тузиш ёки электрон ҳисоблаш машиналарида юкламани ҳисоблашда қулай усул ҳисобланади.

1 - жадвалдаги маълумотларга кўра трансформатор подстанциясининг чиқиши қисмидаги 0 - 1 бўлимдаги юклама қўйидагича ҳисобланади:

$$S_{\text{тун}} = 76,0 + 3,7 = 79,7 \text{ кВ•A}$$

Трансформаторнинг кучланиши 0,38 кВ ва 10 кВ ли шиналардаги қувват коэффициенти илованинг 6 - жадвалидан кундузги ва кечки юкламаларнинг қийматига кўра солишириш йўли билан топилади.

$$S_{\text{кун}} / S_{\text{кеч}} = 71 / 79,7 = 0,89 \quad \cos\phi_{\text{кун}} = 0,8; \quad \cos\phi_{\text{тун}} = 0,89$$

Подстанциядаги юкламаларни линияларга ажратмай тахминий ҳисоблашда истемолчиларнинг юкламалари гурухларга ажартилиб ҳисобланади. Жамлашда юклама тафовути 4 мартадан ортмаслилига эътибор қаратилади. Хар бир гурухга мос ёппасига ишлаш коэффициенити кўпайтирилиб номограммадан ҳисобий юклама аниқланади. Масалан кечки юклама учун барча истемолчилар иккита гурухга бўлинib қўйидагича ҳисобланади:

$$\text{Биринчи гурух: } (22 + 22 + 8 + 8 + 10 + 12 + 7) \times 0,7 = 62,3 \text{ кВ•A},$$

$$\text{Иккинчи гурух: } 58 \text{ уй} - 1 \text{ кВ•A} \text{ ва оқава сув насолари } 1 \text{ кВ•A}, \\ \text{яъни } 59 \cdot 0,4 = 23,6 \text{ кВ•A}.$$

Номограмма ёрдамида жамланган йифинди юклама 77 кВА ни ташкил этади. Ташқи ёритгичлар эса 3,7 кВА бўлганлиги боис умумий юклама 80,7 кВА. ни ташкил этади.

Объект учун стандарт қуввати 100 кВА бўлган трансформаторни танлаймиз.

Эслатма: истемолчиларнинг юкламасини ўрнатилган қувватни ёппасига ишлаш коэффициентига кўпайтириб топилган маълумот, юкламани номограмма ёрдамида йўли билан аниқланган маълумотдан 7% гача фарқ қилиши мумкин.

2 - жадвал. Истемолчилар юкламасининг бўлимларга тақсимланиши


№	Ҳисобланётга н бўлим	Кундузг и юклама, кВ•A	Тунг и юклама, кВ•A	Ташқ и ёритгичлар , кВ•A
1.	0-1	71,0	76,0	
2.	1-2	11,0	25,0	
3.	2-3	10,5	22,5	
4.	4-5	2,95	14,1	
5.	5-6	2,15	10,5	
6.	6-7	1,65	8,2	
7.	6-8	0,8	3,8	3,7
8.	3-9	7,9	8,0	
9.	9-10	7,5	5,4	
10.	10-11	7,0	1,0	
11.	1-12	65,0	62,3	
12.	12-13	63,0	56,0	
13.	13-14	33,0	23,0	
14.	14-15	10,0	10,0	

15.	14-16	24,0	12,0	
16.	13-17	37,5	35,5	
17.	17-18	22,0	22,0	

2 – масала

Сув хўжалик обьекти ва қишлоқ жойларидағи электр истемолчилар кучланиши 10/0,4 кВ.ли трансформатор подстанциясининг 0,4 кВ.ли электр тармоғига 5 - расмда кўрсатилган тартибда уланган. Истемолчиларнинг кундузги ва тунги юкламалари хар бир обьект остида $P_{кун}/P_{тун}$ кўринишида берилган. Электронасос қурилмасининг юкламаси электр двигател қувватига тенг деб олинган. Ҳисоблаш учун маълумотлар 1 - жадвалда берилган.

Объектни лойиҳалаш ҳисобини бажаринг.



5 - расм. Истемолчиларнинг 0,4 кВ кучланиш тармоғига уланиш схемаси

3 - Амалий машғулот. ҚТЭМ ларни қўллашга мисоллар

Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожланиши, янги турдаги қишлоқ хўжалик махсулотларига бирламчи ишлов бериш корхоналарини қўпайиши ва уларда янги техника технологияларни кенг қўлланиши кескин ва кўп микдорда қўшимча энергия ресурсларини талаб қиласди. Хозирги кунда қишлоқ хўжалик обьектлари ва аҳоли туар жойларини электр таъминотида тез-тез узилишлар ҳосил бўлмоқда. бу ерда алтернатива сифатида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш долзарб муаммо бўлмоқда.

Амалий машғулотларда қуёш электр станциясининг параметрларини аниқлаш, фермер хўжалигига иссиқлик энергия олиш учун биоёқилгидан фойдаланиш ва аҳоли туар жойларида иссиқ сув аккумулятори қувватини аниқлаш масалалари келтирилган.

1-масала

Харбири $F_{\text{э}} \cdot M^2$ юзага эга булган, минорали турдаги күёш электростанциясида н гелиостатлар урнатилган. Юкори энргетик ёритиши $H_{np} = 2,5 \text{ MBm} / \text{m}^2$ сиртига кайд этилган гелиостатлар, күёш нурларини приёмникда (кабул килувчи) аксэттиради. Гелиостатнинг акс эттириш коэффициенти $R_2 = 0,8$, приемникнинг ютиш коэффициенти $A_{np} = 0,95$, гелиостат ойнасининг юкори нурланиши $Hg = 600 \text{ Bm} / \text{m}^2$.

Агар иссиклик ташувчининг ишчи температураси $t^{\circ}\text{C}$ ни ташкил қиласа, приемник сиртининг майдони F_{np} ва нур сочишва конвекция чакириш окибатида ундаги иссиклик йуқолишини аникланг. Приёмникнинг коралик даражаси $\ell_{np} = 0,95$. Конвектив йуқолиш 2 баробар нур сочиш йуқолишидан кам.

Биринчи масала күёш нурларини приёмникка йуналтирувчи гелиостатлардан фойдаланиб, минорали турдаги электростанцияларда күёш энергиясидан фойдаланишга бағишенланган. Бунда пировард натижада, бу глитурбинани ишлаши учун кизитилган сув буги хосилкилиниади.

Приёмникнинг гелиостатлар оркали күёшдан олган энергияси (Вт) куйидаги тенглама буйича аникланиши мумкин.

$$Q = R_2 \cdot A_{np} \cdot F_2 \cdot H_2 \cdot n \quad (1)$$

буерда Hg – гелиостат кузгусининг нурланганлиги Bt/m^2 да (типик шароитлар учун $Hg=600 \text{ Bt/m}^2$);

F_2 – гелиостат сиртининг майдони, m^2 ;

n – гелиостатлар сони;

R_2 – концентратор кузгусининг акс этиш коэффициенти, $R_2 = 0,7 \div 0,8$;

A_{np} – приемникнинг ютиш коэффициенти, $A_{np} < 1$.

Агар приемникда энргетик ёритилганлик $H_{np} \text{ Bm/m}^2$ маълум булса, , у холда приемник сиртининг майдони аникланиши мумкин.

$$F_{np} = Q / H_{np} \quad (2)$$

Умумий холда приемник сиртидаги харорат $t_{\text{пов}}=1160\text{K}$ га этиши мумкин, бу эса иссиклик ташувчини 700°C гача иситишга имкон беради. Иссиклик кабул килувчи курилма данурланиш хисобига иссиклик йуқотилишини Стефан-Больцман конунига кура хисоблаб чикиш мумкин:

$$q_{\text{луч}} = E_{np} \cdot C_o \cdot (T/100)^4, \text{ Bt/m}^2, \quad (3)$$

Буерда T -иссиклик ташувчининг абсолют харорати, К;

E_{np} – приемник кул ранг жисмининг коралик даражаси;

Со-абсолют кора жисмининг нурланиш коэффициенти, $\text{Bt}/(\text{m}^2\text{K}^4)$

2-масала

н та сигирнинг гунгини кайта ишлаб чиқарувчи хамда унинг иссиқлик босимини N,(Bm) таъминловчи курилмадаги биогазогенераторнинг хажми V₆ ва биогазнинг кунлик чикишини V₂ ни аникланг. $t = 25^\circ C$ хароратда ачитиш (кайнаш) цикл вакти $\tau = 14$ кун; битта хайвондан куруқ ачитиш натижасида материалнинг чикиш тезлиги W=2кг/кун давом этади; куруқ массадаги биогазнинг чикиши $y=0,24\text{м}^3/\text{кг}$. Биогазда метан 70 % ни ташкил этади. Ёндирувчи курилманинг ФИКи η . Биогаза генераторнинг массасида тақсимланган қуруқ материалнинг зичлиги $\rho_{cuy} \approx 50\text{кг}/\text{м}^3$. Одатий физика шароитларда метаннинг ёниш иссиклиги $Q_H^P = M\text{Дж}/\text{м}^3$.

Тўртинчи масала кишлоқ хужалик корхоналари ва фермаларда био ёкилғи энергиясини иссиқлик ёки электр энергиясига айлантириш учун фойдаланиш муаммосига багишлиланган. Био ёкилғи турларидан бири булиб, хайвонлар хаёт фаолиятининг чикиндилари (гунги) хисобланади, улар кайта ишланганда (ачитилганда), биогаз огенераторларда биогаз олиш мумкин; унинг таркибига (хажмибуйича 70%) метан киради; метаннинг ОФШ да ёниш иссиклиги $Q_H^P = 28M\text{Дж}/\text{м}^3$.

Сув, гунг ва ферментлардан ташкил топган субстратнинг тўлиқ ачитиш вакти, хароратга караб 8 суткадан 30 суткагача узгаради. Субстратдаги куруқ материалнинг зичлиги $\rho_{cuy} \approx 50\text{кг}/\text{м}^3$. биогазнинг 1 кг куруқ материалдан бир суткада чикиши тахминан $V_2 = 0,2 \div 0,4\text{м}^3/\text{кг}$. куруқ ачитиладиган материални биогазогенератор (метантенк) га W бериш тезлиги хайвонларнинг турига ва уларнинг фермадаги сонига боғлиқ.

Агар то (кг/сут) оркали куруқ ачитиладиган материални бериш белгиланса, у холда биогазо генераторга келиб тушадиган кучок массанинг густкилик хажмини ($\text{м}^3/\text{сут}$) куйидаги формула буйича аниклаш мумкин:

$$V_{cym} = m_o / P_{cym}, \quad (4)$$

Ферма учун керак булган биогазогенераторнинг хажми, (м^3):

$$V_{biogaz} = \tau \cdot V_{cym}, \quad (5)$$

Биогазнинг суткалик чикиши:

$$V_6 = m_o \cdot V_6, \quad (6)$$

Биогаздан фойдаланадиган курилманинг иссиқлик кувати ($\text{МДж}/\text{сут}$ ёки (Вт),

$$N = \eta \cdot Q_H^P \cdot V_2 \cdot \int_m \Delta V \quad (7)$$

буерда $\int_m \Delta V$ - биогаздаги метаннинг хажмий улуши;

η -ёниш курилмасининг ФИКи ($\approx 60\%$).

3-масала

Бир кун давомида уйни иситиш учун Q ГДж иссиклик талаб килинади. Бу максадда куёш кувватидан фойдаланиш учун иссиклик кувватини сув акумуляторларида эхтиёт килиб куйиш мумкин. Иссик сувнинг хароратини $t_1^{\circ}\text{C}$ деб олайлик. Агар сувнинг харорати $t_2^{\circ}\text{C}$ га тушмагунча, иссиклик куввати иситиш максадида ишлатилса, бак-аккумуляторнинг сигими V(м3) кандай булиши керак? Иссиклик сигими ва сув зичлигини берилган адабиётлардан олинг.

Ечиш. Учинчи масала тураржойларни иситиш. Иссик сув билан таъминлаш ва у ердаги хаво хароратини намлигини бир хилда саклаш учун мулжалланган, иссиклик энергиясини берадиган сув аккумуляторларининг сигимини аниклашга багишланган. Иссиклик энергиясининг манбаи булиб, масалан, уйнинг томида жойлашган куёш нурлари томонидан ушлаб колинадиган куёш энергияси булиши мумкин. Панелларда айланиб турадиган сув, иситилгандан кейин бак-аккумуляторга юборилади, у ердан эса насос билан иситиш батареялари ва иссик сув таъминотининг сув чиқариш жумракларига етказиб берилади. Шагал ва бошқаларнинг тулдириланидан фойдаланиб, иссикликни туплайдиган ута мураккаб, комплекс тизимлар хам булиши мумкин.

Сув учун бак-аккумуляторларининг керакли хажми V(м3) изобар жараёни учун маълум булган тенгламага кура аниклаш мумкин. Агар куйидагилар маълум булса: уй учун иссиклик энергиясининг суткалик эхтиёжи Q(ГДж): куёш панелларида хосил буладиган иссик сувнинг харорати $t_1^{\circ}\text{C}$, бакдаги энгкам харорат $t_2^{\circ}\text{C}$, ушбу хароратда иситиш тизими хали ишлаши мумкин:

$$Q = \rho \cdot V \cdot C_{\rho} \cdot (t_1 - t_2), \quad (3.8)$$

буерда ρ –денгиз сувининг зичлиги, кг/м3

Ср- $\rho = \text{const}_{\text{вДж}}(кг \cdot K)$ да сувнинг солиштирма массали иссиклик сигими.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

САБЗАВОТ САҚЛАШ ОМБОРХОНАЛАРИНИ ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ВА МИКРОИҚЛИМ ЯРАТИШМУАММОЛАРНИ ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЎРНИ КЕЙС-ТЕХНОЛОГИЯ

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича қулай географик шароитига эга. Ҳосилдор ерлари, табиий бойликлари, меҳнат ресурслари, иқтисодий ва илмий – техникавий потенциали, дехқончлик ишлари бўйича тарихий тажрибаси Ўзбекистон учун улкан шарт-шароитларни яратади.

Аграр соҳада ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, унинг моддий-техник базасини ривожлантириш илмий-техник тараққиётнинг асосий омилларидан бири ҳисобланди. Қишлоқ хўжалиги тизимини бошқаришнинг техник жихатларини, бугунги кунда, энергиянинг энг қулай, шу билан бирга ноёб тури ҳисобланган электр энергиясисиз, ва ўз навбатида ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштиришсиз тасаввур этиш қийин. Қишлоқ хўжалигидаги кўплаб тармоқларда қўлланилаётган илғор технологиялар ишлаб чиқаришнинг автоматлаштирилган бошқарув тизимларидан фойдаланишни талаб қиласди.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигига мутахассислари зиммасидаги энг муҳим вазифа-иссиқхона шароитида маҳсулот етиштиришда ўсимликни нормал ривожланиши учун асосий кўрсатгичларни таъминлашни талаб этади. Бу соҳада микроиқлим кўрсатгичларига (ёритилганлик, ҳаво ва тупроқ ҳарорати ва намлиги, ҳар хил газларнинг концентрацияси, ҳаво ҳарорати тезлиги ва бошқалар) алоҳида агротехник талаблар қўйилади. Ер майдонларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалик экинларидан кам харажат қилиб мўл ва сифатли ҳосил олишдунёнинг қўпчилик минтақасида жойлашган мамлакатлар учун шу жумладан Ўзбекистон худуди учун ҳам долзарб муаммодир.

Берилган кейснинг мақсади: талабаларда сабзавот сақлаш омборхоналарини электрлаштириш ва микроиқлим яратиш муаммоларни ўқитишида педагогик технологияларни ўрни, асосий муаммолари ўрганиш ва уларнинг такомиллаштириш имконини яратиш билимларини шакллантириш.

Кутилаётган натижалар:

- ўзлаштирилган мавзу бўйича билимларини мустахкамлаш;
- муаммонинг фанда қабул қилинган ечимнинг индивидуал ва гурухий таҳлилда билим ва кўнікмаларни қайта топшириш;
- мантиқий фикрлашни ривожлантириш;
- мустақил равишда қарор қабул қилиш кўнікмаларини эгаллаш;
- ўқув ахборотларини ўзлаштириш даражасини текшириб қўриш.

Кейсни муваффақиятли бажариш учун талабалар қуидаги билимларни бажариши лозим:

- замонавий электр ускуналарни омборхоналарни лойихаларида күллаш;
- сабзавот сақлаш омборхоналарининг электр таъминотида линия ва химоя воситаларни замонавий техник ечимлари усуслари билан қабул қилиш;
- омборхоналарда қуёш ва шамол энергетик системаларидан фойдаланиш масалаларини қўриб чиқиш.

**Мазкур кейс институционал тизимнинг реал фаолияти асосида
ишлаб чиқилган.**

Кейсда ишлатиладиган маълумотлар манбаи:

ТошДАУ “Қишлоқ хўжалиги электр энергетикаси ва электр технологиялар” кафедрасида бажаралиятган илмий лойихаларнинг натижалари.

Кейснинг типологик хусусиятларига қўра тафсилоти: мазкур кейс аудиторлик кейс тоифасигакириб, мустақил аудиториядан ташқари бажариладиган иш учун мўлжалланган. Ушбу кейс институт маълумотлари ва далиллари асосида ишлаб чиқилган. У тузилмавий кичи хажмдаги кейсҳисобланади.

АМАЛИЙ ВАЗИЯТНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВАХАЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ТАЛАБАЛАРГА УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР **Талабаларга йўриқнома**

Иш босқичлари Маслахатлар ва тавсияномалар	Маслахатлар ва тавсияномалар
1-кейс ва унинг ахборот таъминоти билан танишиш	Аввало кейс билан танишинг. “Сабзавот сақлаш омборхоналарида бор технологик жараёнларни қайта электр жихозлаш” зарруриятихақида тушунча ҳосил қилиш учун бор бўлган бутунахборотни дикқат билан ўқиб чиқиш лозим. Ўқиб пайтида вазиятни тахлил қилишга шошилманг
2-берилган вазият билан танишиш	Маълумотларни яна бир маротаба дикқат билан мухим бўлган сатрларни белгиланг бир абзацдан иккинчи абзацга ўтишдан олдин уни икки уч-маротаба ўқиб мзмунига кириб борамиз. Кейсдаги мухим фикрларни қалам ёрдамида остини чизиб қўйинг. Вазият тавсифида берилган асосий тушунча ва ибораларга дикқатингизни жалб қилинг. Омборхонада эксплуатация шароитини ҳисобга олиб, замонавий электр ускуналарни танлаш.
3-муаммоли вазиятни тахлил қилинг	Асосий муаммо ва кичик муаммоларга дикқатингизни жалб қилинг.

	<p>Асосий муаммо: “Күёш ва шамол электр станцияларидан фойдаланиб, локал энергия таъминот тизимишилаб чиқиши”.</p> <p>Кўйидаги саволларга жабов беришга харакат қилинг.</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Күёш ва шамол манбаларнинг энергетик характеристикалари қандай аниқланади? 2. Қайта тикланувчи энергия манбаларига асосланган локал энергия таъминот тизимини ишлаб чиқинг. 3. Қишлоқ хўжалик электр энергетик системасини лойихалашда анъанавий ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан биргаликда самарали фойдаланиш йулларини келтиринг. <p>Асосий муаммо нимага қаратилганлигини аниқланг. Муаммонинг асосий мазмунини ажратиб олинг. Муаммоли вазиятни тахлилқилиш-объектнинг холатини аниқланг, асосий қирраларига эътибор қаратинг, муаммоли вазиятнинг ҳамма томонларини тахлил қилинг. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва энергиялардан самаралаи фойдаланиш бугунги куннинг талаби эканлигини кўрсатиб беринг.</p>
4-муаммоли вазиятни ечиш усул ва восита-ларини танлаш ҳамда асослаш	Ушбу вазиятдан чиқиб кетиш харакатларни излаб топиш ақсадида қўйидатақдим этилган “Муаммоли вазият” жадвалини тўлдиришга киришинг. Муаммони ечиш учун барча вазиятларни қўриб чиқинг, муқобил вазиятниятинг. Муаммонинг ечимини аниқ варианtlардан танлаб олинг: муаммонинганик ечимини топинг. Жадвални тўлдиринг. Кейс билан ишлаш натижаларини ёзма шаклда илова этинг.

Кейс билан ишлаш жараёнини баҳолаш мезонлари вакўрсаткичлари
 (мустақил аудиториядава аудиториядан ташқари бажарилган иш учун)
Аудиториядан ташқари бажарилган ишучун баҳолаш мезонлари ва Кўрсаткичлари

Гурухларрўйхати	Гурӯх фаол	Маълумо тлар	Жавоблар тўлиқ вааниқберилди	Жами мак.

	ма к. 1 б	тақдимәтилди мак. 4 б	мак. 5 б	10 6
--	--------------	--------------------------	----------	---------

**Аудиторияда бажарилган иш учун баҳолаш мезонлари ва
кўрсаткичлари**

8-10 балл-аъло, 6-8 балл-яхши, 4-6 балл-қониқарли

Гурухларрӯйхати	Гурӯх фаолмак. 1 б	Маълумотлар кўргазмали тақдимәтилди мак. 4 б	Жавоблар тўлиқ вааниқберилдим ак. 5 б	Жами мак. 10 6
-----------------	--------------------------	---	--	----------------------

Педагогик аннотация

**Ўзбекистон иқлимига мос замонавий автоматика воситалари ва
функционал элементларини танлаш ва қўллаш**

- тавсия этилган кейсни ечиш қўйидаги натиажаларга эга бўлиш зарур;
- ўзлаштирилган мавзу бўйича билимларни мустахкамлаш;
- муаммонинг ҳамда қабул қилинган ечимнинг индивидуал ва гурухий таҳлилида билим вақўникмаларни қайта топшириш;
- мантиқий фикрлашни ривожлантириш;
- мустақил равишда қабул қилиш қўникмаларини эгаллаш;
- ўқув ахборотларини ўзлаштириш даражасини текшириб кўриш.

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1. Энергия ресурсларидан фойдаланиш баҳолаш ва назорат қилиш услуглари.
2. Ем-хашак тайёрлаш технологиясининг биоэненергетик самарадорлигини баҳолаш.
3. Реактив қувватни компенсациялаш бўйича услугбий ва норматив хужжатлари билан тинишиш.
4. Умумий энергия ресурслар сарфини аниқлашда бирламчи маълумотларни йигиши.
5. Технологик жараёнини самарасини биоэненергетик баҳолаш моделини яратиш.
6. Энергия ресурслар тежашини услугбий асослари.
7. Энергия тежовчи чора-тадбирларни техник-иктисодий самарадорлигини аниқлаш.
8. Технологик жараёнини энергетик самарадорлигини комплекс баҳолаш.
9. Ривожланган давлатларда электр энергиясига қўлланиладиган тарифлар билан танишиш.
10. Паст кучланишли электр тармоқларида энергия қувват сарфларини камайтириш.
11. Асинхрон моторлар ва пайвандлаш курилмаларини қувват коэффициентларини ошириш.
12. Энергетик балансларни яратишда илмий-амалий изланишларни утказиш.
13. Истеъмолчи ростлагичлардан фойдаланиш ва оптимал тарифларни куллаш.
14. Реактив қуввати истеъмолини назорати.
15. Компенсацияловчи курилманинг қуввати ва трансформаторларнинг оптимал сони.
16. Кучланишни симметрик тузувчиларини вольтметр ёрдамида аниқлаш.
17. Ярим ўтказгичли узгартиргичлир бор схемаларида реактив қувватини компенсациялаш заруриятини асослаш.
18. Электр ёритгич ва электр юритмаларда энергия тежовчи чора-тадбирлар.
19. Махаллий энергия ресурсларини истеъмолчиларга етказиш усуллари.
20. Қуёшли сув иситгичини асосий параметрларини аниқлаш.
21. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида иссиқлик насос курилмаларини қўллаш.
22. Иссиқлик энергиясидан қайтадан фойдаланишга техник ечимлар.
23. Қуёш энергияси билан хоналарни иситиш технологияси.
24. Қуёш энергиясидан электр энергиясини ишлаб чиқиш схемалари.
25. Шамол тезлигини ўлчаш усуллари.

26. Иссиқликни қайта ишловчи қурилмалари параметлари ва схемаларини оптималлаштириш.

27. Бузоқ хоналарда микроиклим яратишида иссиқлик чиқиндиларидан фойдаланиш.

28. Фермер хўжаликларининг ёқилги - энергетик балансини таҳлили ва уни такомиллаштириш.

29. Энергия тежаш учун бериладиган мукофот миқдорини аниқлаш.

30. Электр энергия сифати ва дифференциал таърифлари.

31. Паст кучланишли тармоқларда ўрнатиладиган компенсацияловчи қурилмалар.

32. Гидроэнергетик қурилманинг параметрларини аниқлаш.

33. Шамол электр қурилмаларини катталикларини аниқлаш.

VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Биогаз қурилмаси	Анаэробик усулида турли хил органик чиқиндиларни ачитиб газ ишлаб чиқарувчи қурилма.	An installation designed to generate gas based on the anaerobic method of fermentation of various waste products.
Гидроэнергетика	Электрэнергиясиниол ишучунсув ресурсларининг механик энергиясидан фойдаланишиб билан боғлиқ энергетика сохаси.	The energetics sphere associated with the use of mechanical energy of water resources to generate electric power.
Шамол энергетикаси	Механик, иссиқлик ёки электр энергиясини олиш учун шамол энергиясидан фойдаланишиб билан боғлиқ энергетика сохаси.	The energetics sphere associated with the use of wind energy to generate mechanical, thermal or electrical energy.
Шамол энергетикаси қурилмаси	Шамол энергиясини электр энергиясига айлантирадиган қурилма.	The installation designed to convert wind energy into electrical energy.
Энергетика	Энергетика ресурслари, турли хил энергияни ишлаб чиқариш, етказиб бериш, қайта ўзгартириш, жамғариш, тақсимлаш ва истеъмол қилишни ўз ичига олувчи иктисодиёт, фан ва техника тармоғи.	The scientific and technical field of the economy that covers generation, supply, conversion, accumulation, distribution, consumption of varuios types of energy.
Энергия ташувчи модда	Ғамланган энергиясидан энергия билан таъминлаш учун фойдаланишиб мумкин бўлган турлиагрегат холатидаги модда.	Substance in varuios state capable to carry certain quantity of concentrated energy.
Қайта тикканадиган энергетика ресурслари	Табиий жараёнлар натижасида мунтазам тўлдириладиган табиий энергия ресурслари.	Natural energy resources that are restored in the result of natural processes.

Қайта тикланадиган энергетика	Кайта тикланадиган манбалар энергиясини энергиянинг башқа турларига айлантириш билан боғлик энергетика соҳаси.	The energetics sphere associated with the conversion of the energy of renewable resources to generate other type of energy.
Қуёш ёрдамида иситишнинг актив тизими	Қуёшколлекторларида ги иссиқлик ташувчини иситиш учун қуёш энергиясидан фойдаланадиган тизим.	The system using the thermal energy of the solar collector.
Қуёш ёрдамида иситишнинг пассив тизими	Қуёш энергиясини қабул қилувчи мослама ва аккумляторлари.	The devices and batteries accumlating solar energy.
Қуёш иссиқ сув таъминоти	Турлиистеъмолчилар нинг коммунал-маиший ва технологик эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида сувни иситиш учун қуёш нурлари энергиясидан фойдаланиш.	Use of sunrays energy to warm water in order to satisfy the public living and technological needs of various consumers.
Қуёш иссиқ сув таъминоти тизими	Қуёш энергиясидан сувни иситиш учун фойдаланадиган ва мазкур истеъмолчини иссиқ сув билан таъминлашни қисман ёки тўлиқ қопладиган тизим.	The system fully or partly using solar energy to warm water and to supply particular consumers with hot water.
Қуёш иссиқлик таъминоти	Турлиистеъмолчиларни иситиш, иссиқ сув билан таъминлаш ва технологик эҳтиёжларини қондириш учун қуёш нурлари энергиясидан фойдаланиш.	Use of sunrays energy to satisfy the need of various consumers for heat, hot water as well as the need of technologic processes.
Қуёш иссиқлик таъминоти тизими	Мазкур истеъмолчини иссиқлик ва иссиқ сув билан таъминлашни қисман ёки тўлиқ қоплаш учун қуёш энергиясидан фойдаланадиган тизим.	The system using solar energy to fully or partly contribute to the supply of heat and hot water to a particular consumer.
Қуёш коллектори	Қуёш нурлари энергиясини сингдириш ва	An installation designed to absorb the

	уни иссиқлик энергиясига айлантириш қурилмаси.	energy of sun rays and convert it into thermal energy.
Қуёш фотоэлектр элементи	Фотоэффект асосидаги қуёш элементи.	Photoeffect-based solar cell.
Қуёш элементи	Турли жисмоний принциплари асосида қуёш нурлари энергиясини түгридан - туғри электр энергиясига айлантиргич.	The device converting the energy of sun rays directly into electric power on the basis of various principles.
Қуёшэнергетикаси	Қуёшэнергиясинаиэлек труаиссиқликэнергиясигаай лантиришибилан боғлиқэнергетика сохаси.	The energetics sphere associated with the conversion of solar energy to electrical or thermal energy.
Қуёш энергияси концентратори	Қуёш нурлари оқимининг зичлигини ошириш учун нурларни акс эттириш ва йуналишини ўзгартиришга асосланган оптик мослама.	An optical device designed to increase the density of the flow of sun energy.
Электротехники қурилма ва жихозларни климатик бажарилиши	Турли хил иқлим шароитларида ишлашга мүлжалланган электротехник қурилма ва жихозлар (совук, тропик, мұйтадил ва умумиқлим шароитида)	Electrical equipment and installations designed for operation in various climatic zones (tropical climate, cold climate, temperate climate and climate-specific performance)
Қувват ва ток бўйича танлаш	иш машинасини харакатга келтирувчи моторларни номинал қуввати ва токларни хисобий қийматларидан кам бўлиши керак.	Electrical equipment and installations The rated current and power of the motor must be at least calculated
Химоя воситалари	автоматик узгичлар, иссқлик релелари, эрувчан сақлагичлар. Фаза сезгар хиоя воситалари, ўрнатилган, температуравий химоя воситаси.	circuit breakers, thermal relays, fuses with a fusible insert, phase-sensitive protection devices, built-in temperature protection.

Объектлар электрлаштиришни лойихалашда құлланиладиган меъёрий хужжатлар	қурилиш нормалари ва қоидалари, электр ускуналарини тузилиши ва ўрнатиш қоидалар, техник эксплуатация қоидалари, техник хавфсизлик қоидалари. Конструкторлик хужжатларни ягона тизими.	construction norms and rules, rules for electrical installation of electrical installations, rules for technical operation, safety regulations, a unified system for design documentation.
Лойиха топшириғи	бюртмачи томонидан лойихаловчи ташкилотни жалб қилингандын холда бажариладиган хужжат. Бунда регионда бүлгандар шароитлар, объект катталиклари, ишлаб чықарыладиган махсуслар тури келтирілади.	Prepared by the customer with the involvement of a representative of the project organization. In the task, decrees of sculpturing for the construction of the object, the nomenclature of the object and the type of products
Лойиха учун олинадиган бирламчи маълумотлар	объектининг изланиш ва ўрганиш маълумотлари, техник-иктисодий асослаш, бор инженерлик коммуникациялари, нусхавий лойихалар ва ечимлар	Information on the study of the object, technical and economic equipment, existing engineering communications, model projects.products
Лойихага қўйиладиган талаблар	прогрессив технология, хом- ашё материаллардан ва бор коммуникацияларидан унумли фойдаланиш, яқин 5-7 йилдаги объектини ривожланиши, атроф мухитни асраш.	progressive technology, rational use of raw materials and existing communications, the prospect of development of the object for the next 5-7 years, environmental protection.
Лойиха таркиби	түшунтириши хати ва инженерлик чизмалар, түшунтириши ҳатида қисқа объектнинг тавсифномаси берилади, бажарилган техник ечимларни қисқача натжалари келтирілади.	explanatory note taking. The explanatory note provides a brief description of the object, the results of engineering calculations. In the drawings are graphical tools of electrical solutions.

	Чизмаларда барча электротехник ечимларни график натижалари келтирилади.	
Нусхавий лойихалар	қурилишда қайтакайта ишлатилған, экспертизадан ўтган ва намунавий деб тасдиқланган лойихалар нусхавий деб қабул қилинади.	reusable in construction, tested and approved as standard graphical solutions of electrical solutions.
Занжирларни маркировкаси	Занжирлар бўлимлари тугунларини белгилаш. Уларни функциаллар вазифаларини қайт қилиш.	to mark the nodes of electrical circuits and designate their functional tasks.
Лойихалларда структурали бошқариш схемаси	бошқариш тизимларини элементларини ўзаро боғликлиги, технологик жараёнларини назорат қилиш	reflect the interconnection of the elements of the control system, the control of technological processes, the definition of the management structure, their interconnections, and the technical essence of the automatic control of an object.
Функционал автоматлаштириш схемаси	техник хужжат бўлиб тизимда бўлаётган маълум бир жараёнларини тушунтиради, технологик жараёнларни автоматлаштириш структураси ва даражасини аниклайди, функционал схема одатда технологик ускуналар билан узвий боғланган бўлиб, одатда схемада технологик ускуналарна жойлашиш тартибини кўрсатадио	is a technical document that explains the processes occurring in the system, and it redistributes the structure and degree of automation of technological processes. Usually, the functional diagram is directly connected with technological installations. Automatic control of the facility.

Принципионал автоматлаштириш схемалар	<p>схема тартибини тўла ифодаловчи ва улар орасидаги бўгланишни кўрсатувчи хамда схеманинг ишлаш принципи тўғрисида тўла маълумот берувчи лойиха хужжатидир.</p>	<p>fully reflects the order of automation and interconnection of elements. Also gives full information about the principle of the scheme.</p>
---------------------------------------	--	---

VIII. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ш.Мирзиёев. Эркин ва фаравон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, Ўзбекистон, 2016 й.56 б.
2. Ш.Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент, Ўзбекистон, 2017 й.48 б.
3. Ш.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўйитши керак.(Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтиосодий дастурнинг энг муҳим устувор йўнналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидағи маъруза) Тошкент, Ўзбекистон, 2017 й.104 б.
4. Ш.Мирзиёев. Буюқ келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент, Ўзбекистон, 2017 й. 488 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сон Фармони. Ўзбекистон республикаси қонун хужжатларитўплами, 2017 й., 6-сон.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилано фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ1958-сонли қарори. Тошкент. 2013 йил 29 апрел.
7. А.А. Федоров, Л.Е. Стракова – Учебное пособие для курсового и дипломного проектирования. Москва. Энергоатомиздат 1997г.369с.
8. А. Раджабов, И.Ж. Тошев. Қишлоқ хўжалиги электр таъминоти. - Т., “Iqtisod-Moliya”, 2010 йил, 178 б.
9. Воронин С.М. Возобновляемые источники энергии и энергосбережение. / Воронин С.М., Оськин С.В., Головко А.Н. – Краснодар, КубГАУ, 2006, 267 с.
10. Вардиашвили А.Б. Ноанъавий ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишда энергия тежамкорлик. Ўқув қўлланма – Қарши, “Насаф нашр”, 2012й., 184 б.
11. Клычев.Ш.И., М.Мухамадиев и другие. Нетрадиционные и возобновляемые источники энергии.-Т.Изд-во ,Fan va texnologiya,,2010 – 192 с.

12. Сибикин Ю.Д., Сибикин М.Ю. Нетрадиционные возобновляемые источники энергии. М.: РадиоСофт, 2008 – 228 с.

Хорижий адабиётлар

1. Detlef Lucius. *Planning of Electric Power Distribution. Technical Principles.* Siemens AG. Germany. 2015.
2. Ohn Twidell and Tony Weir. *Renewable energy resources.* Taylor & Francis e-Library. Second edition, 2006.
3. Penni McLean-Conner Energy Efficiency: Principles and Practices PennWell Books USA, Oklahoma 2009. Number of pages: 194.
4. USA, Oklahoma 2009. Number of pages: 194 Renewable Energy Resources RoutledgeUnited Kingdom, 2015. Number of pages: 816.
5. Tony WeirRenewable Energy Resources Routledge United Kingdom, 2015. Number of pages: 816

Интернет сайтлари

1. www.ziyonet.uz – Зиёнет кутубхонаси
2. www.edu.uz – Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
3. www.gov.uz–Хукумат портали
4. www.nuu.uz – Ўзбекистон Миллий университети
5. www.tiqxmmi.uz – Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти